
R 496
1989/2

JSSN 0134 — 2207



Экз №4

ГУЛИСТОН

2
1989



— Бу пахта навини деҳқон қандай баҳоларкин?
(Бухоро тажриба станцияси илмий ходими, биология фанлари кандидати, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати Шодмон Мавлонов ва селекционер Адҳам Таминов).

Р. Шагаев фотоси
(ЎзТАГ)

Боболар ва неваралар. Р. Шагаев фотолари
(ЎзТАГ)






Манзара.



Полизда.



— Ошқовоқ дегани бундай бўпти!..



Қадрдон кенгликлар.

Яйловда.

Р. Шагаев фотолари (ЎзТАГ)



Унга Ленин ишонган эди...



ГБ УзССР
Ж

Султон Сегизбоев. Бу инсон ҳақида кўпчилик ҳали унча яхши билмайди. Билганлар ҳам унинг ҳаётини, фаолиятини юзаки тасаввур қиладилар. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси бўлган; 1938 йилда репрессияга учраган; 50-йиллар охирига келиб оқланган... Бор гап шу. Зеро, 30-йилларда хатга тушиб, қораланган кишининг номини тилга олиш, у ҳақда гапириш ҳам жиноят ҳисобланган. Жамиятимиз тарихида қора доғ бўлиб қолган шахсга сиғиниш даврининг аянчли асорати ана шундай.

Турли архивларда сақланаётган тарихий ҳужжатлар, замондошларининг ёзиб қолдирган хотиралари қишлоқда туғилиб, Октябрь инқилобининг ҳаётбахш нури билан камолга етган Султон Сегизбоевнинг ҳақиқий большевик, оғир кураш йилларида фақат Туркистондагина эмас, балки Украинада, Қозоғистонда совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда чинакам ташкилотчилик намунасини кўрсатган партия ва совет арбоби эканлигидан далолат беради.

Бугун, яъни орадан 71 йил ўтгандан сўнг, биз аллақачонлар ҳаётда «асфальт йўл»га чиқиб олганимиздан кейин, баъзилар қайта қуриш ниқобида ўтмишимизга енгил-елпи муносабатда бўлмоқдалар, бўлиб ўтган аёвсиз синфий курашлар силсиласини йўққа чиқаришга уриниб, матбуот саҳифаларида (ҳатто марказий матбуотда ҳам) халқимизнинг шонли тарихига, унинг қаҳрамонликларига менсимаслик билан муносабатда бўлмоқдалар. Бу, мутлақо нотўғри ва зарарлидир. Аслида бўронли йилларда Совет ҳокимияти учун, янги тузум, янги жамият учун олиб борилган курашларда большевиклар партияси, унинг сафига уюшган коммунист-революционерлар сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан чиниқиб тобландилар. Бу ғолиб партия турли миллат ва элатлардан таркиб топган Улуғ мамлакатнинг ишончли ва етакчи сиёсий кучига айланди. Сирасини айтганда, буюк давлатимизнинг бугунги қудрати, унинг обрўси ҳам ғалабаларга бурканган ўтмишимиз туфайлидир.

Ҳа, Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш учун олиб борилган курашларнинг олдинги сафида оққўрғонлик қишлоқ йигити Султон Сегизбоев ҳам бор эди. У давлат арбоби, республика ҳукуматининг бошлиғи даражасига етгунча оловли йилларнинг ҳамма азоб-уқубатларини бошдан кечирди, ўша оғир йилларда жанговар большевиклар сафида чиниқиб, янги замон учун оташин курашчи ва содиқ ленинчи сифатида майдонга чиқди.

Тошкент областининг Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхозда Жағайбойли қишлоғи бор. Колхоз ўзига тўқ хўжаликлардан, кишилари фаровон яшашади. У ердаги қишлоқ ёшлари шинам-муҳташам бинолардан иборат мактабларда ўқишади. Бошқа колхозлар хўжаликларда бўлганидек, бу ерда ҳам ҳамма нарса кўпники: ер ҳам, сув ҳам, техника ҳам, от-уловлар ҳам — ҳаммаси коллективники. Колхозчилар биргаликда ишлаб, меҳнат самараларини ҳам ўртада баравар баҳам кўришади. Коллектив хўжаликнинг социалистик моҳияти шундай. Ўтмишда-чи? Аниқроғи, Октябрь инқилобига қадар бу ердаги бутун ер ҳам, от-улов ҳам, мол-ҳол ҳам — ҳамма нарса бойларники эди. Ерсиз камбағал халқ эса ўша муштумзўрлар қўлида ишлаб тириқчилик ўтказишарди. Жағайбойли қишлоғидаги Эрбўта қози, Муллатош, Эшматбой, Шамсихон Тўра сингари бойлар эгалик қилардилар. Ҳар қадамда тенгсизлик, зўравонлик ҳукм сурарди. Ана шундай адолатсизлик, жоҳиллик бурқсиб турган кунларнинг бирида, 1899 йилда Сегизбой исмли кишининг оиласида ўғил дунёга келади. Унга яхши ният билан Султон деб исм қўйдилар. Лекин яхши ният, яхши исмнинг ўзигина ўшандай шароитда инсон боласининг истиқболини белгиламас эди. Бунинг учун аввало, дунёдор бойнинг боласи бўлиш керак эди. Бойваччалар учун илм даргоҳларининг эшиклари ҳам ланг очиқ эди.

Жағайбойли қишлоғидаги эски мактабда Нодирхўжа Эшонхўжа ўғли деган кимса дарс берарди. У кишининг саводи ҳам ўзига яраша бўлганидан Султонларнинг ўқиши ҳам ҳафтияк сураларини чала-чулпа ёд олишдан нарига ўтмасди. Уша кезларда замонасининг билимдон кишиларидан бири, илғор ғояли зиёли Пўлат Соли ўғлининг ўша қишлоққа муаллим сифатида бориши ёш Султоннинг тақдирида бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди. У дастлаб Нодирхўжанинг дарс бериш усули билан қизиқиб кўрди. Унга болаларнинг бошини фақат суралар ёдлатиш билан қотирмасдан, имкони борича дунёвий фанлардан ҳам таълим бериш лозимлигини айтди. Зийрак Султоннинг истеъдодини сезган Пўлат Соли муаллим 1909 йилда уни ўзи билан бирга Қозон шаҳрига олиб кетади. Оққўрғонлик ўспирин у ерда бир йилдан ошиқроқ бўлиб, рус тилини дурустгина ўрганиб қайтади. Шундан сўнг Султон муаллими Пўлат Солининг ёрдамида Тошкент шаҳридаги гимназияга

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий адабий-бадиий журнали

№ 2 (468)

Февраль 1989

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Экз. №4

© «Гулистон» № 2, 1989 й.

ўқишга киради. У ўқий бошлаган кезларда «Султон бой-помешчикнинг эмас, бир ўрта ҳол деҳқоннинг боласи эмиш. Уни гимназиядан чиқариш керак», деган гап-сўзлар бошланади. Ўшанда Пўлат муаллим Оққўрғонга тузилган комиссия билан бориб, отаси Сегизбойнинг мулкига ака-укаларининг мол-мулкларини ҳам қўшиб ҳисоблатиб, унинг бойлигини икки минг тиллага етказади ва шу билан Султонни гимназияда олиб қолишга муваффақ бўлади.

Султон гимназияда ўқиб юрган кезлари ҳар гал шаҳардан қишлоққа келганида тенгқурларига қалам-дафтар ва бошқа ўқув қуроллари олиб келар, буларни Холтўра Отабек ўғли, Исмат Худойберди ўғли сингари дўстларига улашар эди. Айни вақтда Султон шаҳардаги янгиликлар, гимназиядаги тартиб-қоидалар ҳақида ҳам уларга ҳаяжон билан гапириб берарди. Унинг ана шундай қизиқарли ҳикояларидан сўнг қишлоқ болаларида ҳам шаҳар ҳаётига қизиқиш, ундаги янгиликларни илғашга интилиш ҳисси пайдо бўларди.

1917 йилда Султон гимназияни олтин медаль билан тамомлаб ўз юртига қайтади. У Жағайбойли қишлоғидаги қўли узун бойлардан бўлган Қидирбойга мирзо бўлиб ишга киради. Шаҳарда ўқиб ақлини таниб қайтган Султон бойнинг қўлида ишлаган кезларида қишлоқ аҳли бой ва камбағал деб тоифаларга бўлинган тенгсиз шароитда адолатсизлик ва жоҳилликнинг бутун изтиробларини ўз кўзи билан кўриб, қалбида текинхўр бойларга нисбатан нафрат ортади. Шу орада Петроградда Катта инқилоб бўлганлиги ва ҳокимият инқилобчи ишчи-солдатлар қўлига ўтганлиги ҳақидаги хушхабар узоқ Тошкентга, унинг атрофидаги шаҳарлар ва қишлоқларга ҳам етиб келади. Октябрь инқилобининг таъсирида Туркистон ўлкасида ҳам инқилобий тўлқинлар бошланади. 1917 йил 28 октябрда Тошкентда қуролли қўзғолон кўтарилади. Жанговар большевистик ташкилот атрофига уюшган революцион ишчилар ва солдатлар уч кун аёвсиз жанг қилиб, 1 ноябрда Тошкентда ҳокимиятни қўлга оладилар.

Султон Сегизбоев ўша даврнинг илғор ғояли зиёлиларидан бири сифатида Буюк инқилоб ғалабасини катта хурсандчилик билан кутиб олади. У 1918 йилдаёқ большевиклар партияси сафига киради. Шу-шу унинг зиммасига бошқа большевиклар қаторида Туркистон ўлкасида Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун босмачиларга қарши курашишдек ғоят масъулиятли вазифа юкланади. У 1918—1919 йилларда Оққўрғон волости партия комитетининг секретари, айни вақтда Пискент район революцион комитетининг раиси ва ҳарбий комиссари вазифаларида ишлайди. Султон Сегизбоев волость партия комитетининг секретари сифатида маҳаллий бойлар ўртасида ерларини ўз ихтиёрлари билан камбағалларга бериш ҳақида тарғибот ишлари олиб боради. Уларга, агар шундай қилсалар, ўзлари учун ортиқча жабр бўлмаслигини қайта-қайта тушунтиради. Дастлаб ўрта ҳол деҳқон бўлган ўз отасининг ерининг бир қисмини ҳам ерсиз фуқароларга бўлиб беради.

«Султон Сегизбоевнинг мулкдор бойлар ўртасида олиб борган таъсирли ташвиқотлари натижасида,— деб эслайди оққўрғонлик Исмат Худойбердиев ёзиб қолдирган хотираномасида,— Шамсихон Тўра деган бойнинг бир қисм ерлари Абдураҳмон, Ҳасан, Парда, Ҳамро, Қурбонбой исмли камбағалларга олиб берилди, Абдулла Жўра, Отақулбойларнинг ерларидан бир қисми Шермат, Назар, Искандар, Мирзо, Абдулқосим, Абдуқодир деган фуқароларга тақсимланди. Камбағалларга кўрсатилган бу ҳиммат уларнинг онгида Шўро ҳукуматига нисбатан ишонч уйғотди. Лекин фуқарони эзиш ҳисобига бойиб келган бошқа маҳаллий бойлар бундан норози бўла бошладилар. Улар Янги ҳукуматга қарши бош кўтарган босмачилар билан тил бириктириш ҳаракатида бўлдилар...»

Ўшанда вазият қалтислашганини сезган Сегизбоев революцион комитет раиси ва ҳарбий комиссар сифатида қуролли ёрдам сўраб Тошкентга келади.

«Султон Тошкентдан 70—80 чоғли кишидан иборат қуролли отрядни ҳамда пулемётлар, ўқ-дорилар ва бошқа хил қуроллар ортилган бир неча араваларни бошлаб келди,— дейилади юртдоши Баҳодирхон Саидхўжаевнинг архивдаги хотираномасида.— Отряднинг сафи маҳаллий кўнгиллилар ҳисобига кун сайин ортиб борди. Босмачиларнинг халққа бераётган озори аёвсиз эди. Раҳмонқул қўрбоши ва Мулла Мавлон қўрбоши тўдаларига уюшган босмачилар вақт-бемаҳал, ярим тунда қишлоқларни талардилар, хотин-қизларни эса тутқун қилиб олиб кетардилар.

Оққўрғоннинг марказидаги Хонариқ қирғоғида тез кунда қуролли отряд ва кўнгиллилар учун истеҳком барпо қилдик. Бу ерда шаҳардан келган малакали ҳарбий кадрлар маҳаллий кўнгиллиларни машқ қилдирар, уларга ўқ отишни, қуроллар билан муомала қилишни ўргатар эдилар. Босмачиларга қарши кура-



1921 йил В. И. Ленин Кронштадт исёнини бостирган ғолиб инқилобчилар даврасида.

Султон Сегизбоев (ўнгдан) биринчи қатордан иккинчиси.

шаётган мазкур қуролли отрядга Султон Сегизбоев командирлик қиларди. Бора-бора қуролланган кўнгиллилар сони 700 нафарга етди. Унинг отрядлари босмачиларни қир-адирларга таъқиб қилиб борарди. Бу отряд Бўкадаги отряд билан ҳамкорликда Облиқ фронтида босмачиларга қарши жанглар олиб борди. Бу жангларда С. Сегизбоев маҳоратли командир, довюрак, ташкилотчи саркарда сифатида ўзини кўп марта кўрсатган эди...»

Облиқ фронти. Бу фронт Ўзбекистоннинг ўша даврга оид ҳарбий-стратегия тарихида муҳим ўрин тутади. Тошкентда зимдан тайёрланаётган Осипов исёни билан бош қўшишга интилган Раҳмонқул қўрбоши, Мавлон қўрбоши бошлиқ босмачи тўдаларининг қизиллар томонидан тор-мор келтирилиши, бир томондан, ўша исённинг муваффақиятсиз чиқишига имконият яратган бўлса, иккинчи томондан, Фарғона водийсида босмачилик ҳаракатини бартараф этиш, у ердаги Кўршермат, Мадаминбек ва Эргаш қўрбошиларнинг хавфли газандаларини йўқотиш учун қулай шароит яратди.

Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш, босмачилар ҳаракатини бостириш ишларини уюштириш ва ташкилотчилик қилиш учун шахсан доҳий В. И. Ленининг топшириғи билан бу ўлкага М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, Ш. Э. Элиава сингари атоқли ҳарбий саркардалар ва давлат арбоблари ишга юборилади. Султон Сегизбоев ҳам, бошқа маҳаллий большевиклар қаторида оғир кураш йилларида партия ва ҳукуматимизнинг ана шундай етук намоёндалари қўлида тарбия олди, қийин шароитларда ҳам имкон топиш маҳоратини ўрганди, мураккаб операцияларни ҳал этишда уларнинг маслаҳатига, кўрсатмасига кўра иш тутди.

1923 йилда Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети Туркистон комиссиясининг раиси М. В. Фрунзенинг шахсан ўзи Туркистон Республикаси Советларининг IX съезди қарорларига асосан Фарғона областида ер-сув ислоҳотини ўтказишда Султон Сегизбоевни шу областга масъул вакил қилиб юборади. Маҳаллий аҳолининг асосий қисмини ташкил этган деҳқон оммаси учун, айниқса, 20-йилларнинг бошларида «Қўшчи» союзига уюшган чоракорлар ва батраклар учун ер-сув ислоҳотининг амалга оширилиши муҳим сиёсий аҳамиятга эга эди. Бирмунча вақт Сегизбоев шу союзнинг масъул котиби бўлиб ишлади. Камбағаллар комитети ҳисобланган «Қўшчи» союзи 1922—1927 йиллар шароитида халқ хўжалигини тиклашда, пахтачиликни йўлга қўйишда катта роль ўйнади. Фарғона водийсида ер-сув ислоҳотини ўтказишда Султон Сегизбоевни чинакам ташкилотчилик намунасини кўрсатди. Лекин вазият ниҳоятда қалтис ва мураккаб эди. Бутун водий бўйлаб босмачилик ҳаракати хуруж қиларди. Муҳиддин, Исломқул, Бойистон, Омонполвон, Раҳмонқул, Исроил, Жонибек қози, Қорабой, Эшмамат бойвачча, Аҳмад полвон, Мадаминбек, Кўршермат қўрбошиларнинг ва унинг укалари Нурмат ҳамда Тошматларнинг босмачи тўдалари эл-юртни талаб, шаҳар ва қишлоқларни хонавайрон қилишар, Шўро ҳукумати вакилларига суиқасдлар уюштириб, Совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қатиқ қаршилик кўрсатар эдилар. Босмачиларнинг сони ўша вақтларда водийда беш мингга етган эди.

РКП(б) Марказий Комитети ва Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети 1922 йил 13 майда босмачиларга қарши курашишни кучайтириш ва Туркистон Компартиясининг навбатдаги вазифалари тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур қарорда қўйилган талаблар асосида Фарғона водийсидаги босмачилик ҳаракатига қарши кескин кураш олиб борилди, қўрбошиларнинг тўдалари бирин-кетин тор-мор қилинди.

Кейинроқ Султон Сегизбоев Фарғона область партия комитетининг секретари қилиб сайланади. Бу масъул вазифада унинг сиёсий раҳбар ва ҳарбий саркарда сифатидаги истеъдоди янада ёрқин намоён бўлади. У маҳаллий миллатлардан отрядлар ташкил этиб, босмачиларга қарши қуролли курашни кенг миқёсда уюштиради. Бунда Сегизбоев А. И. Тодорскийга ўхшаган етук ҳарбий саркардаларнинг кўрсатмаларига таянади. У область коммунистларига етакчилик қилиш билан бирга ўзбек тилида чиқадиган газетага муҳаррирлик ҳам қиларди. Чунки у вақтларда саводли етук кадрлар мутлақо етишмасди. Сегизбоевнинг жўшқин фаолияти туфайли газета оммани халқ хўжалигини тиклашга ва уларни босмачиларга қарши курашга сафарбар этувчи жанговар минбарга айланади.

У босмачилар тўдаларини тор-мор келтиришда кўрсатган жасорати ва ташкилотчилиги учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланади. Туркистон фронтининг қўмондони М. В. Фрунзе эса уни қўмондонлик номидан шахсий олтин соат билан тақдирлайди.

Бизга тарихдан маълумки, 1921 йилда, РКП(б)нинг X съезди очилиши арафасида Петроградда Кронштатда империалистлар билан тил бириктирган чор офицерлари исён кўтарадилар, Петроград губернияси қамал ҳолатда деб эълон қилинади. Душманлар бу билан большевикларнинг навбатдаги съездининг муваффақиятли ўтишига халақит бериш, унинг аҳамиятини йўққа чиқаришни ҳам кўзлаган эдилар. В. И. Ленин съездга узоқ-яқиндан келган делегатларни фавқулоддаги бу ҳолатдан дарҳол огоҳ қилади ва ҳарбий малакаси бўлган делегатларнинг катта бир гуруҳини исённи бостиришга юборади. Улар орасида Султон Сегизбоев ва Тошмуҳаммад Ўрозбоев ҳам бор эдилар. Мазкур исённи бостиришда фаол қатнашган саркардалардан бири И. С. Конев ўз эсдаликларида исённи бостириш шиддатини «Тарихда мисли кўрилмаган штурм эди», деб изоҳлаган.

Исённи бостириб, ғолиб бўлиб Москвага қайтган делегатларни В. И. Ленин қабул қилади ва фавқулоддаги жангда қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун уларга партия ва ҳукумат номидан миннатдорчилик билдиради. (Суратда: исёнчиларни тор-мор қилиб қайтган ғолибларни доҳий В. И. Ленин қабул қилган пайт акс этган. Ўнгдан биринчи қатордан иккинчиси С. Сегизбоев).

Ўшанда В. И. Ленин бошқа большевиклар қаторида Султон Сегизбоевга ҳам жанговар топшириқни ишониб топширган эди. У доҳийнинг ишончини бу гал ҳам оқлаган эди.

Шу ўринда назаримизда бир нарсага аниқлик киритиш эҳтиёжи туғилади. Тегишли архив ҳужжатларида РКП(б) X съезди делегатлари рўйхатида Тошмуҳаммад Урозбоев бўлгани ҳолда, лекин нимагадир Султон Сегизбоев йўқ. Эҳтимол, шу рўйхатда қолиш-қолмаслиғига ҳам унинг кейинчалик ноҳақ қораланишининг касофати теккан бўлиши мумкин.

Сегизбоев 1921 йилдаёқ Туркистон Марказий Ижроия Комитетига аъзо қилиб сайланган. У 1924 йилдан бошлаб эса ВКП(б) Ўзбекистон Марказий Комитети аппаратида ишлайди. Туркистонда миллий чегаралаништни ўтказиш пайтида республика Миллий-территориал комиссиясига бошчилик қилади. Сўнгра Тошкент уезди партия комитетининг секретарлиги вазифасида ишлайди. Уша йилнинг охирида ВКП(б) Марказий Комитети ихтиёрига таклиф қилинади. Марказий Комитет уни Украина ССРнинг Донбасс область партия комитети секретарлиги вазифасига юборади. У қаерда ва қайси вазифада ишламасин, содиқ ленинчи коммунист сифатида ўзининг бутун ташкилотчилик қобилиятини, билимини совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва халқ хўжалигини ривожлантириш мақсадларига сарфлайди.

1925 йил кузида Сегизбоев ВКП(б) Украина Марказий Комитетининг йўлланмаси билан Москвадаги Қизил профессура институтига ўқишга юборилади. Украин Компартияси Марказий Комитети унинг номига берган партиявий характеристикасида қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин: «Ўртоқ Сегизбоев қатъий ташаббускорлик ва жиддий интилувчанлик фазилатларига эга. У топшириқларнинг бажарилиши жараёнида иш миқёсини тез илғаб олади ва бу жараёнда қатъиятлик кўрсата билади; кенг сиёсий дунёқарашга эга бўлиб, ходимларни танлаш ва уларга раҳбарлик қилишга қобил. Партиянинг қатъиятли ва ишончли аъзоси, ташкилотчилик ва маъмурий раҳбарий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган...»

Ана шундай юксак партиявий хусусиятларга эга бўлган Сегизбоев Қизил профессура институтида ҳам ўз қобилияти билан тезда кўзга ташланади. У бу ерда В. Ф. Игнатьев, П. Н. Поспелов сингари кейинчалик партиямизнинг атоқли арбобларига айланган истеъдодлар билан бирга таълим олади. Сегизбоев институт партия бюросига аъзо қилиб сайланади, айни бир вақтда «Правда» номидаги Бутуниттифоқ давлат журналистика институтида сиёсий иқтисод фанидан дарс беради.

«Мен Султон Сегизбоевни 1927 йилнинг кузидан то 1930 йил баҳоригача Қизил профессура институтида бирга ўқиган вақтларимиздан яхши биладирдим,— деб эслайди хотираларида академик П. Н. Поспелов.— У жуда қобилиятли, марксча-ленинча назарияни ўрганишга жиддий берилган, синчков ўртоқ эди. Мен ўша вақтда ўз сафига 500 коммунистни уюштирган институт партия ташкилоти секретари эдим. Шу катта коллектив орасида Сегизбоев ўзининг чуқур принципиаллиги, партияга содиқлиги билан ажралиб турарди. Партиянинг ленинча йўли учун 1928 йилда ва 1929 йилнинг бошларида Москва партия ташкилотида фаоллаша бошлаган троцкийчиларга ва ўнг оппортунистларга қарши толмасдан курашганлардан эди. У жуда камтар эди. Ҳатто ёнидаги биз тенгдошларига ҳам ўзининг жанговар хизматлари ҳақида гапиришни хуш кўрмасди. Фақат Қизил Армия куни бўлган 23 февралда Қизил Байроқ орденини фахр билан тақиб оларди. Уша орден тимсолида биз унинг социалистик Ватанимиз учун олиб борилган оғир жанглардаги хизматларини тасаввур қилардик».

Дарҳақиқат, Сегизбоев 1930 йилда Қизил профессура институтини муваффақиятли тамомлаб, Ўзбекистоннинг биринчи иқтисодчи профессори сифатида Тошкентга қайтади. Уни В. И. Ленин номидаги қишлоқ хўжалик академияси Ўрта Осиё филиалининг директори қилиб тайинлашади. Лекин орадан кўп ўтмасдан у Москвага — Марказий Комитетнинг Пахтачилик ва ирригация ишлари билан шуғулланадиган группасига раҳбарлик вазифасига таклиф қилинади. Сегизбоев бу вазифада ишлаган кезларида Иттифоқнинг турли республикаларида бўлиб, жойларда ишларнинг бориши билан чуқур танишади ва республикалардаги аҳвол тўғрисида партия Марказий Комитетига муттасил ёзма ҳисоботлар бериб боради, буларда муҳим масалалар бўйича ўзининг принципиал мулоҳазаларини ҳам билдирарди. Умуман, С. Сегизбоев рус тилидан ташқари, француз, инглиз, немис тилларини мукаммал билган юксак салоҳиятли киши эди.

ВКП(б) Марказий Комитети 1933 йилда уни Қозоғистонга партиявий ишга юборади. Сегизбоев ВКП(б) Қозоғистон Марказий Комитетида аввал ташкилий, сўнгра эса қишлоқ хўжалик бўлимларини бошқаради. 1937 йилнинг бошида эса у Шимолий Қозоғистон область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланади.

Қозоғистонлик партия ветерани, Сегизбоев билан бирга ишлаган М. Бейсибоев ўша даврни қуйидагича эслайди: «ВКП(б) Марказий Комитети 1932 йил 17 сентябрда «Қозоғистон қишлоқ хўжалиги ва хусусан, чорвачилиги тўғрисида» деган махсус қарор қабул қилди. Унда республика чорвачилигидаги жиддий камчиликлар очиб ташланган эди. ВКП(б) Марказий Комитети Қозоғистон партия ташкилотини кадрлар билан мустаҳкамлаш мақсадида республикага катта бир гуруҳ тажрибали партия ходимларини юборганди. Улар орасида Султон Сегизбоев ҳам бор эди. ВКП(б) Қозоғистон Марказий Комитетининг янги секретари ўртоқ Л. И. Мирзояннинг таклифи билан Сегизбоев қишлоқ хўжалик бўлими мудири ва Марказий Комитетнинг бюро аъзоси қилиб тасдиқланганди. У бу масъул вазифаларда туриб республика қишлоқ хўжалигини йўлга қўйиш, айниқса, чорвачиликка оид тадбирларни амалга оширишда ғайратли ва билимдон ташкилотчи сифатида фаолият кўрсатди».

ВКП(б) Марказий Комитети 1937 йилда уни яна Ўзбекистонга раҳбарлик вазифасига юборади. Сегизбоев ўша йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси вазифасига сайланади. У бу юксак

вазифада ҳам юқори салоҳиятли давлат арбоби сифатида ўзининг ташкилотчилик истеъдодини кўрсата бошлайди.

Ўша кезларда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Ишлар мудири бўлиб ишлаган партия ветерани А. Никифировнинг хотираларида шундай изоҳларни учратамиз: «Султон Сегизбоев аппарат ходимларига: Мен сизларнинг ўз ишларингизни машинист ўз паровозини миридан-сиригача билганидек билишларингизни истардим. Ҳар бирингиз ўзингизга топширилган ишга бутун ғайратингизни, қалб қўрингизни бағишлашингиз лозим. Ҳеч вақт формалист бўлишга интилманг. Биз хоҳ катта, хоҳ кичик вазифада бўлмайлик партиямизнинг, халқимизнинг топшириғини муқаддас билиб бажарищимиз керак».

Афсуски, унга республика ҳукуматининг бошлиғи лавозимида узоқ ишлаш насиб этмади. Партия ва халқ ишига чексиз содиқ бўлган ана шундай оташин коммунистнинг, атоқли партия ва давлат арбобининг 1938 йилга келиб 39 ёшида, айни камолотга етган пайтида халқ душмани деган туҳматга учраши ва репрессия қилиниши жуда-жуда афсусланарлидир.

Шу ўринда журналхонларда унга ўшанда қандай ноҳақ айб қўйилганди? деган савол туғилиши мумкин.

Бу саволга жавоб тариқасида 1923 йилдан бери партия аъзоси бўлган, 30-йилларда Қўқон темир йўли бўлими участкалари бирлашган партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлаган Ф. Лексашевнинг хотираномасидан қуйидагиларни келтиришни лозим топамиз: «1937 йилнинг декабрь ойида у (Султон Сегизбоев) Усмон Юсупов билан биргаликда Фарғона областига Тошкент шаҳридан СССР Олий Совети депутатлигига сайланаётган Л. М. Кагановични кузатиб борганди. Улар Қўқондан Тошкентга махсус поездда қайтаётганларида Султон Сегизбоев билан Л. М. Каганович ўртасидаги жиддий бир гапнинг гувоҳи бўлганман. Ушанда Сегизбоев Ўзбекистоннинг кўзга кўринган партия ва давлат арбобларининг ноҳақ репрессия қилиниб, қамалаётганлигини Кагановичга айтиб, у билан қаттиқ мунозара қилганди. Унга бу ноҳақликка чек қўйиш кераклигини куюниб таъкидлаганди. Билмадим, ўша ўринли дадил гапларининг қасри бўлдими, орадан 6—7 ой ўтмасдан Сегизбоев ҳибсга олинди».

Жонли гувоҳларнинг шоҳидлик беришларича, С. Сегизбоев 1938 йилда ҳозирги Офицерлар уйининг залида республика партия активи бораётган дақиқада қамоққа олинган. Албатта, бунда баъзи ғанимлари «холис хизмат» кўрсатган бўлишлари ҳам шубҳадан холи бўлмаса керак.

Маълумки, 50-йилларга келиб партия ва ҳукуматимиз шахсга сиғинишни қаттиқ қоралади, ноҳақ репрессияларга учраган Султон Сегизбоевга ўхшаган кўпгина партия ва давлат арбобларини оқлаб, уларнинг шаънини тикладилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети 1967 йил июль ойида Султон Сегизбоевнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бугунги кунда Оққўрғон ва Мирзачўл районларидаги совхозлардан бири унинг номи билан аталиши ва совхоз марказларида унга ҳайкал ўрнатилиши, Тошкент шаҳридаги кўчалардан бири ҳамда республикадаги ўқув юртларидан бирининг ўша мўътабар зот номи билан юритилиши халқимизнинг ўзининг содиқ фарзандига бўлган эҳтироми рамзидир.

Мана, мамлакатимизда қайта қуриш жараёнида партия ва ҳукуматимиз шахсга сиғинишнинг аянчли оқибатларини тугатиш ва ўша оғир йилларда ноҳақ қоралanganларни оқлаш тадбирларини қатъият билан амалга оширмоқда. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси қошида тузилган махсус комиссия шу масалалар билан изчил шуғулланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошида тузилган ана шундай комиссия ҳам бу борада қатъият билан иш олиб бораётир.

Ҳа, 30-йилларда ноҳақ қамалиб, халқ душмани деган ном билан жазоланганларнинг шаънини тиклаш учун тегишли архивларда босилиб ётган ва ўтган вақтлар эпкинида саҳифалари сарғайган том-том ҳужжатлар қайтадан бирма-бир варақланмоқда. Адолатни қарор топтириш йўлидаги бу азиятли иш билан таниқли юристлар, етук мутахассислар, тадқиқотчи олимлар шуғулланмоқдалар. Шу маънода Султон Сегизбоевнинг ҳаётига, унинг жанговар ва кўп қиррали фаолиятига оид архив ҳужжатларни ўрганиш ҳамда жонли гувоҳларнинг хотирасини тўплашда чинакам жонкуярлик кўрсатган шарқшунос олима, Сегизбоевнинг тўнғич устози Пўлат Соли муаллимнинг фарзанди Фарида Муҳиддинованинг ҳамда ҳикоямиз қаҳрамонининг жияни, техника фанлари доктори Эрбўта Файзиевнинг шу борадаги хайрли хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир.

Қиссамизнинг хотимасида масаланинг яна иккинчи бир томонига эътиборни қаратмоқчимиз. Халқимизнинг, унинг етакчи намояндаларининг Туркистонда совет ҳокимиятини ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш, босмачилар ҳаракатини тугатиш учун олиб борган шонли кураши ва бу курашдаги халқ қаҳрамонларининг образлари бадиий асарларга, кинолентaларга тўла бўлмаса-да кўчган. Афсуски, репрессияга учраган атоқли партия ва давлат арбоблари Султон Сегизбоевга ўхшаганларнинг хизматлари бадиий ва кино асарларида аксини топмаган. Фарғона водийсида босмачилик ҳаракатининг тугатилиш воқеасига бағишланган қайсиямдир фильмда Тошмуҳаммад Ўрозбоев (академик Ўрозбоев)нинг образи кўзга ташланади, холос. Ахир, Султон Сегизбоев ўша тарихий кураш йилларида етук саркарда даражасига кўтарилган, қизилларнинг моҳир ва довюрак командирларидан эди. Унинг биринчилар қаторида жанговар Қизил Байроқ ордени билан тақдирланиши, унга полковник ҳарбий унвонининг берилиши ҳам бежиз эмас эди-да.

Ҳа, бу улуғ инсоннинг тўлақонли образи ёзилажак бадиий полотноларда, яратилажак кино асарларида ўз аксини топиши лозим. Бу ўша шахсга сиғиниш даврида ҳукм сурган адолатсизлик ва ноҳақлик сиёсати устидан чиқарилган рамзий маънодаги ўзига хос яна бир одил ҳукм бўлур эди.

Шомурод СИДДИҚОВ



БОБОНИНГ НИҲОЛЛАРИ.



Барот БОЙҚОБИЛОВ

Барот Бойқобилов улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ҳайратли ва ибратли ҳаёти, у яшаб ижод қилган мураккаб давр тўғрисида ҳикоя қилувчи «Навоийнома» шеърий романининг учинчи китоби — «Сокин Хуросон»ни ёзиб тугатди. Мазкур асарнинг аввали — «Нотинч Хуросон» ва «Шукуҳли карвон». Қуйида мазкур асардан парча эълон қилинди.

СОКИН ХУРОСОН

Навоий қалбида орзули жаҳон,
Жаҳон бешигидек мулки Хуросон.

Тоғ каби сарбаланд мурод хирмани,
Умрини безамиш «Хамса» маҳзани.

Хайрли иш қилиб ўзи ҳам хурсанд,
Она халқ сўзига кўнгли орзуманд.

Султон Ҳусайнга қилгани инъом,
Саройга отланди субҳ кулган айём.

Боғлар аро эсар Наврўз насими,
Оламни яшнатмиш гул табассуми.

Сафобахш, мусаффо Ҳирот ҳавоси,
Самони тутгандир қушлар навоси.

Наврўзи оламнинг нашъасидан маст,
Шоирнинг қалбига эл ишқи пайваст.

Олам ичра янги олам кашф этиб,
Жон илкида буюк «Хамса»ни тутиб,

Навоий султонга шодмон узатди,
Туркийнинг хароба қасрин тузатди.

Султон ўзида йўқ суюниб кетди,
«Хамса»ни олдию кўзига тутди.

Тавоф қилиб, босди бағрига маҳкам,
Гўё унут бўлди ранж бирла алам.

Султоннинг кўксида муқаддас китоб,
Не китоб, «Хамса»дек мунаввар офтоб!

Уйлари барқ мисол олам кезади,
Олам кезиб, орзу уйин безади:

«Чиқди — Хуросоннинг ботган қуёши,
Қуёшга етгандек Хуросон боши!

Тикланди туркийнинг азал шуҳрати,
Намойиш этилди боқий қудрати.

Уни камситганлар қилинди мулзам,
Форсийни нафис деб энди урмас дам.

Жаҳонга тарқалгай мулк овозаси,
Улусга очилғай шеър дарвозаси.

Маснавий бошига кийди олтин тож,
Назм карвонига кўрсатур минҳож!

Туркийнинг туганмас кони очилди,
Элу юрт бошидан дурдек сочилди.

Хумо қўнди яна Ҳирот бошига,
Офарин дегай эл шеър наққошига.

Ҳирот бўлғай назм мулкига пойтахт,
Яна ўпди унинг пешонасин бахт.

У, «Хамса» шаънига қурғай тантана,
Уч кечаю кундуз берғай тўй яна.

Яна Самарқандни ҳайрон қолдирғай,
Қирқ минора узра карнай чалдирғай!

Ажаму Арабу Чин қилғай ҳавас,
Юнону Фарангу Ҳинд қилғай ҳавас.

Мағрибу Машриқни ҳайратга солғай,
Жанубу Шимолни ғайратга солғай.

Хуросон довруғи тутгай оламни,
Қутлағай «Хамса»ни битган қаламни!»

Навоийни қилиб у муборакбод,
Мамнун қарсак урди, эшик оға шод,

Ҳозир бўлди, султон буюрди хурсанд:
«Аркони давлатга кўнгил орзуманд».

Эшик оға таъзим ила тисланди,
Чувак юзларида нур жилваланди.

Бир замон жам бўлди аркони давлат,
Сафланиб, бош эгиб, тўкдилар савлат.

Зарҳал муқовали «Хамса»ни тутиб,
Аҳли жоҳ кўзини бир дам лол этиб,

Шодон деди, султон, чертиб ҳар сўзни:
«Алишербек узмиш кўкдин юлдузни!

Туркона «Хамса»ни айлаб якқалам,
Даргоҳи олийга қўймишлар қадам.

Элга шоҳмен, вале қулмен бул зотга,
Кўзларим ишонмас бул мўъжизотга!

Тилсимин очмишдир бу кун дафина,
Жаҳонга бергусиз ушбу хазина.

Айланмиш Хуросон мулкига бу кун
Ва етмиш улуснинг илкига бу кун!

Янги саҳифадур таворихда бу,
Улусимиз борки — яшагай мангу!

Ҳаётда кам бўлғай бундай маросим,
Пайғом аҳлига тез етказсин роқим.



Алишербек кўрсатмиш қаҳрамонлик,
Туркийда қилғайлар соҳибқиронлик.

Ҳазрати Навоий, «Хамса» муборак!
Муборак бу «Хамса» кетмас бедарак!

Биз кетиб, жаҳонда «Хамса»нгиз қолғай,
«Хамса» донғи етти иқлимни олғай!

Омон бўлса, зора, авлодларимиз,
Дегайлар: ким эди аждодларимиз!»

Шоир қуллуқ қилди, аркони давлат
Муборакбод этди — кўзларда ҳайрат!

Бириси қувонди, бири тўлғонди,
Бири фисқу фужур ўтида ёнди.

Душманлар ичидан зил кетди яна,
Низомулмулк қутлаб кулди ясама.

Хожа Ўсмат ғами билмас ҳадду ад,
Ҳиравий илжайди — кўзида ҳасад.

Маждиддин тополмас отай деса ўқ,
Бадиуззамоннинг кўксида доғ йўқ.

Хожа Афзал билан Шайхим Суҳайлий
Боши кўкда эди «Хамса» туфайли.

Султон деди мамнун Хожа Афзалга:
«Баъзилар қул бўлиб беш байт ғазалга,

Ўн кунни сарфлайди: излаб қофия,
Ё ташбиҳ, маънони қилур насия.

Кунни ўтказурлар бир байт битолмай,
Илҳом парисининг барин тутолмай.

Минг байт битмоғига лозимдур ўн йил,
Шунда ҳам топилмас латиф бир шингил».

Ҳиравий оёғи куйган товуқдек,
Навоийга кўзин қадади ўқдек.

Совуқ тер босди-да, тани музлади,
Эски ярасини султон тузлади:

«Амир Алишербек гарчи минг ташвиш,
«Хамса»ни яратди — доҳиёна иш!

Жарчилар юборинг мулк туманига,
Зиёфат бергаймен «Хамса» шаънига!

Ҳирот улуғларин чорланг базмга,
Шодёна чалинсин шаҳри азимга!»

«Амри вожиб» деди Хожа Афзал шод,
Маждиддин мақсади қилинди барбод.

Султон, шоир сари боқди мулойим;
«Бир можаро бизни қийнайди доим.

Аросатда қолиб ҳал бўлмас ҳамон,
Бир ёқлик қилмасак, тинчланмайди жон».

Шундан иборатдир ушбу можаро:
Кўпдан буён султон Ҳусайн Бойқаро,

Алишер муриди бўлмоқни орзу —
Қиларди, «пирим» деб атар эди у.

Алишер жавобан дерди: «Е олло,
Е олло, бу нечук сўздир, ажабо!

Аслида — сиз пирсиз, биз эса мурид,
Муридлар қилмағай пирни ноумид».

Яна Алишердан сўради султон:
«Пиру мурид надир, қилингиз баён?»

Алишер сўзлади — тошиб юраги:
«Пирнинг тилаги, бу — мурид тилаги!»

Султон эса сўзга либос кийдирди:
Оқ отни келтиринг дебон буюрди.

Маждиддин буйруқни этгали ижро,
Ичидан зил кетиб, илжайди бежо.

«Гур» этиб қўзғалди ҳозирунлар ҳам,
Ташқари чиқдилар султон-ла ҳамдам.

Мироҳур оқ отни етаклаб келди,
Султон ҳузурида мамнун эгилди.

Султон Ҳусайн деди: «Алишербек, сиз —
Муриду мен бўлсам сизнинг пирингиз,

Истайманки, сиз шу отга минғайсиз,
Фақир етаклаймен, сайр қилғайсиз».

Бу от — асов каби шўх, чопқир эди,
Бедовлардан ўзғир, пойгагир эди.

Миндирмас эди у шоҳдан бўлакни,
Орият санарди шоҳсиз елмакни.

Алишер, қолмагач, сўзга эҳтиёж,
Отга минмоқ учун кўнди ноилож.

Узангига секин қўйганда оёқ,
Бедов сакраб кетди мисоли чақмоқ.

Отига ўшқирди султон, у тинди,
Алишер лочиндек эгарга қўнди.

Отнинг жиловидан ушлаб, бахтиёр
Етаклай бошлади султон соҳибқор.

Султон мурид бўлди, Алишер-чи — пир,
Пир отин етаклар мурид, муфтахир!

Еқа тутиб боқди аркони давлат,
Кўзларини босди ғафлат ва ҳайрат.

Ўзига келдилар бу намойишдан,
Кошкийди, тинсалар энди койишдан.

Вале бир-бирининг чўқийди кўзин,
Яқинроқ тутай деб султонга ўзин.

Илжайиб, сув қуяр, аммо, тагига,
Тиқандек ёпишар шоҳ этагига.

Алишер ноқулай сезди ўзини,
Туман пардалари тўсди кўзини.

Хаёлин унутди бу эътибордан,
Кўтариб олдилар уни эгардан.

...Шаҳарда чалинди зўр шодиёна,
Карнайлар қадалди самога яна.

Фуқаролар чиқди кўчага тошиб,
Келди қир-адиру, тоғу тош ошиб.

Яна тўлди халққа Ҳавзи моҳиён,
Бозору кўчаю боғу хиёбон.

Ҳиротда бошланди «Хамса» байрами,
Байрамдан ҳайратда Машриқ олами.

Офтоб тутгандек ҳайрат яқосин,
Миннатдор қутлади назм даҳосин.

Шеър базмин қизитди аҳли шуаро,
Жон қулоғин тутди бегу фуқаро.

Тўю тамошодан хурсанд халойиқ,
Ҳурмат кўрсатдилар шоирга лойиқ.

Меҳр қуёшидан сочдилар ёғду,
Олқишлар бағрида қолиб кетди у.

Байрам давом этди «Боғи зоғон»да
Намозгар салқини тушган бўстонда.

Ҳирот китоблари чўкмиш серҳашам,
Илму шеър аҳли ҳам базм аро жам.

Дастурхонда одам жонидан бўлак
Ноз-неъматлар муҳайё этилган бешак.

Тахти хосда султон чўккан улуғвор,
Икки ёнда эса амирлар қатор.

Навоий — ўнг ёқда, ўнг қўли унинг,
Арзийди бошидан эврулса минг-минг.

Бугун эса уни пир дебон султон,
Бошда тутсин, дейди, фархунда жаҳон.

Муғбача узатар косаларда май,
Шодликдан ким, ахир, ўлтирар, ичмай.

«Шашмақом»га ҳамроз боғ тебранади,
Оҳанглар сеҳридан тоғ тебранади.

Бир коса шаробдан ёниб вужуди,
Султон дер, шодлигин йўқдир ҳудуди:

«Бу ҳумоюн дамда, афзун давлатда,
«Хамса» қудратидан улус ҳайратда.

Турк тилининг ўлган жасадига руҳ,
Умр ниҳолига бахш этди шукуҳ.

Бу кун Навоийдир назм аркони,
Туркона «Хамса»нинг буюк ҳоқони!

Эрур сўз мулкининг кишварситони,
Қаю кишварситон, хисравнишони.

Дема хисрав нишонким, қаҳрамони,
Эрур гар чин десанг, соҳибқирони».

Анжуман лол бўлди, «ваҳ» деб юборди,
Фитна дарахтини гўё қўпорди.

Туркий уммонидан териб гавҳарлар,
Олтин ипга тизиб шому саҳарлар,

Ҳовуч-ҳовуч олиб ганжидан яна,
Форсий денгизига сочди мавлона.

Беш достон — беш шаҳар эрур беқиёс,
Ҳар шаҳарга мосдир бир манзари хос.

Хос иқлим, боғи хос, ҳавоси ҳам хос,
Хос қаср, эли хос, навоси ҳам хос.

Ҳар шаҳарда бўлиб неча кун меҳмон,
Пир келди муридни қутлаб шодумон.

Жонига ҳайратнинг ўти туташиб,
Деди Жомий, завқи дарёдек тошиб:

«Кел, эй Жомий, умрлар чекиб ранж,
Этиб зоҳир хаёлингдин бу панж ганж.

Бу панжнинг панжаси қудратли панжа,
Ки дарё панжасин этгуси ранжа.

Бу дарё ғазнасин кўрдим ва лекин,
Не-не «Панж ганж»лар унда олгуси тин.

Қаён етғай у «Панж»ларга бу «Панж»инг,
Етолмас битта «Панж»га юзта ганжинг.

Не панжким, хоса шерга солди панжа,
Бу панжа нақшидан овоза Ганжа.

Ажиб бир нақш эрур туркий забонда,
Этибдур тилни лолу ақлни банда.

Шараф бўлсун, муборак бу рақамга,
Уни оламга бахш этган қаламга!

У форслар ичра топди шуҳрату ном,
Дарий назмига ҳам дур этди инъом.

Бу нақшни битса эрди гар шу тилда,
Мажол қолмасди сўз битмоққа элда.

Бўлурди ўзга мўъжаз назм мизони,
Қаёнда Хисраву қайда Низомий?!

У, ўзга тилда шеър битди, шу боис,
Хирад лолдур, қаён бут, қайси ноқис.

Сенинг таъбингга салломно, сухандон,
Қалам бўлди калит, сўз ганжи — эҳсон.

Касод бўлганди сўз бозори, бешак
Ва хор эрди қалам гуфтори, бешак.

Калом мўъжизасини нақш этибсен,
Сен унга янги обрў бахш этибсен.

Муродинг нуридан топди сафо у,
Навоий лутфидан топди наво у!

Ки даврида бўлди сенингдек киши,
Эмасдур ишинг одамзод иши!»





* * *

Мэн штати (АҚШ)да яшовчи Мелвилл Суистер деган кимса қўшнилардан анча олисда, танҳоликда туради. Сабаби — уйқу ичра ўта қаттиқ хуррак отиши уни ана шундай ёлғизликка гирифтор этган. Унинг хураги кучидан уйларнинг деразалари ва деворлари зириллайди. Суистернинг ошналаридан бири хуррак кучини ўлчашга қарор қилади. Асбоб 82 децибал даражани кўрсатди (бу — ўта тезликда кетаётган мотоцикл шовқинига тенг). Врачларнинг шўрликка ёрдам бериш борасидаги ҳаракатлари зое кетмоқда.

* * *

Иркутск областининг Балаганск районида истиқомат қилувчи Василий Романов ўз қўли билан енгил самолётлар тайёрлаш ишқивози. Пенсияга чиққунга қадар у ўт ўчириш авиациясида ҳаваскор конструктор эди. Илҳомбахш машғулот хавфдан холи бўлмаса-да, унга заёқ-шавқ бағишлар эди.

Талайгина муваффақиятсизликлар собиқ ўт ўчирувчини ўз ниятидан қайтара олмади. Унинг сўнгги конструкциялари ниҳоят муваффақият билан якунланди. В. Романов Балаганск — Усть-Уда рейси билан учиб, қариндошларини кўриб кела бошлади.

САМАРҚАНД САЙҚАЛИ

...Ким неча нақшбанди ранг омез,
Бўлгай ул қасрларда санъат рез.
Алишер Навоий. «Сабъаи сайёр»дан

Буюк ёдгорлик маскани бўлмиш қадимий Самарқандга келувчиларни ҳайратга соладиган халқ меъморчилиги ансамбли асосан Регистон ва ундаги Улуғбек мадрасаси ҳисобланади.

Маълумки, Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тароғой) даврида, Мовароуннаҳрда табиий фанлардан ташқари, адабиёт ва айниқса, меъморчилик тараққий этди. Бу борада ҳам илму фаннинг беназир дарғаси саналган Улуғбекнинг маърифатпарвар, адабиёт, тарих ва санъатга муҳаббати кучли бўлгани муҳим аҳамиятга эга эди. Чунончи, ўша Улуғбек давридаги олиб борилган қатор қурилишлар ҳақида XV асрнинг сайёҳ ва тарихнависи Абдураззоқ Самарқандий Мирзо Улуғбек хайрли жойлару олий иморатлар қуришга майл кўрсатганлигини алоҳида мамнуният билан уқдиради.

Хусусан, бу қурилишлар ичида 1417-1422 йиллари тикланган нафис ва маҳобатли Улуғбек мадрасаси меъморчиликда ана шу сирадаги биноларнинг энг юксак намунаси ҳисобланади.

Регистон майдонининг ғарб томонида тўғри тўртбурчак шаклида жойлашган Улуғбек мадрасасининг ташқи безаклари баланд минора билан боғланган. Ичкарида чорси ҳовли, атрофи икки ошиёнали 48 та ҳужрадан иборат бўлиб, супалар билан ўралган. Мадрасанинг улуғвор бош фасади Регистон майдонига қараган. Ўртадаги баланд пештоқнинг икки ёнида гумбаз ва миноралар бор. Худди шундай гумбаз ва миноралар иморатнинг ғарб томонида ҳам қад ростлаб, улар орасида бир вақтда кўндаланг жойлашган катта хонақоҳ бўлган. Умуман, мадрасанинг ғарб томони ўзаро узвий боғланувчи учта залдан ташкил топган. Мадрасанинг шимолий ва жанубий фасадлари ўртасида ҳам ташқи томондан алоҳида пештоқлар бор.

Мадраса безаклари ниҳоятда гўзал. Деворнинг пастки қисми мармар тош бўлакларидан ясалган. Деворлари асосан мовий, ложувард ва оқ ранг сиркор ғиштчалар билан гиреҳ шаклида гиламдай қилиб терилган. Равоқ ичидаги китобалар устидаги қўшбурчак шаклли қисми ҳам кошин парчаларидан гул қилиб зийнатланган. Ҳовли атрофидаги безаклар ҳам ажиб. Хонақоҳлар ва баъзи ҳужралар ичкариси нақшин безаклар билан пардозланган. Мадраса безакларининг кичик бўлагидан то йирик композициясигача катта маҳорат билан санъаткорона ишланган. Кошинлари ҳам рангларнинг тиниқ ва шаффофлиги билан ажралиб туради.

Умуман олганда, мадраса ҳар жиҳатдан ҳам мукаммал ва беқиёсдир. Шу туфайли ҳам бу ноёб иншоот асрлар оша кўпгина қурилишларга намуна бўлиб хизмат қилган бўлса, ажаб эмас. Бу нарса эса, шубҳасиз, ўз навбатида XV асрдаги юксалишлар, айниқса, Самарқанддаги Улуғбек даврида олиб борилган бунёдкорликнинг нечоғлик гуркираб ўсганлиги — ривожланганлигидан дарак бериб туради.

Қурилишлар ичида мумтози бўлмиш ушбу Улуғбек мадрасаси ҳақида Абдураҳмон Самарқандий (1413—1482 й.) ўзининг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи») номли тарихий асаридаги «Дорул-салтана Самарқанд шаҳридаги қурилган иморатлар зикри» бобида ёзади:

«Самарқанд шаҳрининг ичида, шаҳарнинг ўртаси ва (шаҳар) майдонининг марказида, Арки Олийга яқин жойлашган Сардовоят деган мавзеда жувонбахт шаҳзода Мирзо Улуғбек Кўрогон бир-бирига рўбарў ҳолда мадраса ва хонақоҳ бино қилишни буюрди ҳамда бу икки мақомни (яъни икки бинони) қуриб тамомлаш борасида бир неча йил давомида саъй-ҳаракатлар кўрсатди. Уларнинг баландлиги ва безаклари ҳатто баланд осмоннинг ғашини ва Чин суратхонасининг рашкини келтирар, биноларнинг мустаҳкамлиги ва устунларнинг нозиклиги билан Ҳарамон ҳайъати ва тавъамон суратини эслатар эди. Дарҳақиқат ҳам, бу икки иморат латофатини на ёзув қалами ва на баён рақами билан тасвирлаш қийин. Шул жиҳатдан ҳам хайрли ва баракатли ишлар жумласидан кайвон виқор ва муштарий осор шаҳзода кўп даромадли ерлар, экинзорлар ва қудуқлар, ариқларни у жойга вақф қилиб ажратди, уламоларнинг энг билимдонлари ва фозил кишиларнинг тажрибакорларини мадрасада дарс бериш учун тайин этди ҳамда хонақоҳга ҳам билимдон машойихлар ва мубоширларни белгилади. Шунингдек, бу икки олий мақомнинг муҳим ишларини кордон кишиларнинг саъйи-ҳаракати қўлига топширди. Вақфга ажратилган даромадли ерлар ва экинзорлардан ҳар йили шунчалар кўп ҳосил олинар эдики, у икки жойнинг ўз хазинасига йиғиб қўйилар эди; ҳеч бир такаллуфсиз айтиш мумкинки, энг билимдон подшоҳ (оллоҳ) ихтиёр қилган яна бирор бир жой бўлмаса, ислом шаҳарларининг барчасида бу икки бахтли мақомга яқин келадиган бирор жойни кўрсатиб бўлмас эди.

Бу варақларни ёзиб тўпловчи Абдураззоқ Ҳасан, иттифоқо қутли бир муносабат билан бир неча вақт дорулсалтана Самарқандда муқим турганида бу ҳолни ўз кўзи билан кўрди»[1].

Бу обида аллома шоҳ замонасида қай тарзда кўринишда бўлган бўлса, совет даврига келиб ҳам, давлатимизнинг ёдгорликларга бўлган ғамхўрлиги туфайли деярли тўла ҳолига қайтди. Осмон гумбази билан уйғунлашиб кетган Улуғбек мадрасасининг ички ва ташқи пештоқларига туширилган самовий жисмлар, юлдузларнинг туркум тасвирлари бугунги кунда ҳам равшан порлаб турибдики, шунинг ўзиёқ мазкур бино Улуғбек диди, фикрлаш, ўй-орзуларига хос қурилишлардан эканлигини яққол англатиб туради. Бино деворларига жило берилган кошинли сиркорликлар бадиий баркамоллик рамзидир: мадраса кўркам ва узвий хандасавий ҳамда ислимий нақшлар билан безатилган. Ўз даврида бу ерга илм эгаллаш мақсадида келган талабаларнинг мутолаа қилишлари учун юқорида қайд этганимиздек шинамгина дарсхоналар (ҳужралар) бунёд этилиб, уларнинг ичи ҳам безатилган, ерга гилам, палослар тўшалган бўлган. П. Ш. Зоҳидовнинг ёзишича, ўз замонасида меъморлар султони деб аталган Ғиёсиддин Коший (мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший, бу олим Улуғбекнинг илм-фан йўлидаги энг яқин сафдошларидан бири бўлган — Ҳ. З.) бу улкан ноёб ва нодир обида қурилишида ўз фикр-мулоҳазалари билан ёрдамда бўлган. Мадраса кўп тилларни билувчи, барча дунёвий илмлардан тўла хабардор, замонасининг пешқадам олими бўлган мавлоно Муҳаммад Хавофий шахсан Улуғбекнинг имтиҳонларидан ўтгач, бош мударрисликка тайинланган эди. Шу мадраса бағрида таҳсил кўрган шоир Абдураҳмон Жомийнинг гувоҳлик беришича, толибларга Улуғбек даврида бунда талайгина йирик олимлар дарс берганлар, илмий ишлар билан шуғулланганлар. Ҳатто Улуғбекнинг ўзи ҳам шу улуғ даргоҳда сабоқ берганлиги ҳақида тарихий манбаларда қайд этилади. Олижаноб эзгу ишларга, илму фанга, само тилсимларини ечишга умрини бахшида этган Улуғбекнинг бениҳоя улкан ташкилотчилик ҳаракатлари туфайли мазкур мадраса ўз даврининг на-

(Давоми 9-бетда)



АРМАНИСТОНДА ЗИЛЗИЛА



ЖАБРДИЙДАЛАРГА НОН.

В. Сварцевич, С. Чириков телефотолари. (ТАСС)

Қардош арман халқининг бошига тушган оғир мусибатни бутун мамлакатимиз кишилари ўз кулфатларидай қабул қилиб, бир тан, бир жон бўлиб жабрдийдалар сафида турибдилар. Табиий офат — ер ости хуружи минг-минглаб бегуноҳ гўдаклар, ишчилар ва хизматчилар, ота ва оналарни бевақт орамиздан юлиб кетди. 1988 йил 7 декабрида юз берган бу машъум фожиа ҳақидаги хабар тўлқини бир зумда ер юзидаги барча оққўнгил инсонлар қалбига бор даҳшати билан етиб борди. Ер силкинди... вужудлар силкинди, қалблар силкинди...

Тилидан, дунёқарашидан, рангидан қатъи назар Она Сайёрамиз фарзандлари арман халқи бошига тушган офатга қалқон бўлиш учун ҳамдардлик билан, ҳамфикр, ҳамжиҳатлик билан оёққа қалқдилар. Америка, Европа, Осиё... бутун дунё халқлари инсониятга хос меҳр-оқибатнинг олий намунасини намоён этдилар. Бу фидокорлик, инсон қисматига бепарво бўлмаслик замин фарзандларига хос азалий хислат эканлиги амалда синовдан ўтди.

Шу кунларда арман ўлкасининг Ленинакан, Кировакан, Спитак шаҳарларида ва қишлоқларида зилзила оқибатларидан қутулиш — мактаблар, болалар боғчалари, зилзилага бардошли уйжойлар қурилишини тез ва соз бажариш ишлари амалга оширилмоқда.

Иттифоқимиздаги санаторийларнинг, барча пионер лагерлари ва даволаш муассасаларининг куч-қуввати, унинг имконияти, меҳнаткаш совет халқининг меҳр-эътибори шу кунларда азият чеккан арман халқининг тақдирини, келажагини, сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишга сафарбар этилган.

1966 йил апрель ойида Тошкент осмони зилзила қуюни билан қопланганида юзлаб бошпанасиз қолган тошкентликлар ана шундай қардошлик меҳрини туйган эдилар. Бугун уларнинг ўзлари арман қардошларига мадад бериш учун биринчилардан бўлиб шошилдилар. Тошкенту Самарқанд, Бухоройи Қашқадарё, Андижону Фарғона, Наманган Сурхондарё, Гулистон, Жиззах, Хоразм, Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари уюшқоқлик билан сафга турдилар. Бошпанасиз қолганларга хонадонидан, етимесирларга кўнгил мулкидан жой бериш — азамат ўзбек халқининг азалий одати.

(Боши 7-бетда)

фақат машҳур олий билим ўчоғи, балки марказий илмий муассаса, яъни — академия сифатида ҳам мамлакат ташқарисида кенг шуҳрат қозонган.

Улуғбек атрофида эса бутун бир илмий мактаб (Улуғбек мактаби) пайдо бўлганки, «мавлоно Муҳаммад Ҳавофий, Нуриддин Лутфуллоҳ (Ҳофизи Абру), Али ибн Муҳаммад Журжоний, Мавлоно Нафис, Хаёлий, Бухорий, Абдураҳмон Хоразмий, Сирожиддин Бисотий Самарқандий, Ғиёсиддин Жамшид, Қозизода Румий, Али Қушчи, Муиниддин Коший, Али Муҳаммад Биржондий ва бошқа кўплаб ижодкорлар, илм-фаннинг тенгсиз забардаст арбоблари унинг (Улуғбекнинг) раҳбарлигида бўлганлар»[2].

Илм-фан беқиёс юксалган ўша пайтларда маълумки, кўплаб ижтимоий биноларга, мадрасаларга, қурилишларга эҳтиёж орта борган. Улуғбек эса давр тақозо этган бундай олийҳимматли ишларни ялпи авж олдириб юборган. Натижада шаҳар кўркига кўрк қўшилиб, таровати ортиб борган. Улуғбек мадрасаси каби кўплаб билим масканлари бунёдга келган. Мадрасани таъмирлашда бажарилган энг муҳим ишлардан бири унинг минораларининг сақлаб қолиниши бўлди. Мадрасанинг шимолий-шарқий минораси 1932 йили инженерлар М. Ф. Мауэр ва В. Г. Шухов лойиҳалари асосида қайта таъмирланган. Учи ўқ марказидан икки метр нари қочган ҳамда қулаши мумкин бўлиб қолган пештоқнинг иккинчи — жанубий-шарқий минораси муаммосини эса 1965 йилда техника фанлари кандидати Э. М. Гендель ишлаб берган. Мадрасани жамики таъмирлаш ишларига самарқандлик Акром Умаров, Шамсиддин Ғофуров, Қули Жалилов, Иброҳим Шермуҳамедов, Анвар Қулиев, Шамсиддин Сайфиев каби усталар ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Бу билим салтанати бўлмиш бинонинг қурилганига мана қарийб салкам олти аср бўлай деб қолди, мазкур иншоот эса, ҳануз мангуга дунёнинг бебақолиги, ўткинчилигини эмас, балки ҳаёт давомийлигини, инсон ақл-идроки, заковати ва меҳнатининг гўзаллиги, абадийлигини оламга кўз-кўз қилганча, салобат билан қад ростлаб турибди.

Илм-фан, маданият беқиёс гуллаб, тараққий этиб кетган бизнинг замонамизда ҳам Улуғбек мадрасаси қурилишидаги техник тафаккур ва математик аниқликни кўрган мутахассислар ҳайратда қолмоқдалар. Бу дурдона бинони яратган ижодкор — халқ даҳосига тасанно айтмоқдалар. Регистон нурли жамоли билан миллионлар қалбига завқ ва шуур бағишлаб, инсон қудрати, истеъдодининг ёрқин намунаси сифатида кўзга ташланиб турибди. Ғафур Ғулом ёзганидек:


Нилий гумбазлари кўк ичида кўк,
Ложувард осмонда чинний кабутар.
Самарқанд сайқали рўйи заминаст,
Шарқнинг кўрки бўлган тарихий шаҳар.

Ансамбль ёнида эса иккита мармар фавворали «Шоирлар боғи»нинг бунёд этилиши ва халқнинг дахлсиз, ажралмас нодир мероросига айланишидек барча эзгу ишларнинг амалга ошишида омилкор халқ усталарининг, олимларнинг олижаноб меҳнатлари уйғунлашгандир.

Ҳабибулла ЗАИНИДДИНОВ
Самарқанд — Тошкент



ФОЖИА!



ВИДОЛАШУВ.

[1] Абдураззоқ Самарқандий. «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн». Ҳуросон қоғозига ёзилган форс тилидаги қўлёзма нусхасининг 2-жилди, Ш. И. қўлёзма фонд. инв. № 1825, 103 б-, 104 а-бетлар.

[2] Т. Н. Қори-Ниёзий. Улуғбек ва унинг мероси. «Уздавнашр», Тошкент, 1971 йил, 71—73-бетлар.

МУРАББИЙ

Чортоқ санаторийсида дам олаётган Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 241-мактаб рус тили ўқитувчиси Назирахон Иброҳимова суҳбатимиз жараёнида шундай деб қолди:

— Мактабимиз битирувчиларининг 70—75 фоизи ҳар йили олий ўқув юртларига қоқилмасдан кираяпти, аммо бир йили олти нафаргина ўқувчимизнинг институтга киргани мактабимизда ташвишли шов-шувга сабаб бўлган...

Бу гапни эшитгандан кейин ўша мактабнинг ютуқлари чакки эмаслигини англадик. Дейликки, пойтахт мактабларида шундай натижаларга эришиш мумкиндир. Ўқувчилар дала, хўжалиқ, қолаверса, уй юмушларини бажариши керак бўлган қишлоқ мактабларида-чи? Юқоридагидек ютуққа эришиш мумкинми?

Ҳа, қойил қолса арзийдиган шундай ўқув даргоҳи бор. Учқўрғон Наманган областида бошқа соҳалар қатори маориф соҳасида ҳам пешқадам районлардан ҳисобланади. Учқўрғон районида ва шаҳрида қирқта мактаб бор. Икки мингга яқин ўқитувчи меҳнаткашларнинг 22 минг 247 фарзандига таълим бермоқда. Улардан тўрт нафари «СССР маорифи аълочиси», олти нафари «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи», бир юз қирқ нафари эса «УзССР халқ маорифи аълочиси»дир.

Район давлатга 57 минг тоннадан ортиқроқ пахта етказиб беради. Албатта, кейинги йилларга қадар ҳосилни етиштиришдан бошлаб то уни йиғиштиришгача бўлган азиятли ташвишдан қишлоқ мактаблари ва шаҳар мактаби ўқувчилари ҳам четда қолмаган эдилар.

Учқўрғонга атайин бордик. Шаҳар халқ маорифи бўлимига кириб:

— Бизни энг яхши маорифчингиз билан таништирсангиз, — деган илтимос билан бўлим инспектори Неъматжон Жўраевга мурожаат қилдик.

— Математика ўқитувчиси Собиржон ака Мамадалиевни назарда тутаяпсиз шекилли?

— Ҳа-да.

— Юринг бўлмаса, биргалашиб борақоламиз, — дея инспектор йўл бошлади.

Мактаб биноси шаҳар марказида экан. Биз мактаб директори Раҳматулла Маъқуловни ҳам, математика ўқитувчиси Собиржон ака Мамажоновни ҳам ўша жойда учратдик. Улар билан сўрашгач, Собиржон аканинг дарсини кузатишни лозим топдик.

Синфдаги салом-аликдан сўнг ўқитувчининг ўз талабалари билан одатдаги мулоқоти бошланди.

— Дарсимиз нима?

— Геометрия.

— Ўқув қуролларини олинглар. Ҳилола, Дилфуза, бу ёққа чиқинглар, мана бу карточкадаги топшириқни бажаринглар.

Доскада икки ўқувчи икки хил призманинг шаклини чиза бошлашди.

Ўқитувчи ортиқча вақт йўқотмай, дарсни тўғридан-тўғри ана шу тарзда бошлади. Ҳилола Аскарова ва Дилфуза Отавалиеваларга топшириқ берилгандан сўнг бошқа ўқувчиларга ҳам карточкалар тарқатилди.

Ўқувчилар машғулотларга тўла жалб этилгандан сўнг ўқитувчи навбатчининг ахборотини тинглади ва уни синф журналида қайд этди.

Ҳилола ва Дилфузалар доскада шаклларни чизиб, унда кўрсатилган масалаларни ечгунларича ўқитувчи карточкалардаги саволларга жавоб ола бошлади.

Ўтилган мавзу — «Призманинг сирти ҳақида тушунча» бўйича барча ўқувчиларнинг билими синовдан ўтказилди. Карточкалардаги топшириқлардан ташқари «Призма деб нимага айтилади?», «Призманинг турларини айтинг», «Призманинг ён сирти қандай топилади?», «Диагонал кесим деб нимага айтилади?» каби ўнлаб саволларга ўқувчилар қийналмай жавоб қайтардилар. Шунингдек, Фарҳод Маъқулов, Рустам Мақсудов, Абдужаббор Жўраев, Маъмура Умарова, Музаффар Раҳмонов, Роҳила Ҳайдарова, Шоира Тўраева сингари икки-уч жараёнда иштирок этган ўқувчилар «4» ва «5» билан баҳоланди.

Янги «Ўрганилган формула юзасидан масалалар ечиш» мавзуини ҳал этишда дарсликдаги 15 ва 16-масалалардан фойдаланилди.

Утилган ва янги мавзулар бўйича ўтказилган савол-жавобларда 200 фоиздан ортиқ ўқувчи иштирок этди.

Ўқитишнинг бундай услубини биз олдинроқ андижонлик таълим устаси Мамажон ака Абдурасулов фаолиятида учратгандик. Мамажон ака дарсларида ҳам 300—350 фоиз ўқувчи дарсда фаол иштирок этарди. Тўғри, буни юқори синфларда қўллаш анча қийин, аммо изланган ўқитувчи уддасидан чиқади. Ҳа, биз абдурасуловча иш услубини Учқўрғон шаҳридаги Охунбобоев номли 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Собиржон Мамажонов фаолиятида ҳам учратдик.

— Сиз яна қай йўсинда ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга эришасиз? — деб сўрадик Собиржон акадан.

— Геометриядаги мавзулар ва масалалардан шундайлари борки, уларни айрим ҳаракатлантирувчи моделлар, техника воситалари ёрдамида тушунтирилмаса, ҳар қанча кўп гап билан тушунтириб бўлмайди. Пирамида, призма, айланма жисмларнинг элементлари орасидаги боғланишларни топиш бўйича берилган масалаларга мос моделларни ўқувчилар ўзлари тайёрлаганда анча фойдали бўлаяпти. Моделлар бўйича жисм элементларини, сиртининг юзи, ҳажмни топиш мақсадида тез-тез лаборатория ишларини ўтказиш орқали ҳам ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш мумкин.

1971—1987 йиллар давомида 400 га яқин бола бу моҳир педагогнинг қўлида математика фанидан билим олди. Улардан 360 нафари республикамизнинг ва Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидаги олий ўқув юртларига муваффақиятли кириб ўқидилар ва ўқимоқдалар.

Кечаги 400 нафар ўқувчининг 360 нафари, олий маълумотли мутахассис, студент. Бу ростакамига юқори самара!

1975 йили Собиржон ака фаолиятида яна ҳам қувончли йил бўлди. Шу йили у раҳбарлик қилган 10 синф битирувчиларининг ҳаммаси — 24 нафари ўша йилнинг ўзидаёқ олий ўқув юртининг студенти бўла олди.

Бу — айтишгагина осон. 10 синфни битирган ўқувчиларимиздан бирортаси ҳам олий ўқув юртига кира олмади, деб ҳасратидан чанг чиққан мактаб ўқитувчиларини ҳам кўп учратганмиз. Албатта, ўқувчиларга билим бериш ҳар жойда ҳар хиллиги, бунда педагогик коллективнинг меҳнати ва муайян муҳит асосий роль ўйнаши табиий. Қолаверса, мактабда бир-икки кишининг фидойилиги ҳеч қаерга бормайди, аксинча, агар муҳит носоғлом бўлса, бундай фидойилик қаттиқ қаршиликка учраши ҳам мумкин. Буни тажрибада кўп кузатганмиз.

Собиржон ака Мамажоновнинг шогирди Маҳбуба Қамбарова шундай ҳикоя қилади:

— 1977 йил эди. Наманган Давлат педагогика институтида кириш имтиҳонлари давом этаётган пайт. Институт ўқитувчиси Тожиаҳмад Саматов менинг жавобларимни тинглагач: «Офарин, қанийди шундай иқтидорли болалардан 20 нафари институтимизга қабул қилинса, истеъдодлар бир жойга тўпланган бўларди», дея мени суҳбатга тортди.

— Қаердан келгансиз, қизим?

— Учқўрғон шаҳридан.

— Синфларингизда сиз қатори болалар бормиди?

— Ҳа, мен билим жиҳатидан ўқитувчимизнинг расмий рўйхатида ўн биринчи ўринда турардим.

— Ўқитувчингиз ким?

— Собиржон Мамажонов.

Имтиҳон комиссияси аъзолари бир-бирларига маъноли боқишди.

— Собиржондан бундай болалар етишиб чиқишини кутиш мумкин, — деди улардан бири. Сездимки, устозим Мамажоновни институтда ҳам яхши билишаркан.

Ўқув машғулотларининг моҳир ташкилотчиси бўлган Мамажонов ҳақида иқболи порлоқ ўша 360 нафар талабанинг ҳаммаси шундай илиқ фикрда.

Мана, бутун мамлакатимизда бўлганидек, республикамиз мактабларида ҳам таълимни ислоҳ қилиш, уни бугунги талаблар даражасига

(Давоми 12-бетда)



Собиржон Мамажонов машғулот ўтказмоқда.

Зилзилашунослар

Бундан бирмунча вақт илгари Япониядан хушхабар келди: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Сейсмология илмий-тадқиқот институти гидрогеосейсмология лабораториясининг мудири, профессор АБДИМУФТИ СУЛТОНХЎЖАЕВ Зилзиланинг геокимёвий хабарчилари номидаги Япон уюшмасининг фахрий аъзоси қилиб сайланди. Бу фақат унинг ўзининггина эмас, айни вақтда сейсмология фанимиз эришган ютуқларнинг Иттифоқимиздан ташқарида ҳам расмий эътироф этилишидир. Биз қуйида зилзилашунос олимларимизнинг фаолияти ва уларнинг муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қиламиз.



Профессор А. Султонхўжаев.

XX асрга келиб, фаннинг мислсиз тараққий этиши энг хавфли табиий офат — зилзила сабабларини белгилаш, уни олдиндан тахминий аниқлаш бўйича кенг кўламда илмий-тадқиқотлар олиб бориш имкониятларини яратди. Айниқса, юксак тараққий этган мамлакатлар — СССР, АҚШ, Япония, Югославия, Италия каби давлатларнинг олимлари бу соҳада жиддий изланмоқдалар. Ҳамюртларимиз — ўзбек сейсмологларининг ҳам қўлга киритган ютуқлари диққатга сазовордир. Олимларимизнинг янги фан соҳаси — зилзилашуносликдаги ютуқлари бевосита Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошида Сейсмология илмий тадқиқот институтининг ташкил этилиши ва унинг 22 йиллик тарихи билан узвий боғлиқдир.

1966 йил 26 апрелда юз берган Тошкент зилзиласи оқибатида шаҳар аҳолиси жиддий талофат кўрди, иморатларнинг аксарияти шикастланди. Ўша оғир кунларда мамлакатимиздаги барча халқлар тошкентликларга ёрдам қўлларини чўздилар. Республикамиз пойтахти тезда улкан қурилишлар майдонига айланди. Шундай қилиб, табиий офатдан дўстлик устун келди, йигирма олтинчи апрель рамзий маъно ҳам касб этди: янги, навқирон ва гўзал Тошкентнинг бунёд этилиши шу палладан бошланди.

Зилзила оқибатлари дўст-қардошларимизнинг куч-ғайрати, самимий хайрихоҳликлари билан тезда тугатилди. Тошкент зилзиласи тарих саҳифасига, фан оламига кўчди. Лекин фанда фаол сейсмик зонадаги районларда Ер ости силкинишларининг маълум вақтлардан кейин такрорланиши маълум. Ер қимирлашини олдиндан айтиб бериш, уни илмий жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш олимлар олдида жиддий масала бўлиб қолди. Партия, совет ташкилотларининг беқиёс ғамхўрлиги натижасида 1966 йилнинг октябрь ойи бошида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузурида Сейсмология илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Ўша кундан то умрининг охиригача мазкур институтга атоқли олим, академик Ғани Мавлонов раҳбарлик қилди.

Зилзилани олдиндан тахминий аниқлашнинг янги усулига ўзбек олимлари жаҳонда биринчилар қаторида қўл урдилар ва бу соҳада яхши натижаларга эришдилар. Истеъдодли олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, институт гидрогеосейсмология бўлимининг мудири, эндиликда марҳум академик Ғани Мавлоновнинг муносиб шогирдларидан бири Абдимуфти Султонхўжаев асослаган зилзилани олдиндан аниқлаш усули қатор мамлакатларда, жумладан, фаол сейсмик зонада жойлашган Японияда кенг қўлланилмоқда.

1971 йили СССР Министрлар Советининг Ихтиролар ва кашфиётлар бўйича давлат комитети институт бир гуруҳ олимларининг «Зилзила арафасида ер ости сувлари кимёвий таркибининг ўзгариши» мавзуидаги кашфиётини фандаги муҳим янгилик сифатида «129» рақами билан рўйхатга олди ва муаллифларга гувоҳномалар берилди. Дарвоқе, дастлабки текширишлар натижасида зилзила олдидан ер ости сувларининг газ ва кимёвий таркиби ўзгариши аниқланган эди. Бу борадаги тадқиқотлар янада кенгроқ давом эттирилди. Кейинги натижалар зилзила арафасида ер ости сувларининг газ ва кимёвий таркиби билан бир қаторда унинг сатҳи, босими ва ҳарорати ўзгаришини ҳам кўрсатди. Ҳозир зилзилани олдиндан тахминий аниқлаш учун ўн иккита кузатиш пункти фаолият олиб бораётир. Улар республикамизнинг турли районларида жойлашган. Зилзиланы олдиндан тахминий аниқлаш комиссиясининг йиғилиши ҳафтанинг ҳар чоршанбасида ўтказилади. Унда кузатиш пунктларидан олинган ҳафталик маълумотлар атрофлича таҳлил қилинади, комиссия аъзоларининг фикрлари эшитилади ва шу асосда аниқ хулосага келинади. Сейсмологлар бугунги кунда зилзиланинг тахминан қайси зонада ва қандай куч билан юз беришини айта оладилар.

Институт гидрогеосейсмология бўлими мудири, профессор Абдимуфти Султонхўжаев билан бўлган суҳбатимиз зилзилашуносларнинг кейинги ишлари хусусида борди.

— Япониялик ҳамкасабалар ишларимиз билан анчадан бери қизиқиб келишади, — деди Абдимуфти Султонхўжаев қуюқ қошларини чимирганча қўлидаги мактубга кўз қири билан ишора қилиб. — Бу бежиз эмас, албатта. Чунки уларда бир-икки шаҳаргина эмас, балки бутун Япония зилзила ўчоқлари устига жойлашган. Шу боисдан, япониялик ҳамкасбларимиз сейсмология соҳасидаги ютуқларимизга катта эътибор билан қарамоқдалар. Мана бу мактуб Токио университетининг зилзилани кимёвий усул билан текшириш бўлимининг бошлиғи, профессор Хироши Вакитадан келган, — олим қўлидаги оқ конвертга ишора қилиб гапирарди. — У киши 1978 йили Тошкентда бир ой бўлиб, тажрибаларимиз — зилзилани олдиндан аниқлаш соҳасидаги илғор усулларимиз билан обдон танишган эди. Ўша йили Фан тараққиётига ҳамкорлик қилувчи япон жамияти таклифига биноан биз ҳам Японияда бўлиб, профессор Хироши лабораториясини кўздан кечиргандик. Шунингдек, у ердаги сейсмолог олимлар, Т. Асида, С. Нишимура, Хигиваро ва К. Моги билан ҳам учрашиб, уларнинг илмий изланишлари билан қизиқдик... Япониялик ҳамкасбимиз ўз мактубида биз олиб бораётган ишлар, айни вақтда ер ости сувлари таркибидаги гелий — 3; гелий — 4 изотопларининг зилзиладан олдин ўзгариш ҳолатлари билан қизиқаяпти. Умуман, ишларимизга фақат Япония олимларигина эмас, Югославия, АҚШ, Италия каби мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз ҳам анчадан буён жиддий қараб келадилар. Улар билан ҳам илмий алоқаларимиз бор. Фан эришган сўнгги ютуқларни ўзаро баҳамлашиб турибмиз.

Профессор бизга чет эллик сейсмолог олимларнинг институтда қачон бўлишганини ва уларнинг қандай таассуротлар билан қайтишганини, шунингдек, ўзи ва бошқа сейсмологларимиз қайси мамлакатларда илмий сафарда бўлиб, тажриба алмашганлари хусусида батафсил гапириб берди. Олимнинг мазмунли ҳикояси бугун жаҳон сейсмологлари эътиборида қандай муаммолар тургани, турли мамлакатлар олимлари ўртасида ўзаро илмий ҳамкорлик келгусида қандай самаралар бериши ҳақида борарди.

...1976 йилнинг баҳорида Америкадан профессор Нейме О'Нил Тошкентга, Сейсмология институтига келди. У ўзбек олимларининг фаолияти билан яқиндан танишгач, профессор Абдимуфти Султонхўжаев билан суҳбатлашди:

— Ҳозирча диёрингизга ҳеч қандай ер ости хавфи йўқми?

— Яқин кунларда республикамизнинг шимоли-ғарбий районлари территориясида зилзила бўлиши кутилмоқда, — америкалик меҳмонга жавоб қилди ўзбек олими.

— Бунчалик аниқ башоратингизга сираям ишонгим келмайди, — эътироз билдирди жаноб Нейме О'Нил.

— Ишонмасангиз ҳам, ҳар ҳолда шу гапимни эсингизда тутинг, — деди Султонхўжаев такаллуф билан.

Эртасига узоқдан келган меҳмон зиёратгоҳ Бухоро шаҳрига жўнаб кетди. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди. Ўша куни, яъни 17 майда меҳмон қаттиқ ер силкинишидан чўчиб уйғонди. Бу, 9 балли Газли зилзиласининг зарби эди. «Ҳм, ўзбек олимининг гапи бежиз эмас экан-а!..» дея лабини тишлаганди ўшанда ажнабий меҳмон.

Нейме О'Нил Тошкентга қайтиб келгач, дарров Султонхўжаевдан кечирим сўради:

— Қойилман, — деди у. — Ер тебраниши хусусидаги тунов кунги башоратингизга кўзим етмаганди. Мени кечирасиз.

Америкалик олим ўша гал Ўзбекистондан бир олам таассурот билан жўнаб кетганди.

...1980 йил декабрь ойи. Сейсмологларимиз кузатиш пунктларидан олинган маълумотлар, институтнинг зилзилани олдиндан тахминий аниқлаш комиссиясининг хулосаларига асосан, яқин кунларда Тошкент шаҳрининг шимолий-ғарбида, яъни Янгийўл райони территориясида 7—8 балл атрофида ер силкиниши юз бериши мумкин, деб тахмин қилдилар. Бу тахмин ҳам тўғри чиқди. 11 декабрь соат 20 дан 35 минуту 27 секунд ўтганда Назарбек посёлкасида ер қимирлади ва унинг кучи эпицентрда қарийб 8 баллга етди.

Расмий комиссия олимларимиздан Назарбек зилзиласининг хусусияти, унинг қанча вақт давом этишини аниқлаб беришни илтимос қилди. Сейсмологлар ахборотида Назарбек зилзиласи Тошкент зилзиласига ўхшашлиги, унинг ёз ойлари бошларигача чўзилиши таъкидланган эди. Айни вақтда улар ўтказган кўламли таҳлиллар натижасига қараганда, яқин тўрт-беш кунда эпицентрда 7 баллга яқин куч билан такрор силкиниши кутилаётган эди. Бу мўлжал ҳам тўғри чиқди. 30 декабрь кеч соат 7 дан 29 минуту 46 секунд ўтганда, Назарбекда 7 балли такрор силкиниш юз берди.

Кейинги йилларда Ер шарининг турли нуқталарида тез-тез содир бўлаётган зилзилалар жаҳон олимларини анча сергаклантириб қўйди. Улар зилзилани олдиндан аниқлаш ҳамда бу даҳшатли табиий офатдан кам зарар кўриш соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини умумлаштириш ва шу асосда зилзилани олдиндан аниқлашнинг такомиллашган усулини яратишга интилмоқдалар. Жаҳон олимларининг бу хайрли ҳаракатида бизнинг сейсмологларимиз ҳам фаол қатнашмоқдалар. Хусусан, етук олимларимиз А. Султонхўжаев ва В. Уломовларнинг қатор чет мамлакатларда бўлишлари, хориждаги ҳамкасблари билан олиб борган илмий мунозаралари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай учрашувлардан бирида Америка олими Г. Крейг атом қувватидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бўйича Вена халқаро агентлик доирасида СССР, АҚШ ва Италия олимлари иштирокида гидрогеосейсмология секцияси тузишни таклиф этди. Профессор А. Султонхўжаев эса бу секцияни тузишга Япония, Югославия олимларини ҳам тортиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Хуллас, жаҳон олимлари энг даҳшатли офат — зилзилага тийиқ излаш йўлида самарали иш олиб бормоқдалар. Бунда зилзила даракчиларини аниқлашнинг гидрогеосейсмик усули ижодкорлари — ҳамюртларимизнинг ҳиссаси салмоқлидир.

Сейсмология илмий-тадқиқот институти олимлари республикамиз территориясини сейсмик жиҳатдан районлаштириб чиқишди ва уларнинг микросейсмик хариталарини тузишди. Бу хариталарда мазкур районларнинг сейсмик ҳолати ва хусусияти, ўша жойларда қуриладиган иншоотларнинг зилзилага бардошлилиги, қандай қурилиши очиқ-ойдин кўрсатилган.

Лекин баъзи қурувчилар ҳамма вақт ҳам сейсмологларимизнинг биноларни зилзилага бардошли қилиб қуриш ҳақидаги илмий-амалий тавсияларига тўғри амал қилаётганлари йўқ. Маълумки, 1984 йилнинг 19 мартида Газлида яна кучли зилзила юз берди. Орадан кўп муддат ўтмасдан бу ерда қаттиқ зилзиланинг такрорланиши сейсмолог олимлар учун янги муаммолар туғдирди. Чунки бунгача бир жойда зилзиланинг қисқа муддатда аввалгидан ҳам зарблироқ такрорланиши кам учрайдиган ҳодиса, деб ҳисобланарди.



Изотоплар лабораториясининг ходимаси Мунира Муҳамедова.



Илмий ходим, геология-минералогия фанлари кандидати Т. Э. Исамуҳамедова қабул қилинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

В. Мосин фотолари

Зилзила зарбидан янги иморатлар ҳам қулаб тушди. Текшириш натижалари бу биноларни қуришда сейсмик талабларга етарли амал қилинмаганлигини, иморатлар сифатсиз қурилганлигини кўрсатди. Фаол сейсмик зонадаги қурилишларда, мутлақо, бунга йўл қўйилмаслиги керак. Бинони сейсмик талаблар асосида қуриш инсон ҳаётини табиий офатдан муҳофаза қилишга қаратилган зарур тадбир! Буюк интернационал оилага уюшган халқларимизнинг қудрати билан Газлида зилзила оқибатлари тез тугатилди, у ерда янги шаҳар қад ростлаётир. Тошкентда ва республикамиз районларида биноларнинг сейсмик чидамлилигини таъминлаш масаласининг асосан ҳал этилишида ҳам жонкуяр ва заҳматкаш сейсмолог олимларимизнинг хизмати бўлди.

Мана, бир оддий мисол. Қурувчилар «Москва» меҳмонхонасини тиклашда дастлаб ишни одатдаги квадрат шаклида пойдевор ётқизишдан бошлаган эдилар. Сейсмологларимиз бундан хабар топиб, қурувчиларни: «Меҳмонхона қурилаётган жойнинг ер қатлами намга тўйинган. Зилзила пайтида бундай қатламда силкиниш зарби қарийб бир балл ортиқ бўлади. Демак, одатдаги пойдевор зилзила пайтида 20 қаватли (бошда меҳмонхона 20 қаватга мўлжалланганди) бино оғирлигига бардош беролмайди. Шунинг учун бинонинг пойдеворларини конуссимон, яъни қозиқ шаклида ётқизиш маъқул», деб огоҳлантирдилар. Ўшанда қурувчилар пойдеворни шу асосда қайтадан бошлаган эдилар...

Маълумки, 1988 йил 7 декабрда Москва вақти билан соат 10 дан 41 минут ўтганда Арманистон ССР территориясида юз берган кучли зилзила мислсиз бахтсизликлар келтирди. Ана шундай оғир дақиқаларда бутун мамлакат, жумладан, республикамиз меҳнаткашлари ҳам, кўпгина чет давлатлар арман халқига ёрдамга келдилар. Бугун у ерда вайрон бўлган шаҳарлар ўрнида янги шаҳарлар қад кўтармоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Сейсмология ҳамда Механика ва иншоотларнинг зилзилага бардошлиги илмий тадқиқот институтларининг бир гуруҳ мутахассислари ҳам арманистонлик ҳамкасбларига ёрдам бериш учун офат юз берган жойларга ўша мусибати кунларда зудлик билан етиб бордилар. У ердаги сейсмологларнинг фикрича, зилзила бўлган районларда сифатсиз, сейсмик талабларга риоя қилмаган ҳолда қурилган иморатлар бутунлай вайрон бўлган. Энди Арманистонда янгидан тикланаётган шаҳарлардаги биноларни зилзилага бардошли қилиб мустаҳкам қуриш зарур! Зилзилашунос олимлар ва мутахассисларнинг қурувчилар олдига қўяётган талаблари ана шундай.

С. ШОМУРОДОВ

(Боши 10-бетда)

кўтариш учун астойдил ҳаракат қилинаётган ҳозирги шароитда халқ маорифи мутасаддилари масаланинг мана шу томонига ҳам кўпроқ эътибор берадиган вақт етиб келди. Агар шу жиҳатга кўпроқ эътибор берилса, қайта қуриш, жадаллаштириш, социал-иқтисодий масалаларни тезроқ ҳал қилишда ижобий натижаларга эришишимиз шубҳасиз.

Мактабда математика тўгарагининг иши ҳам яхши йўлга қўйилганлигини «Математика в школе» журналининг 1988 йили 3-сонидан ҳам билса бўлади. Унда С. Мамажонов раҳбарлигидаги тўгарак аъзолари журналда мунтазам бериб борилаётган топшириқларнинг кўпини тўғри бажарганлиги кўрсатилган. Маълумки, бу журналда математика фани бўйича берилган топшириқларни бажаришда Иттифоқимиз ўқитувчи ва ўқувчиларигина эмас, балки Болгария, Германия Демократик Республикаси, Монголия, Ҳиндистон сингари хорижий мамлакатларнинг талабалари ҳам иштирок этадилар. Ана шундай катта билим синовида кучини синаб, ғолиблик кўрсатиш катта истиқболдан далолатдир. Тўгарак аъзоларидан Фарҳод Маъқулов ва Музаффар Раҳмоновлар (улар ўтган йили Тошкент Халқ хўжалиги институтининг студенти бўлдилар) «Ёш куч» журналининг сиртқи математика олимпиадасида иштирок этишиб, журналнинг Дипломи билан тақдирланишди.

Мамажонов ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатаяпти, ўқувчиларнинг 80—90 фоизининг кўпчилиги математика бўйича олий ўқув юртига киришмоқда. Бу ютуқларда педагогик коллективнинг ҳамда унинг ёнида меҳнат қилаётган устозининг муносиб шогирди, математика ўқитувчиси Тоҳиржон Қамбаралиевнинг хизмати катта.

Ҳа, Охунбобоев номли 1-ўрта мактабда меҳнаткашларнинг 1050 фарзандига 80 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Бошланғич таълим устаси, «СССР халқ маорифи аълочиси» Маматхон Усмонов, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» Тожихон Усмонова, Катта ўқитувчи деган нуфузли унвонга сазовор бўлган Зоҳида Бобожонова, Шарофат Неъматова, Болтабой Қўлдошев, методист-ўқитувчилар — Мавлуда Акбарова, Жўрабой Отахонов, «Ҳурмат белгиси» ордени нишондори Елена Николаевна Сарафанова, «III даражали Меҳнат Шуҳрати» ордени ҳамда «Ҳурмат белгиси» ордени нишондори Ғайбулла Дадамирзаев сингари омилкор мураббийлар мактабнинггина эмас, шаҳар маорифчиларининг фахри.

Яна бир муҳим далилни алоҳида таъкидлаш лозимки, Охунбобоев номли ўрта мактабни тамомлаган кечаги ўқувчилардан 18 нафари фан номзоди ва фан доктори деган юксак илмий даражалар эгаси.

Айтмоқчи, мазкур мактабда машғулотлар математик йўналишда, яъни бошқача айтганда, математика фани махсус программа асосида ўтилади.

Собиржон аканинг қўлида таълим олишга интилганлар кўп. Ҳозирги кунда у хизмат қилаётган мактабда, аниқроғи, унинг синфида қўшни Уйчи, Норин, Янгиқўрғон районларидан ҳамда Наманган шаҳридан келган ўқувчилар ҳам бор.

Аммо шуни айтиб ўтиш ўринлики, махсус программа учун дарсликлар, қолаверса, ўқувчиларнинг ва мактабнинг замонавий техник воситалар билан етарли таъминланмаганлиги ижодкор ўқитувчининг имкониятларини чеклаб турибди. Шаҳар халқ маорифи бўлими, қолаверса, республика педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти бу масалаларга эътиборни кучайтиришлари лозим. Зеро, бугунги қайта қуриш талаби ҳам шуни тақозо этмоқда.

Икром РАСУЛОВ,
педагог

ЧАҚМОҚҚА БАС КЕЛГАНЛАР

Олам ранго-ранг ҳодисалар билан тўла. Замин айланар, шамол эсар, фасллар алмашинар, дарёлар олдинга қараб чопар, тоғлар улғайиб ва яна емрилиб, қор бўронлари бўлиб турар, манфий ва мусбат кучлар бир-бири билан тўхтовсиз олишиб турар экан, ер юзида гоҳ мўъжиза, гоҳ фожиа юз бериши ажабланарли эмас. Одам боласи шулар қуршовида яшар экан, унинг ҳаётида табиат қарамақаршиликлари билан тенгсиз олишув, машаққатли синов дақиқалари бўлади. Сиз суратда кўриб турган ушбу фазо лочинлари яқинда ана шундай ҳаёт-мамот учун кураш дамларини ўз бошларидан кечиришди. Озгина журъатсизлик, эҳтиётсизлик қилинганда, ҳозир улар... Бир уларгина эмас, самолёт салонидаги 162 пассажир ҳам...

Куни билан ёққан ёмғир кечқурунга бориб қорга айланган совуқ баҳор кечаси эди. Тўрталовлари ҳам одатдагидай учишга тайёрланиш хонасида ҳамкасб дўстлари билан хайрлашиб, ўзларининг «пўлат от»лари томон йўл олишди. Уч соатдан сўнг Донецк шаҳрида бўлишларини орзиқиб кутаётган дам олувчилар, ҳарбий хизматдан сўнг ўз қадрдон уйига ошиқаётган солдатлар ўтирган ўриндиқлар орасидан хотиржам юриб кабинага ўтишди. Кейин... Бир пасда аэропорт, манзилга эсон-омон етиб олишларини тилаб қўл силкитаётган кузатувчилар тўдаси ҳам ортда қолди. Самолёт етти қат осмон қаърига сингиди-кетди. Сибирь қишини эслатувчи оппоқ булут тўдаларидан бўлак ҳеч нарса кўзга чалинмасди. Кимдир хаёлга толган, кимдир газета ўқиш, яна кимдир уйқуга кетган, туш кўриб борарди. Яна бир неча сониядан сўнг бошланажак ҳалокатдан тамоман бехабар эдилар.

Стюардесса Донецк аэропортига яқинлашганликларини эълон қиларкан, самолётнинг ичи яшин тушгандай ёришиб кетди. Думдумалоқ шаклдаги олов яшин тезлигида самолётга яқинлашиб келар, унинг ўткир нурлари кўзларни қамаштириб, теварак-атрофни кўришга имкон бермасди. Бу само қуши ва унинг дарғаларининг энг хавфли душмани чақмоқ эди! Қандай қилинса, унинг комидан қутилиб қолиш мумкин — ўйлашга ҳам фурсат бўлмай, самолёт харсангга келиб урилгандай чайқалиб кетди. Миллион киловатт электро-энергия қувватига эга бўлган чақмоқ учта моторнинг иккитасини ишдан чиқарганди. Кабинани ачимсиқ резина ҳиди тутиб кетган, ўнг ва чап қанотлардаги труба, лапаткалар эриб кетганди. Қанотлар ҳаракатини автоматик бошқариш системаси ҳам ишдан чиқиб бўлганди. Уларнинг вазифасини қўл билан бошқариш зарур бўлиб қолганди. Булар таъсирида тезликни камайтиришнинг йўли қолмаган, учиш тезлиги соатига одатдаги 265—275 километр ўрнига 310—320 километр масофани ташкил қилмоқда эди.

Дарҳол ишга туширилган қўшимча — учинчи мотор билан ҳам самолётнинг мувозанатини тўғрилаб бўлмайди. Чап қанот ерга томон оғиб борар, ҳализамон самолёт тўнкарилиб кетиши хавфи ортиб борарди.

Лекин... Экипаж командири Станислав Харьков илк қалқишдаёқ нима рўй берганини тушуниб етганди. Юраги така-пука бўлиб кетган эса-да, ўзини дарҳол қўлга ола билди. Экипаж аъзоларини ишни шошмай хотиржамлик билан давом эттиришга чақирди. Ҳамкасблари унинг юзидаги тинч лаҳзалардагидек ифодани кўриб, ҳиссиётларга берилиш, бақириб-чақиришлар мутлақо ортиқча эканлигини ҳис қилишди. Бошқа командир бўлганда, эҳтимол капалаги учиб кетиб, самолётнинг жиловини қўйиб юборган, оқибатда кутилган ҳалокат юз берган бўлур эди. Аммо Харьков... У экипаж аъзоларини ишга туширилган қўшимча мотор қуввати билан ҳам ерга эсон-омон қўниш мумкинлигига ишонтира олди. Улар ҳар бирининг ўз вазифасини қандай бажараётганини назорат қилиб, самолёт парвозини бошқаришда давом этди. Штурман Рональд Петрович самолётнинг ҳаводаги ўрнини одатдагидай аниқ белгилаб, унинг тезлиги, баландлиги бўйича кўрсатмалар бериб борди. Борт инженери Владимир Билан двигателнинг ишлашини кузатиб, иккинчи учувчи Сафар Мадраимов эса ерга энгашишнинг зарур йўналишига амал қилиб борди.

Самолёт қушга ўқ текканда бўлгани каби чайқалиб учишда давом этди. Самолёт энди ёниб кетса керак, деб ваҳимага тушиб. «Онажон» деб дод-вой қилаётган баъзи пассажирлар ҳам тинчлана бошлашди. Энди уларнинг юзларида қўрқувдан ҳам кўпроқ: «Бу ёғи нима бўлар экан», деган қизиқишни уқиш мумкин эди.

Шундай қилиб, самолёт мотор ёрдамида ўн уч минут учишда давом этди ва ерга муваффақиятли қўна олди. Ҳаммалари бир-бирларини дўстона қучиб табрикладилар. Ҳар бири ҳам ҳалокатдан тўрт мучаси соғ чиққани, бунинг устига, пассажирларни ҳам ерга эсон-омон олиб тушганларидан бахтиёр эдилар. Аёллар кўзлари жиққа ёшга тўлиб, уларга минатдорчилик билдиришар, кутиб олишга чиққан қариндош-уруғларининг қўлларидаги гулдасталарни олиб, буларга тутқазишарди.

Улар шу куни самода парвознинг юксак маҳоратини намойиш қилганликлари, бу вақти келиб чинакам мардлик, жасорат деб баҳоланишини хаёлларига ҳам келтиришмаганди.

Яқинда матбуотда ўз исм-фамилияларини, мукофотланганликларини ўқиб, ҳайрон бўлиб қолишди. Маълум бўлишича, махсус комиссия ўша куни содир бўлган воқеаларни ўрганиб чиқиб, экипаж аъзоларининг ҳалокат юз берган шароитда бенуқсон ишлабгина қолмай, катта жасорат мардлик кўрсатганликларини ҳам аниқлабди.

Шундай қилиб СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон Граждан Авиацияси бошқармасининг «Ту—154» самолёти экипажи аъзолари — Владимир Федорович Билан ҳамда Станислав Фёдорович Харьков «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан, Сафар Бекмуродович Мадраимов «Халқлар дўстлиги», Рональд Петрович Згадов «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирландилар. Улар бизнинг юртдошларимиз эканликлари ғоят қувонарлидир.

Сафарингиз бехатар бўлсин, само лочинлари!

Н. ЙЎЛДОШЕВА



Тошкент бирлашган авиаотряд учувчилари: бортинженер Владимир Федотович Белян (чапдан ўнгга), иккинчи учувчи Сафар Мадраимов, кема командири Станислав Федорович Харьков, штурман Рональд Петрович Згадов.

В. Мосин фотоси



ДЕНГИЗ ТОШБАҚАЛАРИ ОРОЛИ

Вьетнамдаги Киензянг вилоятининг Фукуок оролида денгиз тошбақалари етиштирадиган тўртта фермани реконструкция қилиш тугалланди. Маълумки, тошбақа косаларидан аёлларнинг кийим-кечаклари учун зебзийнатлар, амалий ва декоратив санъати маҳсулотлари олинади.

Ҳозирги кунда оролда беш мингдан ортиқ тошбақа «етук ёшга» етгунича тарбияланмоқда. Табиий ва иқлим шароитларининг яхшилиги туфайли тошбақаларнинг тез кўпайишига имкон туғилмоқда.

ҒОРЛАР СИРИ

Словакиянинг спеолог — ғор қидирувчилари жамияти кейинги уч йил мобайнида 130 дан ортиқ ғор топишга муваффақ бўлдилар. Улар орасида ўлик кўршапалаклар деб аталувчи ғор қарийб айниқса йирик бўлиб, унинг узунлиги беш километрга тенгдир. Ғор ундирувчилари жамиятининг аъзолари ўзлари топаётган ғорларда ҳали фанга маълум бўлмаган ҳайвонлар ва ўсимликларни учратмоқдалар, сумалаксимон қотган томчиларга, палеонтологик топилмаларга ҳам дуч келмоқдалар.

Ўктам УСМОНОВ

КИШАН



Ёзувчи Ўктам Усмонов ўзининг янги қиссасини «Кишан» деб номлаган. Унда турғунлик йилларининг оғир оқибатлари, кишилар тақдиридаги машаққатли излари қаламга олинган. Қуйида биз шу асардан парча эълон қилаётирмиз.

Қисмат ўйинини қарангки, Тошмаматнинг камерасига ёнма-ён, аммо йўлаги нариги томондан ўтган камерада ҳозир Исмоилов ётибди; ўртада қалин девор бор, холос. Лекин улар бир-бирларини билишмайди. Исмоилов Тошмаматнинг қамалганини эшитган; буни терговчи Рустамовнинг ўзи айтган эди. Аммо маҳкумда шундай бир хусусият борки, у одатда сўроқни олиб бораётган одамнинг гапига унча ишонмайди. Ишонган тақдирида ҳам Тошмаматнинг шундоқ ёнгинасида эканини хаёлигаям келтирмаганди. Тошмамат эса, Исмоилов ҳақида деярли ҳеч нарса билмасди... Рустамов уларни галма-галдан сўроқ қилар, биридан олган маълумотни иккинчисининг гапига солиштириб кўрар, шу йўл билан катта, мураккаб чигалликни аста-секин ечиб бораётган эди. Исмоилов — Тошмамат тугуни бошқа ўнлаб тугунларнинг бири; ҳозирча Рустамовнинг нақд қўлида тургани эди.

Тошмамат ҳатто уйига ёзган хатида ҳам: «Исмоиловдан дарак борми?» деб қизиққани билан барибир у ҳақда бирон тайинли янгилик билолмади. Лекин Исмоилов эса кейин-кейин бориб, Тошмамат тўғрисида деярли ҳамма нарсаларни билиб олди. Дарвоқе, билишининг ҳожати ҳам йўқ эди. Чунки у ҳамма ишларни терговга бошдан-охир сўзлаб берган, шу сабабли у айтган гапларга Тошмамат бирор нарса қўшолмаслигига ишонарди. Қайтага кўрқоқлик қилиб ёки бирор бошқа сабаб биланми, бор гапларни ҳам чала-ярим айтиши, ҳатто баъзи фактларни яширишга уриниши ҳам мумкин. Буни Исмоилов шу ерда туриб билиб ўтирибди. У қамалгандан кейин сал кундаёқ ўзини бутунлай бошқача тута бошлади. Рустамов уни: «Колхозчилар ўртасига олиб бориб, халқ ичида сўроқ қиламан», деб қўрқитиши билан, кейин телевизорда Исломхўжаевни кўриши билан ўша заҳотиёқ тихирликни йиғиштириб, тақдирга тан бериб қўя қолди. Бундан ҳатто виждони азобланиб ҳам юрмади. Чунки Рустамовнинг ўша гапидан кейин у бутун тун бўйи ухлолмай, ўй суриб чиқди. Қилмишларини яшириш йўлларини обдон қидириб кўрди. Лекин нажот йўлини барибир тополмади. Охири: «Энди бўлар иш бўлди, бу ёғига очиғини айта қолай, иложи борича ўзимга ишонч орттирай», деб шу ерда ҳам осонини кўзлади. Ана шундагина у, киши билмас кўп номаъқул ишларга бош суқиб юрганлари, яна шуларни ошкора қилишдан тоймаганларига ўзи ҳайрон бўлди. Одам қизишиб кетса, у ёқ-бу ёғига қарамас экан; қарашга вақти ҳам йўқ. У, омад ҳам, омадсизлик ҳам аслида узоққа чўзилмаслигини мана шу ерда тушунди. Озод, эркин юрганингда омад бир умр ҳамроҳинг бўладиганга ўхшаб туюлади. Аммо бу ерда ўлчов бошқача: ҳамма нарсанинг ўткинчилигини яққол кўрсатадиган ягона жой — турма.

Исмоиловнинг виждонини гапирдик; гарчи уни бутунлай инсофсиз одам деёлмасак ҳам, ҳар қалай унинг виждони бузуқ соатга ўхшаб ишлашини мана шу қамоқ яхши аниқлаб берди. Бузуқ соат гоҳ тез юриб кетади, гоҳ кечикади, гоҳ тўхтаб қолади, хуллас, унга қараб тўғри вақтни белгилаб бўлмайди. Шунга ўхшаб, Исмоилов ҳам лафз, бурч, ор-номус хусусидаги ҳатто илгариги ўз тушунчаларини ҳам бир зумдаёқ четга йиғиштириб қўйдию, ҳаёт ҳақида файласуфона хаёл суриб кетди. «Одамнинг умри — гуруллаган гулхан. Аввал учқун чиқади, кейин ёниб, аланга олади. Олов осмонга сапчиб гуруллайди, кейин ерга чўкиб чўғ бўлади, кейин қарабсанки, зумда ўчиб, кулга айланади...» Модомики, ҳаёт шу экан, энди унинг наздида бурч, лафз, ҳалоллик, тўғрилик сингари фазилатлар сиз билан биз ўлиб-тирилиб амал қилишимизга арзирли эътиқодлардан эмас! Биз ўзимиз ўйлаб топган ишончга беҳад ишониб кетганмиз. Синчиклаб қаралса, ишонч аксари ҳолларда ҳаётдаги гапларга, ҳаёт муаммоларига у қадар тўғри келмайди...

Мана, масалан, Тошмамат Исмоилов уни бўйнидан арқон солиб шу ишга кўндиргани йўқ-ку? Ўзи кўнди. Одамлар қизиқ, аввалига ҳалоллик, тўғрилик деса оғизларини кўпиртириб ваъз ўқийдилар, кўпчилик ичида сенга эътироз ҳам билдирадилар... Сал ўтмай қарасанг, худди майиздаккина юмшаб, ҳузурингга илжайиб кириб келишади. Тошмамат ҳам аввалига ўша пункт мудири билан иш битириш масаласини эшитиб, нақ тепа сочи тикка бўлиб, ранги оқариб, худди Исмоиловни уриб юборишига сал қолди. Эртаси-чи? Эртаси гўё орадан ҳеч нарса ўтмагандай, ишшайиб боққа ўзи кириб келди. «Ҳа, майли, сизнингча бўлсин», демайдию, аммо «Турдибой ака, Турдибой ака»га ит боқмайди! Берган ҳатто худога ёққан экан, худога-я?! Шунинг учун Исмоилов нега уялиши, нимадан уялиши, кимдан уялиши керак? Шунинг учун у бор гапни айтаверади. Шон-шуҳратигаям, айш-ишратигаям роса тўйган у. Ҳаммасини кўрди. Ҳатто Москвада президиумларда ҳам ўтирди. Телевизорга баллн: бир секундда бутун дунёга маълум қилади-қўяди кимлигингни! Тунов куни эди-я — республика Қуруултойида Ленин орденини унга Рашидовнинг ўзи тақиб қўйган эди! Шунда одамлар унга қанча ҳавас, қанча ҳасад билан қараган эдилар... Сира ишонгинг келмайди-я шу ишларнинг ўтиб кетганига! Худди тушга ўхшайди. Мана, энди ҳамма ёқ остин-устун. «Ўлиб қутилди ўша пайғамбар ҳам... Ўзимизнинг маҳаллий пайғамбар!.. Аммо бироз яшаши керак эди... Ўлмасликн керак эди... Биз қатори у ҳам жавоб бериши керак эди...» Исмоилов шундай деб ўйладию, ҳатто ҳозир ҳам юраги бир шув этди.

Исмоиловлар ҳам аҳмоқ эмас: кўп ишларнинг қоғозда бўлаётганини, бир кун сўзсиз очилишини, одамларнинг ночор турмушини... билишарди булар ҳам! Баъзан кечалари уйқуси қочиб, ётган ўрнида тўлғаниб чиқарди Исмоилов. Аммо катталарнинг обрў-эътибори, таги мустаҳкамлиги яна уни хотиржам қиларди. Кейин Закияларни менсимасди. Мутлақо! Аслида-ку, чўпни кўрсанг Ҳизир бил экан... Хуллас, ҳаммаси бўлди. Мана, энди ҳаммаси туш! Бизнинг давлатимизда ўзи тийин ҳам йўқолмаслиги керак аслида! Ҳатто тийин! Ҳаммаси билиб туриб шундай қилган! Билиб туриб! Энди бўлса... биз айбдор эмишмиз?! Хўш, шундай экан, Исмоилов кимнинг ориятини сақлаши керак?! Нега сақлаши керак?! Тўғрисини айтса, сотган бўлармиш! Кимни ҳимоя қилсин у?! Кимни! Исмоиловни мана шу каталакка тиқиб қўйганларними?! Йў-ўқ!!!

Исмоилов ҳам ҳозир тўқсон фойиз одамларда бўладиган нуқсон — айбни ўзидан эмас, бошқалардан излаш хуружига берилиб кетган эди; у фақат ўзини қутқаришнигина ўйларди. Йўл-йўлакай учраётган ҳамма масалаларга у айни шу ўзини қутқариш тарозуси билан ёндошар, ҳар бир сўз, ҳар бир гувоҳлигини шу тарозуда тортиб, сотаётган эди. Гарчи у «тўғрисини айтаверараман» деб мақтангани билан, аслида фақат ўзига керак бўлган, ўзига фойдали бўлган далил ва гапларнигина сўзлаётган эди. Айниқса, Исломхўжаевга алоқадор фактлар терговчиларни кўпроқ қизиқтираётганини ғалати бир ички муғомбирлик билан илғаб олди-ю: «Бозорвойга оид яна бирор-бир далил чиқиб қолмасмикан-а», дея ўйлаб ётарди. Буни у Рустамов: «Колхозга олиб бораман», деб қўрқитганда эмас, иккинчими ёки учинчи мартами сўроққа чақирганида сезган эди.

— Исломхўжаев билан алоқаларингиз қандай?

— Емон эмас эди...

— У янги келган пайтда қандай эдинглар?

Исмоилов бу ёш йигитнинг ҳамма нарсани билиши, ҳатто одамлар ўртасидаги муносабатларгача, ораларида ўтган гап-сўзларгача хабардор эканлигини пайқади-ю, ўша аснода унга фарзандларидан кўнгли тўлмаган армонли ота сифатида ўкинчли ҳавас билан қаради. Катта ўғли Санжарни аслида юристликка ўқитса бўларкан. Истаган институтига кучи етарди у пайтларда! Ҳатто Москва университетига киритишга ҳам қуввати, имконияти ва таниш-билишлари етарли эди. У қизиталоқ бўлса, физикман деб, осмондаги нарсаларни кўзлаб юрибди, гўё ерда иш қуриб қолгандай!

Исмоилов ҳамон Рустамовга қандайдир ички бир ҳурмат билан тикилганча:

— Қаердан билдингиз? Аввалига чиндан ҳам орамиз ёмон эди, — деди кулимсираб.

Рустамов жиддий қиёфада давом этди:

— Масалан, нима бўлган эди?

— Аниқ айтолмайману, аммо гапимиз унча тўғри келмасди бир-биримизга. Мен ундай десам, у бундай дер эди. Мен ҳам тикка юзига айтаверардим.

— Масалан, нимани?

Исмоилов қизиқ устида Исломхўжаев бир пайтлари унинг колхозини текширишга комиссия юборганини айтмоқчи ҳам бўлдию, кейинги дақиқада тилини тишлаб қолди. Бу — қайтага терговчининг кўзида уни ерга уриб, Исломхўжаевни адолат тарафдори сифатида кўтариб юбориши

мумкин. Шунинг учун бошқа жавоб излаётганидан елкасини учирди. Рустамов худди ичини «кўриб» тургандай:

— Исломхўжаев сизнинг ишларингизни текширганмиди? — деб сўраб қолди.

— Текширган! — Исмоилов терговчининг кўзига синовчан тикилди.

— Қачон, нимани текширган?

— Юмалоқ хатни. Еб кетди, ичиб кетди, деган гаплар. Ўзингиз биласиз-ку бундай хатларни.

— Қачон текширган? Кимлар текширган?

Исмоилов негадир овозини баландроқ кўтарди:

— Райком комиссиясини туздирган экан. Обкомдан айтиб тўхтатишибди.

— Обкомдан ким айтган?

— Биринчи секретарнинг ўзи.

— Нима учун? Ҳали хат текширилмаган-ку? Бордию, унда ёзилган фактлар тўғри чиқса-чи?

— Мен қаердан билай? Буни обком секретаридан сўраш керак... — Исмоилов азбаройи кўлга тушганидан хиёл зарда қилди.

— Сўраймиз. Ундан сўрашга ҳам вақт келади. Ҳозир сиз жавоб беринг. Нима учун обкомнинг биринчи секретари, сизнинг айтишингиз бўйича, ҳали жиноят текширилмай туриб, уни ёпиш ҳақида райкомга буйруқ берган? Сизнингча, нима учун шундай қилинган?

Исмоилов елка учирди.

— Билмайсизми?

— Йўқ...

Хўш, шундан кейин Исломхўжаев нима қилди?

Исмоиловнинг бирдан ҳафсаласи пир бўлди: яна нима жавоб қилишга ўйланиб қолди.

— Хуллас, биринчи пайтларда нуқул тирноқ остидан кир қидираверарди. — Исмоилов «гапнинг рости шу» дегандай қўлларини икки томонга ёйди.

— Нима учун биринчи кунлардаёқ тирноқ остидан кир қидирган? Сабаби нима? Ҳар қалай, бесабаб бўлмаса керак?

Исмоилов яна елка қисди. Аммо Рустамов уни силтаб ташлади:

— Сиз мени бекорчи деб ўйламанг, Исмоилов! Ишим бошимдан ошиб ётибди. Бу ерда, билинг, сиз билан биз мушук-сичқон ўйнаётганимиз йўқ. Аниқ жавоб беринг. Нима учун у сизга тихирлик қила бошлади? Мен сизга тихирлик қилган одамни ва бунинг сабабини сўраяпман. Буни сиз билишингиз, аниқ билмаганда ҳам, тахминингиз бўлиши керак. Хўш, нима учун биринчи пайтларда у сизни ёқтирмай қараган?

—Бўйин эгмаганим учундир...

Рустамов гапни бўлмай бироз кутди. Унинг муносабат билдирмаганидан Исмоилов «яна жавобим қониқтирмади» деб ўйладию, яна бироз зардаланиб:

— Кеча тухумдан ёриб чиқиб, бугун сенга дўқ қилади ҳаммаси! — деди гўё Рустамовга шикоят билан келгандай. — Бир минутда ўзимиз қўл кўтариб сайлаймиз-да, бирдан ўзимиз тортиниб қоламиз, Амал! Бирдан — тепамизда! Ўзимиз қиламиз шуларни, ўзимиз! Ҳозиргина ҳамма қатори, қайтага сенга етти букилиб, илжайиб юрган эди ёнингда. Қўл кўтардингу, бирдан... сен ҳам бошқасан, у ҳам. Саломлашолмай қоласан, навбат келмайди сенга! Мен бўлсам, унақа салга букиладиганлардан эмасдим. Айбим шу...

— Исмоилов, мени ҳозир конкрет факт қизиқтиради.

Исмоилов жириллаб кетди:

— Сиз битта гуноҳни бошқасидан узиб олманг-да! Нега узиб оласиз?! Ҳамма ишлар ўтиб кетиб, ҳамма нарса жой-жойга тушиб, оқ-оқ, қора-қора бўлганда бировни айблаш осон. Хўш, ўша бизга «бер, бер» деб тепамизда хиралик қилиб турганларида: «Пахтада Америкадан қолиб кетмаслигимиз керак, бу — сиёсий масала, нима килиб бўлса ҳам планни тўлдирасизлар», деб қисталанг қилиб турганларида, хўш, сизлар қаёқда эдинглар?! Қаёқда эдинглар?!

Рустамов: «Бўлди, бўлди, қўйинг бу бенаф гапларни» дегандай қўлини палахса қилди. Аммо Исмоилов ўзини тўхтатолмади.

— Ҳе, қўйинг, ука, мени ўқитманг, — деди стол четига бир уриб, у ўзининг қаердалигини бир зум унутган, азбаройи раислиги тутиб кетган эди. — Нари борса, биз ғалвирдан ўтиб кетган майда тошлармиз, катталари нарёқда. Қани, ўшаларга ҳам тишингизни уриб кўринг-чи?! Уриб бўпсиз! Тишсиз қоласиз!

Исмоилов ранги оқариб, қўллари, ҳатто қовоқ, юзлари титраб кетди; қўли дир-дир қалтираб:


— Мумкин бўлса, бир стакан сув беринг, — деди худди айтган сўзи ҳам томоғида қотиб қолгандай.

Рустамов у стаканни қулт-қулт бўшатгунча қараб турди-да, уни бу асабий ҳолатидан чиқармоқчи бўлди шекилли, хиёл кулимсиради:

— Шовқин солманг, қизишманг, Исмоилов. — Рустамов хонада у ёқдан-бу ёққа юрди. У ҳамон ўзидаги ички норозиликни бўғишга уринарди. — Эҳтимол, адлия одамларида ҳам бордир айб. Лекин сизлар шу ишларнинг барини яшириб, енг ичида қилгансизлар! Ҳамма гап мана шунда! Сизларга қўйилаётган айб ҳам шу: жамоатчиликдан яшириб давлатни, халқни алдаб келгансизлар.

Исмоилов ҳақоратланган қиёфада юзини четга бурди. Деворга тикилганча, индамай ўтираверди. Кейин бирдан хуноби ошиб, аллақандай йиғламсираган товушда:

— Раис бўлган кунимга лаънат ўқийман! — дея жазаваси тутди. — Ҳаром йўлга кирдим, тўғри, бўйнимга оламан! Лекин ким билибди бир кун дунёнинг ишлари бу даражада чархпалак кетишини! Ким билибди?! Ахир, кимсан, партия раҳбарлари буюргандан кейин... биз нима қилай-



Рассом Ҳ. Раҳматуллаев.

лик?! «Демак, тўғри қилаяпмиз, шундай қилиш керак экан», деб тушунганмиз!

Шу ерда Рустамовнинг энсаси қотди — Исмоиловга нафрат билан қаради; бу муттаҳамларнинг гуноҳини ювамаи деса, дарё суви ҳам етмаслигини билгани учун ҳам ундан нафратланди. Ахир, мана шу текинхўр, қаллоб, оналари фақат гапга туққан, айёр муттаҳамлар эмасми, айш-ишрат, манфаат деса — ўзларини томдан ташлаганлар?! Улар ҳашаматга кўмилиб, инсонликларини йўқотиб ётганларида... бу ёқда юзлаб, минглаб талантлар — вақтида касалини қаратолмаган, вақтида ўқишга киролмаган, вақтида ўз ниятига етолмаган, буюк аллома бўлишга қодиру, лекин шароити йўл қўймаган минг-минглаб истеъдодлар... Йўқ, Рустамов мановиларнинг бойлигига ҳасад қилаётгани йўқ! У нафратланаяпти! Қани, булар ўмарган миллионларни шундай бир сарфласакки, халқ булоғи яна ҳам кўз очса, халқнинг бағри, руҳи бойиса, ўша талантлар униб-ўсса... Одамлар, нафсни, ҳирсни, хоҳишни тийиб, бир атрофимизга қарайлик! Ахир, қанча қурилмаган иморатлар, қанча ёзилмаган китоблар, қанча очилмаган ихтиролар, қанча юзага чиқмаган севги ва бахт нашидалари... шулар атрофимизда шарпадек изғиб, бизга таъна-маломатлар ёғдирмаяптими?! Ахир, қачонгача манови муртадлар худди мевали дарахтга ёпишган бўғма илондек халқ қонини сўриб ётади?! Қачонгача!? Қачонгача?!

Бирдан Рустамовнинг жаҳли чиқиб кетди. Собиқ раисга шу қадар ғазабнок тикилдики, ғазаби чегарасидан тошиб кетай деб тургани учун ҳам куч билан ўзини босди. Исмоилов эса бир зумда терговчи кўнглидан лавадек оқиб ўтган ҳислар туғёнини унча сезмади ҳам. Кейинги дақиқада Рустамов анча ўзини босиб:

— Раҳбар айтди деб ўзингизни ўтга уравераснзи? — деб қўйди гапни улаш учун.

Исмоилов унга олов кўзларини қадаб, истеҳзо билан кулимсираганча:

— Энди шундай деяпсизми? — деди ва яна юзини четга бурди.

— Мен ҳамма вақт шундай дейман! Деганман! Менга таъна қилишга ҳеч бир асосингиз йўқ, Исмоилов! Таънангизни бошқа — ўзингизга ўхшаганларга қилинг! Сизни шу ёшингизда мана шу ерга келтириб тиқиб қўйганларга қилинг!

— Сўраганингиз учун айтаяпман! — деди Исмоилов бирдан шаштидан тушиб. — Аввалги хатолар, мен сизга айтайми, оғизни юмиш, тўғри гапни гапиртмасликдан келиб чиққан бари. Хўш, ҳозир йўл қўяяпсизми ҳамма гапни айтишга?! Демак, шундай экан, яна хато бўлиши мумкинми, йўқми?

— Мен сиздан бошқа нарсани сўраяпман, сиз бўлсангиз бошқа ёққа чалғитасиз. — Рустамов столига бориб ўтирди ва сигарета олиб тутатди. — Агар вақтида ўша бошлиқларингизга яхши кўринай деб, олдида йўрғалаб юрмаганингизда, «йўқ» дейишга тилингиз айланганда — ҳозир бу ерда ўтирмасдингиз. Бутун бало шунда! Қаллобликни — одамгарчилик, ҳурмат-иззат, интизом деб тушунгансиз аввалига. Ҳар бир сўздан, ҳар бир ҳаракатдан манфаат излагансиз аввалига! «Тўғрисини айтсам нотўғри тушунишмасин, ишимга халал беришмасин, менга деса бу дунёси ёниб кетмайдими, олов менга тегмаса, бас», деб ҳисоб-китоб қилгансиз аввалига! Энди йиғлаб ўтирибсиз! «Ҳозир йўл қўяяпсизми ҳамма гапни айтишга» эмиш! Ўша пайтда сизга қарши чиққан, сизни тартибга чақирган одамни сиз ўзингиз тинч қўярмидингиз? Қўйиб бўпсиз? Дарров «улуғ»ларингизга чақардингиз! Айбни бировга тўнкаб нима қиласиз?! Шунинг учун сўраяпман-да сиздан: сигнални текширмай туриб, обкомнинг биринчи секретари нега сизнинг ёнингизни олди дарров!? У қаёқдан била қолди райкомда бўлаётган ишни?! Нима, у пайғамбарми?! Йўқ! Сиз айтгансиз унга! Сиз! Ҳали ҳам ўйлаб кўринг, холис ўйлаб кўринг — сизни бу ерга бошлаб келган гуноҳларнинг илдизи барибир ўзингизга бориб тақалади...

Рустамов Исмоилов ўйлагандан ҳам пишиқроқ йигит экан. Исмоилов буни биринчи кунлардаёқ тушунди. Унинг назарида Рустамов ҳар қанча ичимдагини топ дейдиганларни ҳам бир қарашдаёқ ялангоч қилиб кўя оладиган ўткир юрист эди. Шунинг учун ҳам нимани сўраса, оёқ тираб ўтирмай дарров жавоб беради. Яна, Рустамов ҳар гал: «Агар терговга ёрдамлашсангиз, гуноҳингизни енгиллатамиз, бу қонунда кўзда тутилган», дея таъкидлагани-таъкидлаган. Охир Исмоилов бутун билганларини оғринмай айтиб бераётганидан ўзини шу қадар енгил ҳис этадиган бўлдики, бунга баъзан ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Чиндан ҳам Исмоиловларда нима айб? Юқоридан айтишган — булар бажаришган. Ҳар қандай қонун ҳам буни ҳисобга олмай иложи йўқ, ҳисобга олиши керак. Агар шу буйруқни беришмаганда, партия билетини ўртага қўйиб, вазифани ўртага қўйиб дўқ уришмаганда... ким бу ишларга бош қўшарди?! Исмоиловларнинг ҳам жони ўнта эмас!.. «Йўқ» дегани билан қўлидан нима келарди ўша пайтларда?! Бунинг устига, атрофингда тамшаниб, қулт-қулт ютиниб, ўрнингни пойлаб турганларнинг бу қадар кўплиги-ей! Шуниси доғда қолдиради одамни! «Йўқ» десанг, «Ҳа, майли, бўшат» дейишади. Бўшатасан. Қарабсанки, битта тайёрига айёр келади-да, яна ўша ишларни давом эттираверади! Бутун мақтов ўшанда, обрў ўшанда, орден ўшанда! Сен дайди мушукка ўхшаб, четда миёвлаб қолаверасан. Биринчи галда энг яқинларинг қочади. Шунисига чидаш қийин! Агар тинчгина бўшаб кетишнинг иложи бўлгандаю... Илож қанча, одамлар шунга ўрганган. Амалинг бўлса борсан, амалинг бўлмаса, айниқса, амалдан тушсанг — кўрган кунингни ит ҳам кўрмасин... Шунинг учун терговда тихирлик қилдинг нима-ю, қилмадинг нима? Арзимаган майда бир нарсани яширди қолдинг нима-ю, қолмадинг нима? Барибир есанг ҳам, емасанг ҳам оғзинг қон! Бу ёғига энди иложи борича камроққа кесилиб кетса-ю, ўлмай бир кун қайтиб келса, узалтга чекиниб, қолган умрини худо деб бир амаллаб ўтказар... Олдинда энди ҳеч нарса йўқ. Ҳеч нарса!..

Исмоилов анча вақтдан бери шу кайфиятда. Қамоқ, бир жиҳати шу кунгача уни ташқи дунё билан боғлаб келган жуда кўп ришталардан, қарзлардан қутқаргандек ҳам бўлди. У энди «фалончига бундай деган эдимку» деб хижолат ҳам чекмайди. Орадан бир ойлар ўтгач, қамоқдан чиқишни ҳатто тасаввур ҳам қилмай қўйди... Қамоқдан чиқиб, яна ўша таниган-билган одамларига дуч келадими?! Қайси юз билан? Унга энди шу ер тинчга ўхшаб кўрина бошлади. Гўё у ҳаётнинг тагига чўккандек эди...

Шу сабабли ҳам у тезда Рустамов қўлидаги қўғирчоққа айланди. Исломхўжаевни кўпроқ кавлашаяптими? Демак, ўшандан кўпроқ ишкал қидириш керак... Айниқса, олдинги ҳафтада истисно тариқасида хотини билан кўришгандан сўнг Исмоилов қандайдир руҳланиб кетди. У ҳатто аёлининг йиғлабсиқтаб уйдаги оғир аҳволини гапирганларини гўё тингламаётгандай эди. Аввалига шоша-пиша ҳаммани бир-бир сўраб-суриштириб чиқди-ю, кейин ҳотинини ҳайрон қолдириб, нуқул қовушмаган саволлар берди. «Аҳволим ёмон эмас, мана кўриб турибсанку, аҳволим ёмон эмас», деб тақрорлайверди. Қачон чиқиши, нима айби бор? Буни гапирмайди-да, нуқул «аҳволим ёмон эмас», дейди...

Лекин унда, айниқса хотини келиб-кетгандан сўнг ўзи ҳам унча англаёлмаган мавҳум бир умидворлик пайдо бўлди; туриб-туриб кўнгли кўтарилаверади. Айниқса, энди Рустамовга сидқидилдан, завқ билан, ҳафсала билан хизмат қила бошлади. Рустамов ҳам қўлидагиларга буюриб қўйган: Исмоилов қачон истаса, ўша заҳоти унинг ҳузурига олиб киришлари мумкин. Шу сабабли у Рустамовнинг кўнглини овлагани, унга ёқиб қолганидан ёш боладек хурсанд эди. У баъзан кечалари уйғониб кетиб, Исломхўжаевларни, улар айтган ҳар бир сўз, улар қилган ҳар бир ишни хотирасида яна қайта тиклаб чиқади. Уларга ўзича энди бошқача талқин бера бошлайди. У гаплардаги яширин маъноларни излайди. Ишқилиб, Рустамовга асқотадиган нимадир янги далил-ашё ахтаради. Бирон гап эсига тушса, шарт ўрнидан туради-ю, Рустамов бериб қўйган қоғозга учи ўтмаслашиб қолган қора қалами билан дарров ёзиб қўяди. Кейин Рустамов ҳузурида бўладиган эртанги учрашувни, ўзининг нимадан гап бошлашини ўйлаб кетади. Сўнгги ҳафталарда у фақат шу ишлар билан банд.

Исмоиловнинг бирдан бу даражада юмшоқ супурги бўлиб, ўз гуноҳини енгиллатиш пайига тушганини аниқ жиноятчилар тўдаси ҳам ҳар хил таққослар, тахминлар, терговчи сўроқларидан келиб чиқадиган турли хулосалар орқали анча-мунча билиб олишган эди. Айниқса, пахта пункти мудири Янгибоев ва унинг атрофини ўраган, у билан боғланиб кетган не-не наҳанг-жиноятчилар ҳам Исмоиловнинг ҳозирги «ўйини»дан ташвишга тушиб қолишди. Улар шошилинч равишда қандайдир чора кўриш йўлини излай бошладилар. Сувдан қуруқ чиқишни мўлжаллаган бу аблаҳни баттар жиноят ботқоғига ботириш режалари тузилди. Бундай пайтларда пулдорлар бир-бирларини ҳеч аяшмайди; бир-бирларига ёпишиб, бир-бирларини юлиб-тирнаб ҳалок бўладилар. Ҳатто ўзлари қамоқда ўтирганлари ҳолда, ташқарида юрган ҳалол одамларни ҳам, агар исташса, қанча оворагу сарсон ва бадном қилишлари мумкин. Улардан айримлари кўргани келган хотинларига гоҳо мақтаниб, кимларгадир ва нималаргадир шаъма қилиб тайинлашаркан:

— Фалончи жуда керилиб юрганмишми?! Айтиб қўй, гувоҳлик бериб, онасини уч қўрғондан кўрсатиб, елкасига харсанг илиб қўямиз! Ана шунда кўради гердайишни! То бўйнини кўтариб олгунча шунча саргардон бўлсинки! Айтиб қўй, тилини тийсин! Худди бўйнига иламиз боплаб!..


Тошмаматни Барзанги қийнаётганининг сабаби ҳам шу ёқда эди. Ўша «Идора», ўша Маҳлуқ ишга тушган эди! Улар Исмоилов олмаган тўрт юз минг сўм пулни унинг бўйнига илмоқчи эдилар. Исмоилов ҳам фариштa эмас, оғзи теккан ўша ҳаром томоққа. Пункт мудири Янгибоев сахийлиги туттанидан бермаган Исмоиловга — тўрт юз минг устидаги ўша йигирма олти минг чақасини! Йигирма олти минг чақа — Исмоиловлар бўғзига илинган қармоқ. Керак бўлганда шундай тортилса, думларини биланглатганча ўзлари келаверишади... Беданага сочилган дон бу! Уни бекордан-бекор еб кетаверарканларми?! Уни ё қусишинг ёки тўр ичига киришинг керак... Бу дунёда текин томоқ йўқ, текин ҳеч нарса йўқ! Фақат текинга ўхшаб кўринади! Текин ҳеч нарса йўқ! Тўлови бор!

Исмоилов ҳам, Тошмамат ҳам ўзлари муте бўлиб қолган ўша одамларнинг қўлидан ҳар қанча ёмонлик келишини билсалар-да, уларнинг бу қадар «пишиқ» ишлашлари, бу қадар туҳмат ва қабоҳатга боришларини барибир тасаввур қилолмас эдилар. Бутун фожиа шунда эди...






М. ФАТХУЛИН. ИККИ ҚАҲРАМОН (СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ АҲМАДЖОН ШУКУРОВ ВА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ АБДУРАЗЗОҚ ИКРОМОВ ПОРТРЕТИ).



ЯПГИ ХАЕТ ФАОЛАСИ.



«БАДАЛ БОТИР» эртагига ишланган расм.



ХЕ

«УР, ТЎҚМОҚ!» эртагига ишланган расм. (Японияда нашр этилган шу номли эртак китоб муқоваси).




РАССОМ ҲАБИБУЛЛА РАҲМАТУЛЛАЕВ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР


КЕЧАГИ КУН...



ХЕВА ДАРВОЗАСИ.




ОЙДИН КЕЧА.





О. ҚОЗОҚОВ. «УҚИТУВЧИ» РОМАНИНИНГ МУАЛЛИФИ, ТАНИҚЛИ АДИБ ПАРДА ТУРСУН.

БОЛАЛИҚНИНГ РАНГИН ОЛАМИ



Болалар учун асар яратадиган ижодкор, хоҳ у ёзувчи, хоҳ бастакор ёки рассом бўлсин, оламни болалар кўзи билан кўрмоғи, бу рангин дунёни ҳаққоний ва таъсирчан акс эттира билмоғи керак. Акс ҳолда у энг одил ҳакам — кичкинтойлар эътиборини қозонолмайди. Рассом Ҳабибулла Раҳматуллаевнинг асарларини кўздан кечирганингизда худди ана шу фазилатлар мавжудлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ёркин рангларга бой, самимий, майин ҳазил-мутойиба билан суғорилган асарлар сизни мафтун этади.

Ҳ. Раҳматуллаев 1976 йилда А. Н. Островский номидаги Театр ва рассомлик санъати институтининг рангтасвир (живопись) бўлимини муваффақиятли тугатиб, мустақил фаолият бошлади. У дастлаб йирик мойбўёқли асарлар, портретлар яратишда ўз кучини синаб кўрди. «Биринчи ўқитувчи», «Хева оқшоми», «Янги замон жарчиси», «Гуржистонлик дўстим Гиви портрети» каби асарларида рассомнинг ўзига хос услуби, изланишлари яққол кўзга ташланади.

— «Биринчи ўқитувчи» диплом ишим эди,— дейди рассом,— уни бир неча нусхада ишладим. Билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида ўзгартиравердим. Аммо ўзимга биринчи нусхаси кўпроқ ёқади. Чунки унда маърифат фидойилари, ўлимдан чўчимай очиқ юз билан болаларни саводли қилишга бел боғлаган илк ўқитувчи аёллар сиймосини, бойларнинг ғазабли қарашларини акс эттиришга интилганман.

Ана шу асарнинг ҳамма нусхаларини кўздан кечирсангиз, рассомнинг изланувчанлигига, меҳнатдан чўчимаслигига амин бўласиз. Бу мавзудаги нусхаларнинг ҳар бири — алоҳида асар. Биттасида реалистик тасвир устун бўлса, иккинчисида рамзийликка урғу берилади. Масалан, бирида оппоқ кийинган ўқитувчи аёл қип-қизил осмон фонида тасвирланади. У ёш қизчани мактабга етаклаб бораяпти. Осмон бу ерда суронли даврнинг рамзий ифодаси бўлса, оппоқ кийим ўқитувчининг эзгу ниятлари, зиёкорлиги тимсолидир.

Кейинги йилларда Ҳ. Раҳматуллаев китоб графикаси соҳасида самарали ишлаяпти. Эҳтимол, ижодидаги бу йўналишнинг кучайиши унинг «Еш гвардия» нашриётида ишлаётганлиги билан боғлиқдир. У ҳозиргача юздан ортиқ китобларга безаклар ишлади. Бу китоблар мавзу жиҳатидан ҳам, жанр жиҳатидан ҳам ранг-баранг. Рассом уларнинг ҳар қайсисига мос ижро услуби топишга, асар мазмунини ойдинлаштиришга хизмат қиладиган расмлар яратишга интилади. Бу расмлар асло бир-бирига ўхшамайди. Санъаткорнинг «Ғунча» журналида мунтазам эълон қилиниб турган хилма-хил суратлари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Редколлегия аъзоси сифатида журнал саҳифаларини безашда фаол қатнашиб келади.

Рассом қайси жанрда ижод қилмасин, қаҳрамонларининг миллий қиёфасига, кийим-кечакларига, урф-одатларига алоҳида эътибор беради. Самарқанд ва Хева ҳақидаги пейзаж асарларида, «Биринчи ўқитувчи» полотносида, С. Айнийнинг «Эски мактаб», Т. Қаипберганованинг «Гумроҳлар» асарларига, «Ур тўқмоқ» эртагига ишланган расмларида бу ҳол айниқса аниқ кўзга ташланади. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари китоб графикаси кўргазмасида «Ур, тўқмоқ» эртагига ишланган расмлар юксак баҳоланди ва II даражали диплом билан тақдирланди. 1987 йилда эса худди шу китоб Японияда чоп этилди. Албатта японларнинг аъло даражадаги матбаа-си туфайли рассом асарлари янада жозибали чиққан. Тасвирда миллий услуб-оҳанг ва самимий ҳазил-мутойиба кунчиқар мамлакати китоб ихлосмандларининг эътиборини жалб этгани шубҳасиз.

Ҳ. Раҳматуллаевнинг асарлари бир неча бор республика кўргазмаларида муваффақиятли намойиш этилди. «Олтин водийдан шабадалар» асарига ишлаган расмлари Ойбек уй-музейи, «Вақт» шеърлар китобига ишлаган суратлари Ғ Ғулом уй-музейи экспозицияларидан ўрин олган.

Рассомнинг бугунги кундаги изланишлари, нималар устида ишлаётганлиги билан қизиқдик.

— Ҳозир Ҳамза туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан тайёрланаётган унинг масаллар китобига расмлар чизаяпман,— дейди у,— китоб инглиз ва рус тилларида босилади. Шоир юбилейи меҳмонларига муносиб совға бўлади. Умуман болалар учун асарлар яратишни яхши кўраман. Бу соҳада завқ билан ишлайман. Гўё ўзим ҳам болаликка қайтгандек бўламан.

Ҳа, Ҳабибулла Раҳматуллаев асарлари томошабинни болаликнинг қайта такрорланмас, мўъжизали диёрига етаклайди. Бу диёр эса ажойиботларга тўла. У маънавий поклик, қувонч ва беғубор туйғулар сарчашмасидир.

Н. МУҲАММАДИЕВ

Матназар АБДУЛҲАКИМОВ

ОРОЛ ҚЎШИҒИ

— Тоғлар бошида эриди кўп қор, болам,
Қатранггa бироқ бўлдим ҳануз зор, болам.
Тўлмаса бағринг, кўп уят осмонлик,
Йўлингда кўзим, телба ва шунқор болам.
Жонга азоб бўлди қуёш, ҳайронман,
Тушми бу ўнг, сўйла-чи, бедор болам.
Денгизману, кўп чанқадим, оҳ, чорам йўқ,
Дарёсан, ахир, ташна болам, зор болам.
Макони осмон эса ҳам ер бўлғай,
Кимки қилар ўз ерини хор, болам.
Сен бирла ҳаёт ёки мамотимдир ҳал,
Номус болам, обрў болам-а, ор болам.
Бахтдан умид, жондан умидим сенсан,
Сен сира йўқ бўлма, менинг бор болам.

ШУНҚОР

— Жонзот борки, дуч келдим қарийб,
Бино бўлиб ҳамлакор умрим.
Лекин ҳеч вақт сенингдек ғариб,
Мунис бир қуш кўрмадим, қумрим.

Мажақланди не-не вужудлар
Қон қақшатқич зарбаларимдан.
Ўрмонларда тинди қий-чувлар
Элас-элас шарпаларимдан.

Яшасам-да дахлсиз, озод,
Чекдим парвоз озорларини.
Қилдим пароканда ва касод
Кўп қушларнинг бозорларини.

Қўлагамдан ёғдириб ғазаб,
Булутларни тўғитиб ҳатто,
Даҳшатли бир айлана ясаб,
Ўлжаларга ташландим қаттол.

Осмон олди қудратимни тан,
Қабул этди хунхорлигимни.
Ор этмадим йиртқичлигимдан,
Авайладим шунқорлигимни.

Гарчи ётдир менга ўкинч, ғам,
Ҳасратларга душман мен гарчи,
Қаҳр қилсам ўз қавмимни ҳам
Қиймалаган қушман мен гарчи.

Бу сафар ҳам гарчи мен жангга
Учган эдим қонлиғ ов учун,
Сени кўргач, ёзолмай чангал,
Довдирадим, жон ҳурковучим.

Дабдурустдан етмади фаҳмим,
Руҳда бу не ғолиб машаққат.
Устун келди нафсимдан раҳмим,
Шиддатимни енгди бир шафқат.

Аста майин тортиб қолдилар
Ҳалокатли, чўнг панжаларим...
Сени эса чирмаб олдилар
Юракдаги исканжаларим.

ДАХЛСИЗЛИК

Танҳо фасл эмасди баҳор,
Танҳо унга меҳримни бердим.
Бамисоли кунгайдаги қор —
Ғамлар нигоҳингда эриди.

Мен, овозим бўғилгунча то,
Ҳуснинг куйлаб бўлдим жизғанак.
Бироқ ҳансираган саратон
Енди сени мендан қизғана.

Қуёш ерни чайиб оловга,
Тиниб қолди мушфиқ эпкинлар.
Ипак сочинг баттар сарғайиб,
Рухсорингга тошди сепкиллар.

Қасд қилганлар, ахир, мудом паст,
Ез ҳам ўтди армонда, ўсал.
Аввалгидек мен ҳамон сармаст,
Аввалгидек сен ҳамон гўзал.


Шодликларим ниқобланган дард,
Сен бу дардни илғайсан аранг.
Кўзларингдан ёғилган мадад
Аввалгидек ҳамон осмонранг.

Шу толени сен кўргач раво
Ғурбатлардан мен нолимайман.
Мен қолмайман ҳеч вақт бенаво,
Мен ҳеч қачон сенсиз қолмайман.

Сенга етмас хазон, сен — асл.
Сенга ҳеч қасд қила олмас куз.
Фасл келиб, кетади фасл,
Фақат — меҳрим билмас танаффус.

Ишқ фаслида ҳамиша ҳамал,
Бордир ҳаёт. Йўқдир ўнгишиқ.
Мен учун сен мангу мукаммал
Ва ўн саккиз ёшдаги қўшиқ!

Урганч



МАРДЛИК-МАНГУЛИК

ИЗТИРОБ

Афғонистондан мажруҳ қайтган интернационал жангчи отасининг деганлари

Сени аскарликка кузатган эдим
Дастурхон тузатиб — нону ош билан,
Пешонангдан ўпиб: «Омон қайт!», дедим,
Чиққан эдинг уйдан мағрур бош билан.

Ва лекин кетдинг сен Ватандан йироқ,
Чекар эди қўшнинг — афғонлар фироқ.
Афғонларга қўшиб сени ҳам бироқ
Тақдир кутиб олди чағир тош билан.

Билардик жанг кўпни этишин нобуд,
Келарди у ёқдан саноқсиз тобут.
Тилардик тўрт мучанг бўлсин дея бут,
Қайтдинг сен мажруҳ тан, кўзда ёш билан.


Кўрдиму қолмади менда ҳолу жон,
Ярминг қаерларда қолди, болажон.
Гўёки дунё ҳам мажруҳ — чалажон,
Бўзлар ёлғиз қолиб тақдирдош билан.

Дард тўла кўзингга қандай қарайин,
Ер десанг, бошимни уриб ёрайин.
Ахир, бу дунёда қандай юрайин,
Бир умр қолсак биз эгик бош билан...

Эргаш МУҲАММАД


Улар Афғонистонда интернационал бурчларини ўтаб қайтдилар...

А. Екубов фотоси



Тошкент шаҳри ота-оналари душманлар қўлида ҳалок бўлган етим афғон болаларининг иккинчи уйи бўлиб қолди.

Суратда: Ю. А. Гагарин номидаги мактаб-интернат ўқитувчиси Феруза Ҳошимжонова ўқувчиларга дарс бермоқда.



XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати, байналминал жангчи, Қизил Юлдуз ордени нишондори, Низомий номидаги Педагогика институти студенти Алибек Отахонов.

(ЎзТАГ фотоси)

Ольга ШЕВЧУК

Қайдасан муҳаббат шарпаси

БУРЧ

Офицерлик — зарли погонлар,
Ярим ойдек сояли шапка...
Баланду паст йўлда довонлар,
Таралар чанг тўртта тарафга.
Чанг айланиб, димоққа урар,
Ҳар қадамда қадам товуши.
«Ҳаво» деган бир буйруқ юрар,
Ҳамма қочар ерга қовушиб.
Юздан терни артишга вақт йўқ...
Қуёш кўкда — бир парча олмос.
«Газлар» — товуш учади бир ўқ —
Беэътибор бир кимса қолмас...
Ниҳояга етар машғулот —
Ён идишда сув йўқ бир қултум.
Қотган нондан топиб ҳаловат,
Нон таъмидан бир ҳузур қилдим.
Карамшўрва, сули бўтқаси...
«ЗИЛ»лар турнақатор — кутмоқда.
...Ёрилай деб нақ ўтакаси
Аёл йўлга кўзни тутмоқда.

ОНАНГГА ХАТ ЁЗ

Дам-бадам ёз онангга сен хат!
Машқдан ҳориб қайтган чоғингда,
Казармага қайтганда, солдат,
Шафақ ёнса уй пештоқида.
Емғир дарахт узра сирғалиб,
Қайнаганда ерда кўлмаклар,
Қайтганингда постдан сен ғолиб,
Тараланда хушнуд дараклар,
Баҳор чирой ёзганида, ёз,
Олча гулдек оппоқ қоғозга.
Етсин ўзинг таратган овоз,
Она қалбин йўллаб парвозга!
Тушларида топсин у ором...
Ҳар дақиқанг билан яшайди.
Ёз, тушмасин бемаврид оқшом,
Совуса қалб, вужуд қақшайди!

САЙЕР таржимаси

* * *

Шеърият соғинар улуғ даҳони,
О, талант, инъом эт, қани у Сиймо!
Пушкин лирасига тенг бир баҳонинг
Соҳиби бор бўлса, қани: марҳабо!

Шеърият орзуси ноёб иқтидор,
Жовондан супуринг қақур-қуқурни.
У ўксиб боқмасин: шунча талабгор
Босиб кетибди деб пойгагу тўрни.

Кампирдай ёзғириб, қарғар эҳтимол.
Мумкин эмас ахир бундай бўлиш, деб.
Мен талаб қиламан келса ҳам малол:
Пушкин довруғини истаган қани,
Бир марта лол этсин, куйлаб дунёни!

Авлодлар овозин эшитсин олам,
Киприкдан узилган кўз ёш сасин ҳам.
Юлдузлар учишин, гўдак дупурин,
Ниначи қанотин шарпасини ҳам.

Ҳайратдан лол қолсин бутун ер юзи.
Офтобнинг нуридай ёғсин эҳтирос.
Қалбларга қуйилсин шоирнинг сўзи,
Гиналар кўнгилдан маҳв бўлсин абас!

СИМ

Телефон бажармас ҳукмни,
Асабий юлқийман симини.
Ранглари оқарар тунимнинг,
Айтмоқчи эдим-ку: «Севгимни».

Тилсимнинг тиллари узилган,
Узилган кўнгилнинг парчаси.
Овозим бўғзимда эзилган,
Қайдасан муҳаббат шарпаси.

«Се-ва-ман» сўзини бўламан,
Бўлаклар тиқилар бўғзимга.
Бу сўзни энди не қиламан,
Энди у маҳв этар изимдан.

Ёлғондир «вақт-малҳам» дегани,
Вақт букиб боради елкамни.
Ҳаммаси бегона, бегона
Ҳаммасин гулханда ёқсамми?!

Ким айтган қалбдаги тафтимиз
Маҳбубга бахшида бўлсин, деб.
Кемадай ёрилган бахтимиз,
Кўзингни оч, ишқим, мени де.

Очолмас кўзини қисматим,
Тингламоқ истайман сасини.
Тилсимнинг тиллари узилган.
Уяла бошлайман ўзимдан...
Йўқ, сени ўлдириб бўлмас, ишқ,
Улкансан сен она заминдан.



БОСИНҚИРАШ

I

Хўмраясан, кўнглинг ҳам хижил,
Дилдирайман руҳинг тафтидан.
Ҳадиксирар рангпаргина ой,
Елвизакнинг титроқ кафтида.

Тун бағрида, ҳу, туман қуши
Силкитади зангор қанотин.
Кел, ўртама ортиқча мени,
Осойишта тонгимиз отсин.

Қадайверма ўткир нигоҳинг,
Ўтган кунлар қайтмайди абас.
Бирга бойлик изламагандик,
Энди бирга ўртансак бўлмас.

Ўзингники бўлсин топганинг!
Тингла фақат, тингла ўксиниб.
Ана, қара, инграйди ўрмон
Гуноҳлари тилиб кўксини.

2

Ўт-алафга кўмилди чорбоғ,
Поли тешик хонада файз йўқ.
Толиб борар билагу бармоқ,
Менга оғир. Сенга яхшироқ!

Барқ урарди бир пайт чечаклар,
Пол — чиннидай, билак бўсалар —
Шодасидан лов-лов ёнарди...
Қулар экан муҳаббат қасри
Омонатга қурган бўлсалар.



Ортиқ сўзга ҳожат йўқ энди,
Ўтган ўтди, қайтмайди абас.
На ҳожатдир бошимга келиб,
Ўз овозим билан бермоқ сас:

«Оғир бўлса, елкамга суян,
Бардошлидир нозик елкалар.
Синдиролмас ҳеч қандай ғараз,
Суяй билсак муҳаббатни гар»...

Ором бермас ўзим айтган сўз.
Лой қораман, ёғду сочар ой.
Бир қасрки, қурмоқ истайман,
Қуриб бўлмас тушда, ҳойнаҳой.

Уктам МИРЗАЕР таржималари

ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

НУТҚ ВА ХУШОВОЗЛИК

Нутқнинг хушовозлиги ҳақидаги билимларни эвфонология ўрганади. У хушовоз ва жўн нутқнинг сифатларини тавсифлайди. Шунингдек, товуш бирикувларининг бир хиллари хушовоз, бошқа бирлари хушовоз бўлмаган сифатларда жаранглайди. Тилларни бундай гуруҳларга бўлиш қулдорлик жамияти давридан бошланган. У вақтда ўзга тилларга душманларча қаралиб, уларни камситишга ҳаракат қилинган эди. Кишилар ўз қабила тилларига нисбатан тўғри муносабатда, лекин бошқа қабилаларнинг тилларини жон-жаҳди билан инкор этиш оқибатида шундай ҳоллар содир бўлган эди.

Кишилараро муомаланинг энг муҳим қуроли — тилнинг ижтимоий моҳиятига тўғри муносабатда бўла олмаслик, объектив баҳо бермаслик синфий жамиятлардаги тенгсизлик, социал тараққиётнинг чекланганлиги билан боғланган бўлиб, фақат марксча-ленинча таълимотгина тилларнинг келиб чиқиши, тарихий тараққиёти, жамиятдаги роли, ўзаро муносабати ва бошқа масалаларнинг аниқ йўлларини кўрсатиб берди.

Дунёдаги барча тиллар овоздан фойдаланадилар, яъни турли тиллардаги овознинг тузилиши бир хил бўлиб, лекин бундан фойдаланишда фарқ бўлади, масалан, ўзбек тили овознинг тонига, рус тили чўзиқлигига, хитой тили тоннинг йўналишига кўпроқ асосланади. Ҳозирги замон фонетикаси ҳар бир миллий тилнинг овоз жиҳатдан ифодаланиши мислсиз индивидуал, ўзича гўзал ва хушовозлигини кўрсатади. Ҳар бир тил ўзининг бой фонетик имкониятларига, ички ўзига хос хусусиятларига эгаки, улардан оқилона фойдалана билиш нутқнинг хушовозлигини, ёқимлилигини яратади. Шунинг учун барча тиллар ва жумладан ўзбек, рус, хитой тиллари, дунёдаги барча бошқа тиллар ҳам ўзича гўзал, хушовоз тиллардир.

Табиийки, ўзбек нутқининг хушовозлиги ва мусиқийлиги негизида ўзбек тили ва ўзбек тили нутқининг ички хусусиятлари ётади: ўзбек нутқида қўлланадиган сўзлардаги бўғинларнинг кўпчилиги очиқ бўғинлардир. Очиқ бўғинлар ёпиқ бўғинларга нисбатан овоз жиҳатдан бироз кучли бўлади, шунинг учун очиқ бўғинларнинг хушовозликка ижобий таъсири шубҳасиздир, масалан, **«тошлоқ»**, **«аъло»** сўзларини олиб қарайлик, биринчи сўзнинг ҳар икки бўғини ёпиқ, иккинчи сўзнинг ҳар икки бўғини очиқ бўлгани учун йўғон, қўполроқ **«тошлоқ»**қа нисбатан **«аъло»** сўзидаги хушовозлик, ёқимлилик устун эканлиги шундоққина сезилиб туради.

Ўзбек нутқида овозли товушлар: унлилар, сонорлар ва жарангли ундошлар тез-тез такрорланиб туради. Ўзбекча нутқ энг аввал унлилар орқали ҳушовозликка эришади, унли билан ундошларнинг бирикиб келиши эса, буни кучайтиради. Ўзбек адабий тилида овозли товушлар жарангсиз товушларга нисбатан кўп қўлланилади, яъни ўзбек нутқининг 70 фоизи жарангдор товушларга тўғри келади.

Ўзбек адабий тилида сингармонизм сўнган бўлиб, хушовозликни урғу яратади. Бунда урғули бўғин сўзнинг овоз маркази бўлиб хизмат қилади, овознинг баландлигини, кучини ва миқдорини орттиради, товуш сифатларини ёрқинлаштиради, талаффузнинг қулай бўлишини таъминлайди. Ўзбек тилидаги товушлар комбинатор ўзгаришга кўпроқ учрайди. **л, и, т** товушлари билан ёнмаён келганда унлилар юмшоқроқ айтилади (йалла, ата, ёй), сўз бошидаги, сўз ўртасида келган жарангли ундошларнинг жарангдорлиги тўла сақланади (бор, гул, дада, ғўза завқ, ижобий), сўз охирида эса жарангсизланади (талап, сабап, март). Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз ўртасида турли хил товуш бирикувлари билан бирга бир хил сифатга эга бўлган ундошларнинг, яъни **тт, кк, дд, шш, чч, вв, мм, нн** (катта, ҳакка, содда, пашша, кисса, оппоқ, почча, қувват, амма, чинни) каби гемикатларни учратамиз. Бу ўзбек талаффузининг ўзига хос нозик фонетик белгиси бўлиб, ифодавийликни, хушовозликни кучайтиради.

Ўзбек тили талаффузида силлиқ **л, й** ва бурун товушлари **н, м** катта роль ўйнайди; булар нутқни мусиқий қилади. Товуш пайчалари ва уларнинг асосий тони унинг айрим даврларда содир бўладиган узлуксиз ўзгаришлари натижасида юзага келгандир.

Нутқ сўзловчининг вазифаси ўз нутқида бу ажойиб табиат гўзаллигини акс эттиришдан иборатдир.

Аҳмаджон МАҲМУДОВ,
филология фанлари доктори,
Фарида АЛИМХЎЖАЕВА



КОСОНСОЙЛИК ЧАВАНДОЗЛАР.

А. Ковтун фотоси
(ЎзТАГ)



ДАДИЛРОҚ БОС ҚАДАМНИ, ПОЛВОН!

А. Жумаев фотоэтюди

КИНО САНЪАТИДАГИ АСОРАТ

Конфликтсизлик назарияси. Бу зарарли назария бошқа санъат асарларида бўлганидек, кино санъатида ҳам жиддий асорат қолдирди. Биз қуйида шу хусусда мулоҳазалар юритамиз.

Аввало «назария» тарихи ҳақида. Совет эстетикаси, адабий танқид ва адабиётшунослиқда қабул қилинган бу шартли атама, биринчи галда, замонавий воқеаларга бағишланган адабиёт ва санъат асарларида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган конфликтлар — зиддиятлар, қарама-қаршиликлар бўлмаслигини тақозо этади. Шу йўсинда Совет жамиятида социалистик қурилиш, кураш жараёнида юз берадиган қарама-қаршиликлар рад этилди. «Конфликтсизлик назарияси» тарафдорлари мавжуд конфликтларни тасвирлашдан бош тортиб, фақат «яхши» ва «энг яхши» конфликтларни тан олар эдилар.

«Конфликтсизлик назарияси»нинг ривожланиши шахсга сиғиниш пайтларига тўғри келди. Бу давр дабдабабозлик, сохта муваффақият, шиорона гаплар даври бўлиб, бадиий адабиётда ҳаётийликдан узоқлашиш тарзида кўзга ташлана бошлади. Адабиёт ва санъатдаги конфликтсизлик йўлларининг назарий асосида «социализм — қарама-қаршиликсиз тараққиёт-дир», деган нотўғри талқин ётар эди. «Под знаменем марксизма» журнали саҳифаларида бўлиб ўтган мунозараларда жамиятимизда нафақат антагонистик, ҳатто ноантагонистик қарама-қаршилик ҳам йўқ, дейишгача бориб (1940 йил, 8-сон, 50—51-бетлар) етдилар.

Шу қарашларга мувофиқ бу назария тарафдорлари оғир, жасоратли совет ҳаётини юзаки, сохта акс эттирилган бадиий асарларни кўкка кўтариш билан шуғулландилар, ҳаётимиз фақат ғалабалардан ташкил топган ҳаёт тарзида бир ёқлама талқин қилинди. Мана шу эҳсонлар туфайли С. Бабаевскийнинг «Олтин юлдуз кавалери», «Ер устида нур», И. Пирьевнинг «Кубань казаклари», А. Сафроновнинг «Москва характери» каби пьесалари ҳақиқий бадиий асар намуналари, деб жар солинди. Шу назария тарафдорларидан бири танқидчи А. Эльяшевич шундай деб ёзган эди: «Бизга байрамона адабиёт керак, бу адабиёт кишиларни ҳаёт икир-чикирларидан устун қўйиши даркор («Звезда» журнали, 1954 йил, 10-сон). Хуллас, «Конфликтсизлик назарияси» социалистик реализм санъатининг асосий принципларига катта путур етказди.

1938 йили А. С. Макаренко «Шаблонга қарши» мақоласида шундай деб ёзган эди: «Бизнинг адабиёт конфликтли ҳолатларни тасвирлашдан қўрқмаслиги керак. Ҳаётнинг гўзаллиги ҳам бу ҳаётда конфликтлар йўқлигида эмас, балки уни ечишдан иборатдир».

Партиямиз XX съездидан кейин «конфликтсизлик назарияси» қатъий танқидга учради. Лекин XX съезддан кейин ҳам ёзувчиларни эскириб қолган қарашларга, идеал қаҳрамон образини яратишга ундашлар йўқ эмас эди. «Шахсга сиғиниш йўқ, унинг акс-садоси, шамоли ҳали ҳам, минг афсус, адабиётда, умуман, матбуотда ўз ўрнини топмоқда», деб таъкидлаган эди КПСС XXVII съездида сўзлаган нутқида А. Т. Твардовский.

Ўзбек адабиётида ҳам «конфликтсизлик назарияси» камида ўттиз йил мобайнида ҳукм сурди. Конфликтсиз сип-силлиқ кино намуналарини биз урушдан кейинги йилларда чиқарилган фильмлар ичида кўп учратамиз. Н. Ғаниевнинг «Фарғона қизи» (1948) номли фильмида қишлоқ хўжалигини механизмлаш муаммоси қўйилган. Фильм анча бўш бўлиб, у Н. Ғаниев истеъдодига хос эмас эди. Санъатшунос Ж. Тешабоев шу фильм ҳақида шундай ёзган эди: «Режиссёр, актёр, сценарийнавис берилган андозани жонлантиришга уриндилар, фильмга жасоратлик, олижаноблик руҳини киритмоқчи бўлдилар. Жиддий кузатувлар, ҳаётий фактлар, характерларнинг ўзига хослиги билан асосланмаган муаллифларнинг ғояси ҳавойи бўлиб, режиссёр Н. Ғаниевнинг шубҳасиз қимматли топилмаларини йўққа чиқарди».

Бундай ҳаққоний эътирозлар «Гулбаҳор», «Стадионда учрашамиз», «Саҳродаги воқеа», «Янги уйга кўчиш», «Опа-сингил Раҳмоновлар» каби фильмларга ҳам бевосита тааллуқли эди.

Ўзбек санъати учун ҳам 50-йиллар энг мураккаб давр эди. Ҳаётнинг ўзи носоғлом йўналишларни бартараф қилиб, олдингди янги муаммоларни ҳал қилишни тақозо этарди. Энг муҳими, санъатда ҳақиқий ҳаётга бир оз яқинлашиш керак эди. Чунки ана ўшандагина шу пайтгача инкор қилиниб келинган характерлар ва конфликтлар юзага келар эди. Лекин бунга ҳали анча бор эди. К. Ёрматовнинг навбатдаги «Абу Али ибн Сино» (1958) фильми ҳам унча муваффақиятли чиқмади. Мазкур асар ўша вақтда мақталган «Алишер Навоий» фильмининг чиқарилиши совет биографик фильмларининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнади. Агар «Мичурин» фильмидан «вейсманизм, морганизм мавзуини акс эттиришни» талаб қилганларини, «Тарас Шевченко» фильмида эса, Добролюбов ва Чернишевскийларнинг кўрсатилмаганлигини «айб» деб ҳисобланганларини инобатга олсак, «Алишер Навоий», фильмининг тақдири анча омадли эканлигини кўрамиз. Бу фильмга нисбатан сунъий талаблар қўйилмади. Шунинг учун ҳам тарихий шахслар ҳаётига бағишланган фильмлар орасида «Алишер Навоий» фильми ўзининг ғоявий-бадиий тугаллиги ва равшанлиги билан ажралиб туради.

40-йилларнинг ўртаси ва 50-йилларнинг бошларида мамлакатимизда яратилган биографик фильмларни баҳолашда «норматив эстетика», яъни бошқа камчиликлар қаторида қаҳрамонни чеклаб қўйиш «мезони» ҳам бор эди. Биринчи галда, қаҳрамон томонидан қилинган ишлар ниҳоятда дабдабабозлик билан акс эттирилар эди. Бу эса қаҳрамонни кўкка кўтариш, унинг шахсиятини бўртиришга олиб келар, яъни оддий ҳаёт билан кинодаги ҳаёт ўртасида катта «жарлик» ҳосил бўларди. «Алишер Навоий» фильмидан олдин яратилган «Александр Невский», «Суворов», «Пархоменко», «Котовский» сингари биографик фильмларда ватанпарварлик мавзуи кўтарилган бўлиб, буларда ҳарбий саркардалар ҳақида ҳикоя қилинган эди. 1947 йилгача шоирлар ҳаётига бағишланган кинофильмлар деярли йўқ эди. «Пушкиннинг ёшлиги», «Арзрумга саёҳат», «Шоир ва шоҳ» номли овозсиз фильмлар, албатта, бундан мустасно.

60-йилларнинг бошларида ўзбек киносанъатига бир қатор ёш истеъдодлар кириб келди. Э. Эшмуҳамедов, Ж. Исҳоқов, А. Ҳамроев, Р. Ботиров сингари ёш истеъдодлар кириб келди.

А. Қаҳҳор сценарийси асосида «Синчалак» фильми (1961, постановкачи Л. Файзиев)нинг яратилиши билан кино санъатимизда объективлик сари биринчи жонланиш сезилди. Танқидчилар бу фильмни таҳлил қилиб, унинг афзал томонларини таъкидладилар. Қаландаров образини яратган актёр Ш. Бурҳоновнинг истеъдодига юқори баҳо бердилар. Лекин ўша даврда янги шароит пайдо бўлганини ҳеч ким таъкидламаган эди.

Танқидчиликнинг ўзи кўп йиллар давомида шундай йўл тутдики, оқибатда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, яъни ҳаётий қарама-қаршиликни, яъни конфликтнинг юзага чиқишини давлатимиз тузилишига зид деб тушунилди. П. Қодиров сценарийси асосида олинган Р. Ботиров ва А. Хачатуровнинг «Сенинг изларинг» фильми ҳам нисбатан муваффақиятсиз чиққан эди. Чунки ишланаётган ҳужжатли материалнинг ўзи кино асарининг муваффақиятли чиқишини таъминлай олмас эди. Фильмда жуда кўп нарса — долзарб конфликтлар, ҳаққоний образлар, ҳаёт драматизми йўқ эди. Фильм постановкачи Равил Ботиров учун дастлабки синов бўлди. Ботировнинг фильмлари замондошларимиз ҳаёти ҳақида изчил сўзлаб берар, уларда одамийлик тарғиб қилинар эди.

Шуҳрат Аббосов «Сен етим эмассан» фильмида кино санъати ёрдамида ўзининг энг асосий инсоний бурчини бажарган оддий киши образини кўрсата билди. Тошкентлик темирчи Шомаҳмудов ва унинг хотини Баҳри аянинг оғир уруш йилларида етим болаларни тарбиялаб, ҳаётга йўллаши фильмнинг моҳиятини ташкил этди. Фильм томошабинларда чуқур таассурот қолдирди.

Ш. Аббосов ва А. Неверовнинг «Тошкент — нон шаҳри» кино қиссасида яқин ўтмиш воқеалари орқали авлодимиз уй ва интилишлари таъсирли равишда ўз ифодасини топди. Лекин Ш. Аббосовнинг «Оловли йўллар» киноэпопеяси муваффақиятсиз чиқди. Унда ноҳаётий ўринлар, воқеалар талайгина.

Али Ҳамроев кино санъатига ўзига хос овоз билан кириб келди. Танқидчилар таъбири билан айтганда, у яратган фильмлар жўшқин қаҳрамонлари билан ажралиб туради. 60-йилларда А. Ҳамроев «Оқ қушлар, оппоқ қушлар» асарини яратиб, кино санъати мухлисларини хурсанд қилди. Истеъдодли режиссёрнинг кўпгина фильмлари фақат республикамиздагина эмас, балки Иттифоқ миқёсида шуҳрат топди. Унинг «Фавқулодда комиссар», «Еттинчи ўқ», «Қушлар кетидан кетади одам» асарлари янги мезондаги фильмлардир.

Истеъдодли режиссёр Э. Эшмуҳамедов ижоди тимсолида ўзбек киносида поэтик йўналиш кўрина бошлади. Шу билан бирга Элёр гражданлик жасоратига эга бўлган режиссёрлигини ҳам намоён этди. Унинг «Учрашув ва ҳайрлашув», «Бизнинг ёшлигимиз», «Умид қушларимиз» фильмлари, айниқса «Алвидо, ғўр ёшлигим» асари долзарб ижтимоий долзарб муаммоларни кўтариб чиққанлиги билан томошабинлар эътиборини тортди. «Алвидо, ғўр ёшлигим» фильми ўзининг ошкоралик ва принципиаллик даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради. Фильмда инсон учун ҳақиқат, пок виждонлик нақадар зарурлиги алоҳида таъкидланган. Адолат учун курашиш инсон ҳаётининг моҳияти, деган юксак ғоя илгари сурилган.

Мана, жамиятимиз энг масъулиятли давр — қайта қуриш жараёнини бошдан кечирмоқда. Ошкоралик ва демократия шароитида бор ҳақиқатни кино асарларининг ҳам асосий вазифасидир. Ана шу йўл билангина биз, санъатнинг бошқа турларида бўлганидек, кино санъати асарларида ҳам турғунлик давридан қолган асоратлардан тезроқ қутуламиз.

Элеонора АМАШКЕВИЧ,
филология фанлари кандидати

кашфиёт ахборот тадқиқот

МУШТАРАКЛИК

АСРЛАР ОША ҲОФИЗ — НАВОИЙ — ГЁТЕ МУШОИРАСИ

Агар вақти келиб, «Жаҳон навоийшунослиги тарихи» битиладиган бўлса, унда немис навоийшунослигининг ўзи алоҳида бир «қабариқ» бобни ташкил этиши тайин.

«Революция жарчиси» (К. Маркс таъбири), оташнафас немис шоири Ҳайнриҳ Ҳайне ёзган эди: «У (Гёте — С. У.) Ғарбнинг Шарққа йўллаган Саломидир («Салом» сўзи Ҳайне матнида таржимасиз айнан берилган). Бу Салом — Ғарбнинг ғариб спиритуализми (борлиқнинг асоси унга боғлиқ бўлмаган руҳдир, деб қаровчи мистик таълимот)нинг жонга текканидан далолат бераркан, Шарқнинг соғлом жисму дунёсини тағин-да сарафроз этажак» («Ҳайненинг 5 жилдлик асарлари» немисча нашри, Берлин, 1978, 4-жилд, 239—240-саҳифалар).

Ҳофизнинг кучли таъсирида ёзилган «Ғарбу Шарқ девони»га берилган бу баҳо, худди шундай таъсир туфайли дунёга келган «Девони Фоний»га ҳам бевосита тааллуқлидир.

Ҳофиз ғазалиёти билан «Девони Фоний» ва «Ғарбу Шарқ девони» орасида шундай бир боғланиш мавжудки, бу Навоий ҳамда Гётенинг эслатилган асарлари озиқ томирларининг бевосита Ҳофиз ижодининг ўзак томирига бориб туташажаги билан изоҳланади. Бас, шундай экан, бу хусусда Навоийга билдирилган муносабат Ҳофиз ва Гётега ҳам дахлдор бўлади, дейиш унчалик муболағаомуз эмас.

Аввало бу «томирлар туташлигини» таъсирланувчиларнинг ўз эътирофидан келиб чиқиб белгилаш лозимки, бу, айни пайтда, зикр этилаётган ҳар учала даҳо ижодидаги муштараклик моҳиятидаги зуҳриятни яна ҳам ойдинлаштиради.

Зотан, Навоий («Маҳбубул-қулуб»да) Ҳофизни ўзига устоз санаб улуғларкан, «Девони Фоний»га тартиб беришни, асосан, бу «Шероз ринди»га татаббу даъи қилибмен» деб изоҳлаган эди. Гёте бўлса («Моргенблан фюр гебилдете штенде» газетаси, 1816, 24 февраль) Ҳофиз билан ўзини «эгизаклар», «Ғарбу Шарқ девони»ни эса «форс муғаннийси Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз «Девон»и билан узвий туташ немисча шеърлар мажмуаси» деб эълон этади.

Агар Навоий («Маҳбубул-қулуб»да) Ҳофизни «Ҳақиқат сирларига мажоз йўлини аралаштирган» шоирлар тоифасига киритиб, «маъни аҳлининг нозик сўзлиси» ва «ҳақиқат аҳлининг сархайл (етакчи) ва сарафрози ва анфоси руҳулқудсдин нишон айтур ва руҳуллоҳ анфосидан асар етқурур (сўзларидан руҳининг поклиги ва ўткир нафас эканлиги маълум)», деб юксак қадрлаган бўлса, Гёте бу форс шоирининг «ғазаллари жонфизо, ўйноқи ва нафис» эшитилишини алоҳида таъкидлаб, уларда «мусаффо бир ишонч, буюк бир маърифат, бахтни сарафроз этувчи хулқ, эркин кайфият» мавжудлигини эътироф этиб, «Ҳофиз ҳақда зикр этиладиган бўлса, уни қанчалик тушуна борганинг сари, унга бўлган ҳайрат ва эҳтироминг ҳам шунчалик орта боради», — дейди.

Бу қайдлар форс шоирининг ижоди Навоий ва Гётени ўзига ниҳоятда ром этганини ҳамда «Девони Фоний» ҳам, «Ғарбу Шарқ девони» ҳам ана шу мафтункорликдан туғилган ижодий-ижобий таъсирнинг ҳосиласи эканини кўрсатади.

Ҳофиз ва Фоний ғазаллари ижтимоий характер касб этиб, феодал тузум тартиботига қарши риндона тус олган бўлса, Гёте «Девони» ҳам ўз давридаги ижтимоий тузумга худди шундай сиёсий моя билан қарши турди.

Агар академик В. Зоҳидов ва профессор Ш. Шомуҳамедов айтганларидек, Ҳофиз ва Фоний ғазалларида май «шодлик ва қувноқлик рамзи, демак, ҳақиқий дунёвийлик ифодаси сифатида намоён бўлса», Ҳ. Ҳайне ўзининг «Романтик мактаб» асарида (юқорида эслатилган манба, 239-240-бетлар) баҳолаганидек, «сеҳрини таъриф ва тавсиф этиб бўлмайдиган бу китобда (Гёте «Девон»да — С. У.) ҳам май — «кишини масту мус тағриқ қилувчи ҳаёт завқи-шавқи» ифодаси шаклида рўй кўрсатади.

Масалан, Ҳофиз «Бош косамизга тупроқ тўлмасдан бурун заррин косани шодлик суви (май)га тўлдиргил», деб илтижо этади, Фоний эса «Бошқа ҳодисадан паймонимиз тўлмасдан илгари, паймонимизни соф май билан тўлатиб беринг», деб сўрайди. Гёте «Уша ғаддор...» деб бошланувчи бир шеърида умид ва ишончларининг паймонаси тўлмасин учун «Борлиқнинг нурафшон туйғулари тарзида зуҳурлик кўрсатувчи нарса (май) тўла қадаҳ»ни қўмсайди.

Масаланинг шоён диққат томони шундаки, ҳар учала сўз устасида ҳам «май» образи («Ҳофиздаги «шодлик суви», Фонийдаги «соф май», Гётедаги «борлиқнинг нурафшон туйғулари») талқини ҳаёт нашидаси такомилига бориб тақалади.

«Девони Фоний» ҳамда «Ғарбу Шарқ девони»даги «утопик идеал» — адолатпарварлик мотивлари, адолатли шоҳ шахсияти ҳақидаги ғоялар ҳам Навоий ва Гёте дунёқарашидаги Ҳофизга туташ муштарак нуқталардандир.

Ҳофиз: «Билимдонлик ва ҳушхонлик эмас Шерозда ҳеч мансур, кел, эй Ҳофизки, биз юзни бўлак юртга ўгургаймиз», деб ўзининг феодал муҳитидаги диққинафаслигидан «бўлак юртга юз ўгириб» қутилмоқчи бўлса, Навоий «Эй, Фоний, яхши билки, кишилар қидирган жаннатга олиб борувчи тўғри йўл Ҳирот Хиёбонидир» дея жаннатпеша муҳитдан «қочиб», давр пешволари ваъда қилган илоҳий бўшлиқдан реал заминга юз тутади. Ҳофизнинг юқоридаги ғазалидан таъсирланган Гёте «Ҳижрат» («Кўчиш») шеърини ёзади. Унинг илк сатрлариданоқ ўзи норози бўлган «беомон» муҳитдан кўчиб (қочиб), Шарққа юз тутади. «Шимол, Ғарб ва Жануб вайрон бўлди... Тахтлар — чилпарчину юртлар эса — беомон. Сен энди осуда Шарққа юз бур».

Шеърнинг ибтидосиданоқ кўринадики, Ҳофиздаги «Шероздан бўлак юртга юз ўгириш» ва Фонийдаги «Жаннат — илоҳий бўшлиқдан реал заминга — Ҳирот Хиёбонига юз тутиш», Гётеда «Тахтлари чилпарчин, юртлари беомон бўлган Шимол, Жануб ва Ғарб»дан «осуда Шарққа» юз буриш тарзида намоён бўлади.

Ҳофиздаги «Жаннат-жаннатда эмас», деган ғоянинг Фоний ва Гёте ижодидаги такмили ҳам моҳиятан эгизакдир.

Чоғиштиринг:

Бўлса жаннат боғи ҳам ҳар қанча ёқимли, лекин,
Бир ғаниматдир сенга тол сояси ҳам жоми шароб.
(Ҳофиз)

Равзау ҳур ба кавсар чи кунад ёд он к-ў
Шоҳиди манзили амну май нобе дорад.
(Енида гўзаал ёри, тинч жойи ва тиниқ майи бўлган киши жаннат, ҳур ва кавсарни нега эсласин).
(Фоний)

«Менга Зулайҳога аталган қўшиқлар куйла, чунки ахир бу нарса сенга жаннатда қайта насиб этмайди».
(Гёте)

Ш. Шомуҳамедов Фонийнинг Ҳофиздан баҳраманд бўлганини «Мекунанд» радифли ғазаллари муқоясасида кўрсатади:

Воизан, кин жилва дар меҳробу минбар мекунанд,
Чун ба хилват мераванд, он кори дигар мекунанд.
Таржимаси:
Меҳробу минбарда бу жилвани кўрсатувчи воизлар,
Хилватга киришлари биланоқ бошқача иш тутадилар.
(Ҳофиз)

Воизон то чанд манъи жому соғар мекунанд,
Чун димоғи хошро ҳам гоҳ-гоҳе тар мекунанд.
Таржимаси:
Воизлар жом билан соғарни қанчалик ман этмасунлар,
Ўзлари ҳам баъзи-баъзида димоғларини ҳўллаб турадилар.
(Фоний)

Сен улар учун мистик эмишсан, чунки улар сени тентакларча идрок этишади ва сенинг номингдан бесас май сипқорадилар.
(Гёте)

Воқеан маълумки, ҳар учала шоирда ҳам дили бошқаю тили бошқа гуруҳлар фош этилади ва Навоий-Фонийдаги «димоғларини ҳўллаб турадилар», Гётедаги «Сенинг номингдан бесас май сипқорадилар» тарзидаги аниқлик Ҳофиздаги умумий «бошқача иш тутадилар» ғоясининг бир қадар янгиланган шаклидир.

«Девони Фоний» билан «Ғарбу Шарқ девони»дан ўрин олган шеърларни диққат билан кузатсак, Фоний ва Гёте дунёқарашларининг айрим лаҳзаларида сенсуализм (билишда сезгиларнинг бирламчилиги)нинг материалистик унсурлари намоён бўлишини кўрамиз. Ясни Ҳ. Ҳайне тасдиқ этганидай: «У (Гёте) «Ғарбу Шарқ девони»ни ёзаётиб, сенсуализмнинг қўлига тушиб қолди... Бу асар Шарқнинг тафаккур ва тушуниш тарзини дуркун қўшиқлар ва бўлиқ ҳикматларда акс эттиради». (Ҳайненинг кўрсатилган асари, 239—240-саҳифалар).

Фоний — Навоийнинг «Оламе

хоҳам...» ғазалининг ғоявий савиясини таҳлил этаётиб, профессор Н. Маллаев таъбирлаган «жамият муаммоларининг ҳал бўлишига ишонч» («Эй Фоний, олам вазиятини кўп ўйлама, унда ақл ҳал қилмаган ҳеч бир муаммо йўқдир» каби) «инсонга, унинг ақл-заковати ва истиқболига ишонч» тарзида қўйилиши ҳам Фоний материалистик сенсуализмининг бир кўринишидир.

Ўзининг «Романтик мактаб» асарида Гёте «Девони»га махсус тўхталиб ўтган Ҳайнрих Ҳайне шоирни тўғри тушунмаётган баъзи немис танқидчиларига жавоб бериб уқтирадики: «Гёте бу ерда («Ғарбу Шарқ девони»да) кишини масту-мустағриқ қилувчи ҳаёт завқи-шавқини бадиий ифодалаган. Мазкур китобнинг сеҳрини таъриф ва тавсиф этиб бўлмайди». «Девон» шеърларидаги кўтаринки руҳ, нафосат ва шарқона колоритдан ниҳоятда ҳайратланган Ҳайне шундай деб давом этади: «Бу каби ҳодисаларни немис тилида бу қадар қойиллатиб тасвирлаш мумкинлигидан ажабланади киши». Демак, келтирилган муқоясаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, «революция жарчиси»нинг Гёте «Девони»га муносабатдаги ҳайрат ва эътирофи «Девони Фоний»га нисбатан ҳам тўла тааллуқлидир.

«Ғарбу Шарқ девони» нафақат «Девони Фоний»га, балки айрим жиҳатлари билан Навоийнинг бошқа асарларига, жумладан «Хамса» достонларидаги идеалларга ҳам ҳамоҳангдир.

Темур фаолиятидаги бешафқатликка нисбатан нафрат туйғулари Гёте «Девони»нинг еттинчи бўлими — «Темурнома»да ўзининг ёрқин ифодасини топди. «Темурнома» ўзининг кўп жиҳатлари билан Навоий идеалларига жуда мос тушади. Бу номада Гёте (худди Навоийдагидек) сарбадорларнинг одил ва маърифатпараст ҳукмдор ғоясини ёқлаб, бу оламга совуқлик эмас, илиқлик таратишга чақиради.

Айниқса, Гётенинг «Темур ва қиш» шеърида зулм, ўзаро қирғинларга қарши кўтарилган туғён «Ҳайратул-аброр» фалсафий достонининг саккизинчи мақолат охиридаги икки вафодор ёр ҳақидаги ҳикоя ғояси билан ниҳоятда муштаракдир. Навоий Темурнинг Ҳинд фуқаросини шафқатсизларча қирғин қилганини тасвирлаб ёзади:

Ҳар сари қон тўкмоқ ила тиғи тез
Жумлаи оламда солиб рустахез...

Гёте ёзади:

Токайгача диллар порадир
Сен ёққан ўт, қилич қаъридан.

Навоийда:

Бек дедиким, қилсун улус қатли ом.

Гётеда:

Сен улуснинг қатлин тутмишсан.

Навоий:

Қасратидин даштни тутғон қотил
Қон ила шингарфдин оқизди Нил.

Гёте:

Эътиқоди бутун авомга
Минг хил азоб ёвуз лашкардан.

Юқорида эслатилган саккизинчи ҳикоятнинг иккинчи қисмида севишган бир йигит ва қизнинг ўлим талашаётгани ҳақида хабар эшитилади. Ошиқ-маъшуқларнинг бу ҳаракати боиси ҳар қайсиси севгилиси ўзидан бир лаҳза бўлса ҳам ортиқ яшасин учун жаллод қиличига биринчи бўлиб бош тутишга шошилаётганини англаган мустабид уларни озод этади ва халқни қирғин қилишни ҳам тўхтатади.

Шу тариқа Навоий чин муҳаббат олдида ўлим беписанд бир нарса эканини, вафонинг қудрати ҳар қандай ёвузликдан ғолиб чиқажагини юксак оптимистик руҳ билан тараннум этади.

Гётенинг «Зулайҳога» шеъри эса шундай якунланади:

Эзар экан жабр, салотин,
Шан кунлар ҳам бўлғай зиёда.
Этмаганму Темурнинг забтин
Собитбардош жонлар афтода?

(Бу ва бошқа мисоллар Гёте асарининг кўрсатилган немисча нашридан таржима этилди).

Гётенинг Зулайҳога мурожаатидаги бундай оптимистик якун Навоийдаги ўлим талашаётган собитбардош жонлар — ошиқ ва маъшуқага қаратилган тасаллидек туюлади.

Шундай қилиб, келтирилган далиллардан, Ҳофиз ва ундан илҳомланган ўзбек ва немис шоирлари ижодида ўзаро муайян ҳамоҳанглик, эгиз-ўхшашлик мавжудлигини уч адабиётнинг учта забардаст сиймолари қарашларининг муштараклигида кўрамиз ва бу муштараклик ҳаёт — нашъу намо-баҳрида умидвор яшашга чорловчи ғоялар тажассуми тарзида эзгулик аҳлига уч тилда сабоқ бераётган устивор бир битикдир.

Урганч

Умирбек СОТИМОВ,
филология фанлари кандидати

Зоҳиджон ОБИДОВ

БЎЛМАСА БАС

Одилликдан сўзлар баъзилар,
Жўшиб-жўшиб, гапни дўндириб.
Дилда ётган чигил ёзилар,
Қойил деймиз тинглаб ўлтириб.



Ҳарорати эритади дил,
Маҳорати этгай маҳлиё.
Сўнг тарқаймиз қушдайин енгил,
Кўзга қайта яшариб дунё.

Одилликдан ёзувчилар бор,
Ҳар бир сатри қўзғар ҳаяжон.
Қаршисида фаришта бекор,
Дейсиз ҳақлик йўлига қалқон.

Сўзларида ноинсофлик фош,
Ҳар сатрига меҳру шафқат жо.
Борми дейсиз қалбида қуёш,
Мантиқига бўлганча шайдо.

Деймиз шундай бўлса ҳар киши,
Танти, одил, кўнгли ораста.
Бўлмаса бас мантиқин ниши
Фақат минбар, қат-қат қоғозда.

ЕЛҒОН



Дейсан:
— Авжинг эшитган замон,
Кўнглим сим-сим эрийди ҳар кез.
Елғон!..
Менга омад келган он,
Рангингда ранг қолмайди ҳаргиз.
Ҳа, ростдан ҳам эримоғинг бор,
Бу гапдан дил эримас, аттанг.
Эригайсан мисли совуқ қор,
Қани эди мойдай эрисанг.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

ҲАРАКАТ ҲАЁТ ДЕМАКДИР

Умуртқани қотиб қолишдан фақат фаол ҳаракат, бадантарбия сақлайди. Кишилар кўп вақт ўтиришга, ётиб дам олишга ружу қўядилар. Ҳаракат қилмаслик — умуртқаларнинг қотиб қолишига, шамоллашига олиб келади. Буни бизда «Бехтерев касаллиги» ҳам дейилади. Бу оғир дард.

Бордию столда кўп ўтиришга тўғри келса, гавда ҳолатини тез-тез ўзгартириб туриш лозим. Юришни канда қилмаслик керак. Оғир нарсаларни кўтариш, тик туриш мумкин эмас. Фақат қаттиқ ўринда, матрац остига қаттиқ нарса қўйиб ухлаш мумкин, ёстиқ кичкина ва ясси бўлиши керак.

Чўмилиш жуда фойдалидир. Пиёда юриш, чанғида сайр этиш — бу касалликдан халос бўлишда ёрдам беради. Аммо, сакраш ва югуриш, шунингдек, тез ҳаракат қилиш, тўғри-текис бўлмаган ерда қоқилиб юриш ҳам мумкин эмас. 6—8 ойда бир марта врач томонидан белгиланган муолажа курсини ўтамоқ ҳам мақбулдир. Кўп касалларни игна билан даволаш ҳам самарали бўлмоқда.

Шамоллашнинг қай ҳолатдалигига қараб врачлар дори-дармон белгилайди. Бундай касаллик билан оғриган ҳар бир бемор ревматолог шифокор назаридан четда қолмаслиги, врач чақирганда албатта қабулига бориши лозим.

Ҳаракат қилиш керак, пиёда юриш кони фойда! Кўп дардларнинг интиҳоси шамоллаш бўлса, худди шундай кўп оғир дардлар ҳаракат қилмаслик оқибатида ҳам содир бўлади. Кўпроқ юриш керак, югуриш керак.

Э. Р. АГАБАБОВА,
профессор





ИСФАНДИЕР

ИТЛАР УВ ТОРТГАНДА

ҲИКОЯ

Ҳавонинг тўсатдан айниб қолганини сезгандай, юнги яқинда олинган совлиқнинг териси титраб-қақшаб қўяди. Августнинг охирларида кунлар бирданига совиб кетди. Тунда намиққан ерга тўпиллаб тушаётган олмаларнинг тўкилиши эшитилиб турарди. Аста-секин тонг оқаришиб келаяпти. Юлдузлар сийраклашиб, боғимизни кесиб ўтган ариқчанинг суви тобора кўзга яққолроқ ташланарди.

Мен айвонда ўтириб, ҳар қанча диққат билан қулоқ солмай, биронта қушнинг чирқ этган овози эшитилмайди. Ҳолбуки, яқиндагина, ҳатто июль ойининг охирларида ҳам шу пайтларда қушлар сайроғидан қулоқ батангга келгудай бўларди.

Бугун якшанба. Дам олиш кунини ҳамма хурсандчилик билан ўтказяпти. Кимдир шаҳарга, кимдир кинога йўл олган, баъзилар дўстлар даврасида улфатчилик қилаяпти. Фақат менгина... Музика мактаби ўқитувчиси, оғайним Валеранинг ибораси билан айтганда, «авжим паст» эди...

Авжим паст бўлса бордир, хотираларим ҳам шу кайфиятга мос келади. Қайта-қайта телеграфга югурдим, Мала билан телефон орқали гаплашгим, тезроқ уйга қайтиб келишини илтижо қилгим келади... Юрагим шу қадар бетоқатки... Лекин бу орзуларим орзулигича қолаверишини тушунардим. Мала ўлақолса ишини ташлаб, қайтиб келмас. Қорақолпоғистон ГРЭСи қурувчилари ҳақида очерк ёзиш учун командировкага кетганига эндигина икки кун бўлди... Ўзимга қолса-ку, хотинимнинг бу ишига ҳеч қачон розилик бермаган бўлардим...

Йўқ... Чиндан ҳам бугун кайфиятим паст. Ҳаммасига менинг Оқтошим айбдор. Қора холлик бу кучукча икки ойлик пайтида ҳовлимизга адашиб кириб қолган, эндиликда Маланинг ғамхўрлигида ўсаётган эди.

Оёғим остида тумшуғини олдинги оёқлари устига қўйиб ётган Оқтошга қарайман-у, бир вақтлар кичикроқ район марказига практикант-журналист сифатида борганимни эслаб кетаман. Мен Донани ўша ерда учратган эдим.

Дона — оч жигарранг, паҳмоқ юнгли кучукча. У ҳовлига терилган муздай ғиштлар устида кўзларини хиёл қисганча, роҳатланиб ётарди. Июнь ойининг охирлари, кун иссиқ, шунинг учун у одатда стол тагида, тилини осилтирганча ҳарсиллаб ётарди, фақат тунда ҳовлини айланарди, уйнинг орқасига ўтар, боғда изғиб юрарди. Баъзан ярим кечада асабий вовуллаб қоларди. У ахлат тўкиладиган чуқурча атрофида ўралашиб юрадиган дайди ит билан тинимсиз «жанг» олиб борарди...

Сўнгги икки кун ичида у кундузи ҳам ўз салтанати — ҳовли, боғ бўйлаб югуриб юрадиган бўлиб қолган. Қулоқларини динг қилиб, буталар орасидан эшитилган ҳар бир шитир этган овозга ириллаб жавоб қилар эди.

Бу уйдаги ҳамма нарса: ҳовли ҳам, маймунжон экилган майдон ҳам, Дона ҳам энди менинг ихтиёримда эди.

Тўғри, мен бу ерда вақтинчалик хўжайинман, номигагина... Газетада ишлайдиган ўртоқларим, ҳар йили уйини танишларидан бирининг ихтиёрига қолдириб, ёзни ўғлиникида ўтказиш учун кетадиган Мукаррам холаникига бошлаб келган эдилар.

— Мукаррам опа, шаҳарчамизнинг энг ҳурматли аёлларидан,— тушунтирди ахборот бўлими мудирининг укаси Ҳамид. Мен практикани шу бўлимда ўташим керак эди.— Унинг ҳар бир сўзи — қонун. Ҳатто райкомнинг биринчи секретари ҳам холадан чўчиб туради. Районда ўтадиган ҳамма йиғилишларда президиумда ўтиради. Районнинг дастлабки комсомолларидан, шахсий пенсионер.

Унинг гапларига қулоқ солиб ўтириб, чўчиб қолдим. Шундай одамнинг уйида туриш қандай бўларкин... Е воз кечиб қўя қолсаммикан... Дарвоқе, ахир уйида бўлмайди-ку, деган хаёлдан сўнг яна кўнглим жойига тушди.

Кейин ҳам афсусланмадим. Мукаррам хола меҳрибонгина аёл экан. Дастурхонга таклиф қилди, мураббо қўйиб, нон ушатди, соғлиғимни, оиламни сўраб, университетда ўқиётганим учун мақтаб қўйди. «Онанг бахтли аёл экан, яхши ўғил ўстирибди», деди гап орасида. Ҳамид келишимиз сабабини тушунтирган эди, у шу заҳотиёқ розилик билдирди. Пул ҳам олмайдиган, уйни икки ой муддатга ўз ихтиёримга қолдириб кетадиган бўлди. Лекин унинг гап орасида пенсияси камлигини, неваралари олдига кетаётганини, улар эса кўпчилик эканини эслаб қолдим-да, ёнимдаги онам берган бор пулимни — саксон сўмни стол устига қўйдим.

— Икки ойга етадими?

— Қўйинг, айланай болам, қўйинг, бу қанақаси тағин... уят бўлади...— рад қила бошлади Мукаррам хола, мен ҳам «олмасиз» деб туриб олдим. Кейин хола мулойимгина жилмайди-да, бир оз ўйлаб туриб, пулга қўл чўзди.

— Ҳай, майли, болам, хафа бўлма, илоё сувдек сероб бўл, ҳамёнингдан барака аримасин. Онангинанг роҳатингни кўрсин, мартабали бўл, илоҳи омин!

Юзига фотиҳа тортди-да, уй томон пилдираб кетди. Кейин мени боққа бошлаб борди-да, помидор, райҳон, маймунжонларни қачон ва қандай суғориш кераклигини узоқ тушунтирди.

— Гулларга сувни ҳув анави девор тагидан очасан,— деди у оғир нафас олиб,— мен чарчаб қолдим, айланай, қарилик қурсин, мадор йўқ... Кўриб турибсан, дори-дармон билан жон сақлаб юрибман. Сен Тошкентда тураркансан, кетарингда мен рецепт бериб юбораман, бу ерда топиш қийин бўлган дориларни қараб боқасан. Чекка район эмасми, кўп дориларни топиш қийин, болам.

— Хола, нега мунча ўзингизни ўтга-сувга урмасангиз, жонингизга жабр қилиб...— сўз қотдим мен,— айтишларига қараганда, ўртоқлик судига ҳам аъзо эмишсиз, уй бошқармаси активида ҳам қатнашармишсиз...

— Оҳ, айланаай, болагинам-а! Сизлар ҳали ёшсизлар. Дунёга энди келаяпсизлар. Университетда ўқисанг ҳам ҳали ғўрсан. Қари билганни пари билмас... Биз аралашмасак бўладими, болам!

У аста бош чайқаб қўйди, энгашиб помидор тупини тиклади, остидаги бегона ўтни юлиб ташлади.

— Помидор узиб олиб еявер, ўғлим. Битта-битта териб олда...— давом этди ранг кириб қолган бутоғини латта билан боғлайтуриб, — ўзингникидай... бемалол... Дунёда ҳар хил одамлар бўлар экан... Шунақа одамлар борки, ер ютиб юбормаганига ҳайрон қоласан! Вақтида ҳақ гапни айтиб, кўзини очиб қўймасанг, биласанми, хоҳлаган ишини қилишдан тоймайди, жувон ўлгурлар! Ваҳминг келади баъзи ишларини кўриб! Тавба дейсан... Яқинда десанг, ёшгина бир қиз турмушга чиқди. Ота-оналари шўрлик уйга, жиҳозларига озмунча сарф-ҳаражат қилишмади. Қиз қурмагур бўлса, ўламан обло, бирга турмайман, дейди. «Биз ҳар хил одамларміз, муносиб эмасмиз!» эмиш... Мен унга: «Ўзбек қизисан-ку, ҳар ҳолда, болам, эрингни йўлга сол, лекин ажрашма, айб бўлади», дедим. Уят-да, ахир! У бўлса нуқул социалистик ахлоқдан ваъз ўқийди менга. Охири тоқатим тоқ бўлди, чидай олмадим, ваъз ўқиш мана бунақа бўлади дедим-у, шунақаям ўқиб ташладимки, қиз бечора қип-қизил шолғом бўлиб кетди... Шунақа!

Мукаррам хола қаддини ростлади. Шу чоғ у кўзимга янада салобатлироқ кўриниб кетди. Унинг қўлидаги таёққа назар ташладиму ғалати бўлиб кетдим. Менинг ҳолатимни тушунди шекилли, кулиб юборди.

— Ҳа, ўғлим, чарчадингми? Қани, юр, энди чой ичайлик. Озроқ «тўқсон беш»дан бор, ростини айтсам, нон тугаб қолибди... Келди-кетди дегандек... ўзинг биласан одатимизни!

— Мен нонга чиқиб келаман — ҳозир фойдам тегиши имконияти туғилганидан ичим ёришиб, хурсандлик билан дедим мен.

— Бора қол, болам, бора қол,— ясама тишларини ярақлатиб деди Мукаррам хола,— ёшсан, оёқларинг бақувват... Ҳозир сенга пул олиб бераман.

— Йўғ-э, холажон, қизиқмисиз,— қўлимни силкиб қўйдим,— пулим бор...

Ташқарига чиққандан кейин ҳамма пулимни Мукаррам холага бериб қўйганим эсимга тушиб қолди. Яхшиям редакция яқинигинада, бўлим мудиридан йигирма сўм қарз олиб чиқдим.

Уйга нон билан бирга бир оз ҳолва, конфет ва ҳовуч кўтариб келдим. Холанинг кетадиган пайтигача чойхўрлик қилиб ўтирдик. Ўғли юборган машинага ўтирар экан, хола мени меҳрибонлик билан қучоқлади.

— Илоё бахт ато этсин сенга, ўғлим, менга ёқиб қолдинг. Ўз фарзандларим қатори кўраман сени!

Кетар олдидан машинадан бошини чиқарди-да, қўшиб қўйди:

— Суғориб қўйиш эсингдан чиқмасин, айланай, болам. Маймунжонни терганингдан кейин устига шакар сепиб қўй. Кетишингга ўзингга мураббо пиширіб бераман. Донани оч қўйма, хўпми, болам!

Дона ўз номини эшитиб қўрқа-писа инидан бош чиқардию яна ғойиб бўлди. Машина йўлга тушгандан сўнггина югуриб чиқди-ю, думини ликиллатиб вангиллай бошлади.

— Ҳа, машинани қарғаяпсанми? — уни силамоқчи бўлгандим, мендан бир неча қадам нари қочдию Мукаррам хола кетган томонга қараб ҳурий бошлади.— Эгангни олиб кетдими, а? Ҳа, майли, куйинаверма! — овут-

моқчи бўлардим уни.— Бир амаллаб кунимизни кўрармиз! Ит бўлсанг ҳам омадли экансан, эганг кўнгилчан экан-а, Донахон, хўш, нима дединг?

Дона акилламай қўйди, менга бегонасираб қараб қўйди-ю, ҳовлиси томон пилдираб кетди. У стол ёнида турган катта чўян каравот остига кириб кетди, то эрталабга қадар ўша ерда ётди.

Эрталаб чой қўйдим-да, деразадан бошимни чиқариб, итни чақирдим.

— Ҳой, етимча, чиқақол энди, овқатланамиз!

Каравот суянчиғи орқасидан аста бошини чиқариб менга қаради. Мен унга бир бурда нон кўрсатдим:

— Ма, ол!

Дона синчковлик билан қараб қўйди. Лекин жойидан қўзғалмади.

— Ие, олмайсанми, оғайни, ё қорнинг тўқми? — ҳайрон бўлдим мен.— Ё менинг қўлимдан олгинг йўқми, чўчияпсанми?

Деразадан бошимни чиқардим-да, нонни аста ерга қўйдим. Ит қимир этмай кўзини лўқ қилиб турарди.

— Менга қара, ҳой Дона, ё тобинг йўқми, а? Хўш?

Яна бир бурда нон ушатдим-да сарёғ суриб чақирдим:

— Ма, Дона, олақол! Оббо тенташвой! Нега қўрқасан, ке, ол!

Ит тўсатдан ирғиб турди-да, думини қисганича, омбор томон йўрғалаб кетди.

— Нима бўлди сенга, ҳой!

Унинг орқасидан эргашдим. Дона омборнинг қоронғи бурчагига қисилганча, кўзларини мўлтиллатиб қараб турарди. Оёқ овозларимни эшитиб, деворга тахлаб ташланган яшиклар орқасига ўзини урди.

— Вой, тентаг-эй! — энгашиб итни чақира бошладим.

У эса бурчакка қисилганча кўзларини мўлтиллатиб, гўё қаршисида даҳшатли маҳлуқ тургандай, қўрқувдан титраб-титраб қўярди.

Бурда нонни шундоқ тумшуғи остига ташладим, у эса ҳамон қимир этмасди.

Фақат анча вақт ўтгандан кейингина Дона омбордан қўрқа-писа бош чиқарди-да, йўрғалаб бориб бурдани эҳтиёткорлик билан тишлади-да, орқага қайтди. Бир оздан сўнг чиқиб, иккинчи бурдани ҳам олиб кетди.

Шу кундан бошлаб унинг емишини ерга қўядиган бўлдим. Олдинига бир оз чўчиброқ, борабора дадилроқ келадиган бўлди у менинг ёнимга. Ҳатто у бир куни нонни қўлимдан илиб олди. Олишга олдию кўзлари бежоланиб, бўйнини қисиб қолди. Чанг босиб кетган юнгини эҳтиёткорлик билан силаб қўйдим.

— Бугун бир чўмилмайсанми-а, Дона, бу гапга нима дейсан?

Кўзларини катта-катта очиб, тушунгандай қараб турарди у менга.

— Вав!..

— Ҳа, балли, демак розисан,— хурсанд бўлиб кетдим мен.— Ишдан қайтаману иккаламиз душга тушамиз. Совун-чўтка қилиб, шундай ювинайликки, ойнага қараб ўзингни танимай қоласан. Маҳалланинг энг гўзал кучукчаси деб ном чиқарасан!

Гапирар эканман, мўлтиллаб, мендан кўзини узмай турарди у. Кўзларида қандайдир яширин хасрат чўғланиб турганини кўриб, ғалати бўлиб кетдим. Ўзимни тутиб туролмадим, бошини силаб қўйдим. Дона бир титрадию жойидан жилмади.

Кечқурун эса Малина келди.

— Руслан, бормисан, оламда?! У-ҳў, яхши жой топиб олибсан-да! Касбдошларинг хавотир олишмаса ҳам бўларкан... Жонимга тегиб кетишди, «Руслан-дан хабар ол, ҳоли нима кечаяпти экан», деб...

— Мала, қандай шамол учирди! — шошиб қолдим мен. Практикага Тошкентда қолган эди, қаердан келиб қолди экан, қандай топди мени...— Чой ичасанми? Уй эгаси қўйиб кетган озроқ тўқсон бешдан бор...

— Ичаман, ичаман,— кулиб жавоб берди Малина хотиржамлик билан ҳовлини кўздан кечирар экан.

— Мени қандай топиб келдинг? — савол устига савол ёғдирдим мен.— Э-ҳа, газетадагилар айтишган, шунақами?

— Газетадагилар,— тасдиқлади Малина каравотга чўкар экан.— Командировкага келдим. «Победа» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуллаев ҳақида очерк ёзмоқчиман... Эшитганмисан? Йўқ дейсанми? Тавба!! Сени қара-ю... Вуй, кучук... Шунақа чиройли кучугинг борми?!

Яқиндагина ювинган, юнги ялтираб совун ҳиди анқиб турган Дона шундоқ оёқларим остида ётарди. Узун-узун юнглари ҳали қуриб улгурмаганди. Малина уни силамоқчи бўлиб, қўл чўзганда, жаҳл билан ириллаб қўйди. Кейин яна мен томонга бир қараб, яна овқатланишда давом этди. Ора-сира бош кўтарар, аста ириллаб қўяр эди.

Малина келганидан ўзимда йўқ хурсанд эдим. Биринчи курсданоқ у менга ёқиб қолган эди, лекин умидсизланиб юрардим. Мана, энди...

Стол устига чойнакни келтириб қўйдим, пиёлани чайиб, тўлдириб чой қуйдим.

— Қани, чойдан ич,— пиёлани мураббо идиши ёнига қўйдим.

— Мукаррам хола, қизларни бошлаб келиб юрмасин, огоҳ бўлиб туринг, деб тайинлаб кетувдила! — кимнингдир овози эшитилди шу пайт.

Мен эсанкираб, қип-қизариб, қимирлашга мадори қолмагандай бўлиб ўтирган Малинага қарадим.

— Мен қизларни бошлаб келаётганим йўқ,— деб хириллаб жавоб қилдим девор оша кўриниб турган аёл кишининг бошини кўриб.— Университетда бирга ўқийдиган ўртоғим бу!

— Шуни айтаяпман-да, ҳеч қанақа ўрток-пўртоғини... деб тайинлаб кетувдилар.

— Нега энди холам ўзимга айтиб қўя қолмаптилар,— жаҳлим чиқа бошлади менинг.— Нима, сизни қоровул қилиб қўйиб кетдиларми?

— Сизга айтишга андиша қилибдилар... Қандай айтади? Сиз ёқиб қолибсиз у кишига. «Бари бир, Саноатхон, бир гап бўлиб юрмасин, хабардор бўлиб туринг», деб кетдилар. «Кейин хурсанд бўлади», дедилар.

— Жуда хурсанд бўлиб кетдим-да, раҳмат! Огоҳлантириб қўйганингиз учун миннатдорман! — Овозим титраб кетганини ўзим ҳам сезиб турардим. Лекин ўзимни тутиб, давом этдим.— Балки кириб, биз билан чой ичарсиз бир пиёла?

— Йўқ, раҳмат! Ҳадемай эрим ишдан қайтиши керак... Ҳар қалай, қизларни бошлаб келиб юрмаганингиз маъқул бу ерга... Хўпми?

У кетди.

Малина бошини эгиб ўтирарди. Унинг узун-узун, тим қора киприклари титраб турарди. Оғзим қуруқшаб кетди.

— Қўявер, эътибор берма, Мала...

— Қўйсанг-чи...

— Шакар сепилган маймунжон ейсанми? Анчагина териб қўйганман. Йўқ, яхшиси, асал билан чой ичамиз. Нима дединг... Уй бекасининг беш-олти баллон асали бор. Ажойиб. Йўқ, яхшиси, асал билан шакар сепилган маймунжонни қўшиб чой ичамиз. Иккаласини қўшсак зўр бўладида! Нима дединг, а кўрамизми?

Столга бир шиша банка асал олиб қўйдим-да, пиёлага шакар сепилган маймунжон тўкдим.

— Мукаррам хола «асалга тегишмасин», деб тайинловдилар...— овоз эшитилди яна девор ортидан.— Холанинг буйраги оғрийди. Асал билан даволаниши керак экан...

Девор оша тим қора кўзли қизалоқ қараб турарди.

— Нима, асални ҳам олдиндан тайинлаб кетувдими?

— Қайдам? У киши ойимга айтган эканлар, ойим менга...

— Энди мен кета қолай,— Малина ўрнидан қўзғалди.— Ўтириб қолдим. Чойни ҳам ичдик...

Менга савол назари билан қараб, Дона ҳам қўзғалиб қўйди.

— Ет, маллавой! — пўписа қилдим мен, ит яна индамайгина жойига ўтирди.

— Дона, ма!

Малина бир тўғрам колбаса олиб, итга узатди.

Дона еб турган нонини ҳам ташлаб, омборхонага кириб кетди.

— Унга нима бўлган ўзи? — ҳайрон бўлди Малина.

— Тарбияси шунақа бўлган! — зўрға дея олдим мен бўғилиб.— Менга айтишувди-я... Мукаррам холадан райкомнинг биринчи секретари ҳам чўчиб туради... деб. Бу шўрлик... бор-йўғи бир ит бўлса...

...Уҳ, жин урсин! Қаёқдаги нарсалар келмайди хаёлга... Эслаганда бадани жунжикиб кетади кишининг... Йўқ, бугун кайфиятим жойида эмас... Эҳ, Малинам, қаёқларда юрибсан ҳозир...

Юрагимнинг ҳувиллаган бўшлиғида итлар увиллаётгандай туюларди шу тонг қоронғусида...

Рус тилидан
Гулчеҳра НИШОНОВА
таржимаси



Темур Саъдуллаев чизган расм.

ХАЛҚ ҲАЁТИ КЎЗГУСИ

Маълумки, ўрта асрлар ва Яқин Шарқ халқлари адабиётлари тараққиётида муштарак, умумий илдизлар мавжуд. Бу адабий, маданий илдизларнинг минг йиллар билан ўлчанадиган тарихи бўлиб, уларда лирик поэзия юксак даражада тараққий этганлиги, бадиий проза эса нисбатан ёшлиги билан характерланади. Шарқ классик адабиёти билимдони Е. Э. Бертельс таъбири билан айтганда, жаҳон адабиётида бешинчи тарихий романчилик мактабини яратган адиб Абдулла Қодирий ўзининг дурдона асарларини ёзишда араб, турк ва Европа романчилиги тажрибаларига суянган. Айниқса, у машҳур араб ёзувчиси Журжи Зайдоннинг «Арманоса», «Рамазоннинг ўн етиси», «Қурайш гўзали», «Ҳорун ар-Рашиднинг синглиси», «Фарғона келини» каби тарихий-бадиий романларидан хабардор эди. Журжи Зайдоннинг бу асарлари араб халқлари тарихидаги энг муҳим, ҳал этувчи воқеаларни айрим қаҳрамонлар тақдири орқали бадиий тадқиқ этишга қаратилганди. У мана шу машҳур асарларини ёзишда Вальтер Скотт, Александр Дюма каби Европа романчилари тажрибасига суянган. Бир Журжи Зайдонгина эмас, Маъруф ал-Арнаут, Шақиб ал-Жобирий, Ханна Мина каби бошқа араб ёзувчиларига Шарқдаги халқ китоблари, қиссалари билан бирга, айни вақтда илғор Европа романчилиги ҳам ижодий таъсир ўтказди. Араб халқлари XX аср бошларида инглиз-француз мустамлакачилигига қарши миллий ҳаётда Уйғониш даврини бошдан кечирдилар. Бу Уйғонишда араб миллий адабиётининг ҳиссаси катта бўлди.

Араб ёзувчиларининг воқеликка фаол муносабатлари, ижтимоий ҳаётда рўй берган инқилобий ўзгаришларни ўзига хос тарзда кузатиб, бадиий идрок этишлари натижасида роман жанри шакл жиҳатидангина эмас, балки мазмунан эпик кўламни ташкил этди. Араб романчилиги тематик жиҳатидан бойиди, услубий ранг-барангликкa эришди. Бироқ, араб ёзувчилари томонидан яратилган романлар яхлит ҳолда ҳали катта миқёсдаги эпик шакл — роман талабларига жавоб бериш даражасида эмас эди. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётий ҳодисалар ва қаҳрамонлар талқинидаги айрим сунъийликлар, ортиқча тафсилотларга берилиш, ҳодисаларни деярли баён этиш ва бошқа камчиликлар ёзувчилар услуби бадиий жиҳатдан такомиллашишига мухтожлигини кўрсатса, ижтимоий-маънавий проблемаларга ёндошишдаги бирёқламалик ва юзакилик мамлакатнинг социал ва сиёсий ҳаётидаги алғов-далғовлар, ижтимоий-сиёсий муҳитнинг турғун эмаслиги билан боғлиқ эди. Шунга қарамасдан, Сурия адабиётида, хусусан, насрда мустақил шаклга эга бўлган тарихий романлар ўз даврида адабий жамоатчиликнинг диққатини жалб этган. Хусусан, ёзувчи Маъруф аль-Арнаут (1892—1948) томонидан яратилган уч томдан иборат «Курайшитйлар саййиди» (1929 йил), икки томлик «Умар ибн аль-Хаттоб», «Торик бен Заййад», ва «Фотима — бокира» романлари шулар жумласидандир. Охирги асар психологик роман жанрига мансуб бўлиб, Сурия адабиётида аёллар образини яратишга қаратилган илк роман эканлиги билан қимматлидир. Айни чоғда, бу роман ёзувчи ижодининг ғоявий-бадиий жиҳатдан ўзига хос такомилини намоён этади.

«Фотима — бокира» романида ёзувчи катта миқёсдаги эпик шакл талаб ва имкониятлари асосида аёл образини яратишга интилганлиги кўринади. Кўплаб араб ёзувчилари каби М. Арнаут ҳам эпик шакл имкониятларидан Вақт ва Макон жиҳатидан кўламдаги воқеаларни ёритишда фойдаланган. Асар қаҳрамонларининг фаолиятини, ҳодисаларни тавсифлашга асосий эътибор қаратилганлиги натижасида кўп ҳолларда ҳаётий драмаларнинг моҳиятини ёритишга ёзувчи эриша олмаган. Шунга қарамасдан, М. Арнаут ижоди ва шу даврда ижод этган араб ёзувчилари яратган асарлар XX аср бошларидаги Шарқ Уйғониш даври адабиётида катта ўринни ишғол этди. Бу адиблар ўз халқи маданий меросини улуғловчи ғояларни, тарихий шахслар образини яратиш орқали талқин этишга эришдилар, мураккаб даврнинг ижтимоий-маънавий масалаларини бадиий лавҳаларда акс эттиришга интилдилар. Айрим ёзувчилар ижодидан тарихий шахслар қаторида оддий халқ вакилларининг образлари ҳам жой олганки, бу — бадиий ижодда халқчиллик руҳининг чуқурлашганлигидан дарак беради. Тўғри, хусусан, М. Арнаут асарларидаги меҳнаткаш халқ вакилларининг образлари етакчи қаҳрамонлар даражасида талқин этилган эмас, улар иккинчи ва учинчи даражали персонажлар тарзида ҳаракат қиладилар. Ёзувчи оддий халқ ҳаётининг мураккаб томонларини фожиалар моҳиятини акс эттиришга интилмаган. Лекин, бу хусусият тарихий шахсларнинг ўша давр жамияти ҳаётидаги мавқеи билан, ўша даврнинг ғоявий-сиёсий тартиблари, ижодкорлар онгидаги, сиёсий қарашларидаги маълум чекланганликлар билан изоҳланади.

Роман талабларига тўла жавоб берадиган асарлар Сурия адабиётида 30-йиллардан бошлаб дунёга келди. Европа адабиётининг намояндалари ижодидан сабоқ олиш натижасида араб ёзувчилари ўзига хос тасвир, услуб яратишга интилдилар, воқеаларни батафсил баён этишдан чекинишга эришдилар. Хусусан, ёзувчи Шақиб ал-Жобирийнинг фаолияти мисолида ана шундай самарали изланишларни кузатиш мумкин.

Адибнинг биринчи асари 1937 йилда ёзилган бўлса, кейинги «Тақдир ҳазиллашмайди» романи иккинчи жаҳон уруши арафасида дунёга келди. 1946 йилда унинг учинчи романи, 1961 йилда эса «Алвидо, Афалия» романи китобхонларга тақдим этилди.

Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, М. Арнаут асарларидан фарқли ўлароқ Шақиб ал-Жобирий романларида воқеаларни буткул тафсилотлари билан баён этишдан кўра образлар фаолиятини тасвирлашга, асар қаҳрамонларининг руҳий дунёсидаги мураккаб кечинмалар оқимини бадиий ифода этишга интилиш кўзга ташланади. Бундай жараён Сурия романчилигида инсон образини мураккаблиги билан эпик планда гавдалантиришга бўлган интилиш чуқурлашганлигини кўрсатади. Айни пайтда,



М. И. Калинин номидаги Андижон медицина институтининг студентлари Жамила Муҳамедова ва Мўътабар Юсуфжонова.

Р. Ашуров фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси)

бундай изланиш-интилишлар реалистик тасвир принциплари асосида ғоявийлик ва бадиийликнинг яхлит бирлигини таъминлашга монелик қилган айрим сабабларни, чунончи, инсон кечинмалари, руҳияти тасвирида сентиментализм бўртиб туришини кўрсатади. Бу адибнинг ғарб адабиётидан таъсирланиши, унинг анъаналарини ўз ижодига сингдириши натижаси эди. Шунга қарамай, Ал-Жобирий романларидаги қаҳрамонлар ўзида миллий анъаналарни, миллий характер хусусиятларини акс эттириши жиҳатидан эътиборга лойиқ. Ёзувчининг «Тақдир ҳазиллашмайди» романи фикримиз далили бўлиши мумкин. Асарга қамраб олинган воқеалар асосан Европада содир бўлса-да, ёзувчи қаҳрамонлар ҳаёти тасвирига миллий руҳни сингдирган. Ташқи жиҳатдан европалик кишиларга ўхшаб кетувчи образлар кўз ўнгимизда ўз миллий маданияти ва урф-одатларини намоён этувчи бадиий типлар сифатида гавдаланадилар. Бироқ, шуниси ҳам борки, воқеалар, қаҳрамонлар тасвирида кўтаринки, романтик услуб етакчилик қилади. Бироқ муаллиф қаҳрамонларнинг тор маиший ҳаёти, интим кечинмалари тасвирига катта ўрин ажратгану, ҳаётий фожиаларни келтириб чиқарган туб сабаблар моҳиятини етарли даражада ҳаққоний ёритишга эриша олмаган.

Сурия адабиётининг кейинги ривожи 1935 йилдан чиқа бошлаган «Ат-Тама» журналининг фаолияти билан бошланди. Бу журнал шу даврларда адабиётга кириб келган ижодкорлар фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Сурия прозасида вужудга келган «янги реализм» оқими ҳам мана шу журнал теварагида тўпланган кўплаб ижодкорларни бирлаштирган эди. Улар прогрессив ғояларнинг ижодкорлари сифатида Сурия адабиётини, хусусан, романчиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Агар 20—30-йиллар Сурия романчилиги тараққиёти мамлакатда содир бўлган миллий-озодлик ҳаракатлари билан боғланган бўлса, бундай ўсиш-ўзгаришларнинг 50-йиллардан кейинги даври умуман проза тараққиёти, Сурия жамиятида демократик ғояларнинг чуқурлашуви билан боғланган. Бундан ташқари, араб тилига таржима қилинган Европа адабиётидаги реалистик романлар, рус ва совет ёзувчиларининг араб мамлакатларида босилиб чиққан асарлари ҳам прогрессив араб ёзувчилари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди. Араб адабиётида реалистик оқим мустаҳкам тарзда шаклланди. Реалистик тенденциялар Сурия романчилигида социал тенгсизликка, ишсизликка, меҳнаткашларнинг оғир ҳаётини тасвирлашга қаратилган асарларда ёрқин намоён бўлди. Эпик форманинг миқёсига монанд мазмун кўламининг чуқурлашиб бориши янги ифода воситаларини талаб этди. Бадиий ижоднинг бундай ички қонунияти, энг аввало, янги типдаги қаҳрамон образини яратиш билан боғлиқ эди. Социал мазмундаги ҳаётий проблемаларнинг бадиий талқини орқали Сурия романчилигига янги мавзулар ва қаҳрамонлар кириб келди. Ижтимоий ҳаётдаги ўз ўрни, инсоний ҳуқуқини ҳимоя қилувчи фаол курашчан қаҳрамонлар орқали ёзувчилар Сурия ҳаётида рўй бераётган катта ўзгаришларни, социал кураш руҳини ифода этдилар.

1946 йилда Сурия халқининг француз ва инглиз босқинчиларига қарши мустақиллик учун олиб борган курашлари ғалаба билан якунланди. Мустақилликнинг қўлга киритилиши миллий маданият ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Адабиётга кўплаб ёш адиблар кириб келдилар. Улар томонидан 1951 йили прогрессив Сурия ёзувчилари лигаси ташкил этилди. Бу лигага Мавоҳиб ал-Каями, Ханна Мина, Васфи ал-Бунни, Саид Хаурония, Хасиб ал-Каями, Одил Абу Шанаб, Фотих ал-Мударис ва бошқалар бирлашдилар. Реализм бу ижодкорларнинг асосий ижодий методига айланди.

1950 йиллар охири ва 1960 йилларда Сурия адабиётида икки йўналиш вужудга келди: биринчиси — Сурия ёзувчилар лигасига аъзо бўлган ёзувчиларнинг ижодий методини давом эттирувчи йўналиш бўлса, иккинчиси — маиший-психологик мавзуда ижод этувчи ёзувчиларнинг услубий йўналишидан иборат эди. 1954 йилда Ханна Минанинг ижтимоий қамровли «Кўк чироқлар» повести босилиб чиқди. 1958 йилда эса ёзувчининг иккинчи йирик асари «Ёлкан ва бўрон» романи дунёга келди. Ҳар икки романда Суриянинг порт шаҳри Латакияда меҳнаткаш халқнинг француз ва инглиз босқинчиларига қарши мустақиллик учун олиб борган кураши акс эттирилган.

70-йиллар Сурия адабиётида социалистик ғояларни бадиий ёритувчи романлар пайдо бўлди. Уларда ёзувчилар социал проблемалар билан бир қаторда шаҳар ва қишлоқ ҳаётининг маънавий жабҳалари, социал тенгсизлик моҳиятини ёритишга интилдилар. Ана шундай адиблардан Хайри аз-Заҳаб, Аҳмад Юсуф Дауд, Набил Сулаймон, Абд ал-Азиз Ҳилолий томонидан битилган романларда айниқса хотинқизлар образи талқинидаги янгилик кўзга ташланади.

Сурия адабиёти каби роман тараққиёти ҳам маҳкур мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан узвий боғлиқликда ўсиш-ўзгаришлар поғонасидан ўтди, ғоявий-бадиий жиҳатдан бойиди, услубий хилма-хилликка эришди. Катта миқёсдаги эпик шакл, янги салмоқдор мазмун билан бойиди. Бироқ, Сурия романчилиги самарали натижалар, баркамол асарлар ҳисобига ўз тараққиётининг юксак босқичига эришди, деб айтиш мушкул. Кўплаб араб романлари хилма-хил оқимлар, хусусан, модернизмнинг таъсири остида яратилди, талай ёзувчилар ижодидан изчил реализм мустаҳкам ўрин олмади. Айнан ана шундай мураккаб жиҳатларни қамраб олиши билан араб романчилигининг тараққиёти хусусиятлари чуқур тадқиқни талаб этади.

Абдулҳай АБДУЛЛАЕВ,
ТошДУ Шарқ факультети
ўқитувчиси

МАСАЛЛАР

Ямин ҚУРБОН

БУРГУТ

Овчи ёнбошлади қиру ўр кезиб,
Чарчоқ елкасидан ҳирс каби эзиб.
Ташлаб Бургутига ўлжадан бирин,
Мудрай бошлади у олмоқ бўлиб тин.
Бора-бора кўзи илинди унинг,
Терчираб манглайи тушгандек шудринг.
Бургути эса денг боқиб ҳар томон,
Қошида турди тик мисоли посбон.
Очсаки кўзини Овчи бир маҳал,
Бир Илон келарди тикланиб дангал!
Илонки, кўзлари ёниқ шамдайин,
Минг бир жон нафсига гўё камдайин.
Илонга ташланди Бургут шу асно,
Қинидан Овчи тиғ суғургунча то,
Саратон эди нақ, аёзланди у,
Олиб чангалига парвозланди у.
Қийноқдан бўғзига тиқилса-да жон,
Селпиниб бўйнига ўралди Илон.
Жанг газак олди кўк оғушида, о,
Гоҳ унга, гоҳ бунга ёприлиб бало.
Оқибат тушдилар икковлон шўнғиб,
Бири пораланиб, бири бўғилиб.
Қарасаки Овчи, иккови ўлган.
Юрагида бирдан ловуллаб гулхан,
Еқиб ташлади бот Илон жасадин.
Сўнг хотирлаб Бургут фазилатларин,
Кўмди тепаликка рўмолга ўраб,
Меҳрибон жигари ўлгандек ўкраб:
«Ў-ў, бўлса қанийди, тоғ эди кўксим,
Улус орасида сенингдек дўстим!»

ХАРСАНГ

Билмам, таг-тагидан кетганмикан дарз,
Узилди чўққидан улкан бир Харсанг
Дов чинор тўнкаси қўпорилган тарз.
Харсанг юналанди, кўтарилди чанг.
Бир маҳал кўриб у қояда ўзин,
Денгиз тўлқинидек шивирлади шод:
«Хайрият, бермишлар юқори ўрин;
Униси қанд эди, буниси новвот!»

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

Халилжон тутади доғлангандек мой,
Ўзини қўярга тополмайин жой.
Ахир, қай ишқибоз чекмас эмиш дард
Зотдор жўжаларин қийратса Калхат!
Банд этгач оқибат қўйиб пистирма,
Оҳ урди, қийқирди Калхат питирлаб.
Питирлади гўё сўрагандек эрк,
Қўйгандек ножўя ишларига чек.
Сал ўтмай жим бўлди мўлтираб ювош,
Қалқиб кўзларида ҳаяжондан ёш,
Бу ҳол юмшатдими Халилжон кўнглин,
Имони бермади жазога ўрин.
Панд ўрнида юлиб уч-тўрт патини,
Қўйиб юборди у шу он бандини.
Аммо Калхатга бу бўлмадими дарс,
Жўжа гўштига боз кучайди ҳавас.
Узини тиювга етмайин кучи,
Ов қилмоқ туюлди виждоний бурчи.
Жўжаларда яна йўқолгач ором,
Қўйилди шум қадам йўлларига дом.
Домга Калхатимиз яна илинди,
Карам хайф экани яққол билинди.
Тирноғу тумшуғи қирқилиб шарт-шарт,
Сим ила боғланди қилинмай шафқат.
Сўнг узун айрига осиб қўйилди,
Қилмиши тагига ёзиб қўйилди.
Бу манзара, билмам, бўлдими сабоқ,
Асло доримади қанотли саёқ.

* * *

Қилтаноқ уруғи, англангиз, донмас,
Ўрганган кўнгил ўт ичра ҳам ёнмас.
Дерларким, букрини тузатур лаҳад,
Аяш ғўрликдир ким тимсоли Калхат.

ҚАЛАМ ВА ҚОҒОЗ

Бир куни Қаламга нолиди Қоғоз:
«Эҳ, доим шоирга ардоғу эъзоз!!
Ахир, биз туну кун тўкадирмиз тер,
Ахир, биз бўлмасак, туғиларми шеър!!
Алам қилмасми, эҳ, ботмасми оғир,
Биз қолиб, лаганга солинса шоир!!»
«О, ичимдагини айтдингиз, балли,
Тилга олишмайди бизни ақалли».
«Ана шунисига доғман-да, иним,
Шуми-а қадримиз ишлаб бетиним!»

Ғўр ношир шуларга ўхшайди айнан,
Шоирлар усиз нақ жондан жудо тан.

Тошкент



ТЎҚСОН КУН ЖОН ТАЛАШИБ...

МАҚОЛАСИ ЖУРНАЛХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

Журналимизнинг ўтган йил 10-сонида босилган мазкур мақола ўқувчиларимизда катта қизиқиш уйғотди. Редакциямизга келган хатларда тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги муаммолар, жойлардаги тиббий муассасаларда беморларга ёрдам кўрсатиш соҳасидаги камчиликлар, баъзан эса муқаддас қасамёдга хиёнат қилаётган врачларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Менинг дадам Умаркул Олимов Жиззах районидаги Лермонтов номли 23-ўрта мактабда ўқитувчилик қиларди,— деб куюниб ёзади Шаҳло Олимова.— 1987 йилнинг 8 декабрь куни эрталаб у кишининг тоби бўлмай қолди. Қўшнимизнинг енгил машинасида область касалхонасига олиб бордик. У ердаги Улуғбек исмли навбатчи врач (афсуски, фамилиясини билмайман) дадамнинг қон босимини ўлчади ва «юқори экан» деб бир укол қилди. Шундан сўнг: «Бизда ётқизишга жой йўқ, ўзингиз яшайдиган жойдаги амбулаторияга қатнатиб даволатинглар», деб бизларни жўнатиб юборди. Ўшанда дадам: «Ука, ўлиб қоламанми деб қўрқаяпман. Бошим жуда қаттиқ оғрияпти», дея илтижо қилди. Врач эса оғир аҳволдаги дадамни касалхонада олиб қолмади. Ноилож, дадамни қайтариб уйга олиб келдик. Афғонистонда хизмат қилиб, энди қайтган укам «Тез ёрдам»ни чақиргани кетди. «Тез ёрдам» машинаси дадам жон бергандан сўнг, орадан тахминан 2 соатлар ўтгандан кейин келди... Биз ёш фарзандлар 54 ёшли меҳрибон дадамиздан бевақт жудо бўлиб қолдик. Ўшанда врач Улуғбек бемор дадамга меҳрибонлик кўрсатиб, касалхонада олиб қолганида, эҳтимол, ўлим фожиаси юз бермасмиди? Етим қолган биз фарзандлар армон ва пушаймон билан яшаяпмиз. Ўша тошмеҳр врач эса бамайлихотир ишлаб юрибди».

Мана, кўриб турибсиз. Жиззах область касалхонасида ўша куни навбатчилик қилган врач беморни касалхонада олиб қолиб, унга зудлик билан кучайтирилган ҳолда тиббий ёрдам кўрсатганида, дардманд бевосита врачлар назоратида бўлганида, фожиа юз бермаслиги мумкин эди.

«Гулистон» журналининг мазкур сони қўлимизга етиб келганида биз бир гуруҳ беморлар Андижон шаҳридаги онкология диспансерида даволанаётган эдик,— дея ўз фикрини баён қилади Абдуқаюм Таниқов.— Журнални қўлма-қўл олиб, ундаги «Тўқсон кун жон талашиб...» деган мақолани ўқиб чиқдик. Ёш Маҳфузани оғир дарддан фориғ этишда чинакам меҳрибонлик, айни вақтда чидам-матонат кўрсатган Тамара Алиева, Ҳамида Қозоқбоевалар сингари садоқатли шифокорларга ҳар қанча раҳматлар айтсак арзийди. Биз дардмандлар беморнинг ёнида турган ҳар бир врачнинг ўз бурчига ана шундай содиқ бўлишини истардик».

Тожикистон ССРнинг Конибодом шаҳрида яшовчи У. Жўрабекова эса ўз мактубида қуйидаги фикрларни билдирган: «Дард билан касалхонага тушган ҳар бир бемор у ердаги врачларга, ҳамшираларга жуда катта умид билан қарайди. Ҳар дақиқада улардан нажот кутади. Агар врач, ҳамшира дардманднинг дардига тўла шерик бўлолса, унга жонкуярлик, меҳрибонлик қилса, бу — ўша дардманднинг бахти. Лекин, ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Мен мақолани ўқиганимда, палата шифтига тикилиб, каравотга ипсиз боғланиб ётган кунларим бирма-бир кўз олдимдан ўтди. Мен тўқсон кун шифокорлар билан биргаликда яшаш учун жон талашган, эндиликда бахтиёр, Қашқадарё область Китоб район Свердлов номли колхозда яшаётган ўша Маҳфуза Холматовага хат ёзиб, у билан дўстлашиш истагидаман...»

Журналхонлардан келган бошқа кўпгина хатларда ҳам тиббиёт ходимлари олдига жиддий талаблар қўйилган, қатор мактубларда эса улар шаънига нисбатан жиддий эътирозлар, ҳақли танқидлар билдирилган.

Халқимиз тиббиёт ходимининг касби ва бурчининг мўътабарлигини инобатга олиб, уни эъзозлаб, «шифокор» деб атайди. Шифокор! Рамзий маънодаги бу ифода замирида жуда кенг маъно ётади. Шифокор деган эзгу номни оқлаш учун, аввало, ўша тиббиёт ходимининг (хоҳ у врач, хоҳ ҳамшира бўлсин) қалби устидаги оқ халатдек пок бўлиши лозим. У ҳамма вақт, ҳар қандай шароитда ўзи жамоатчилик олдида қабул қилган муқаддас қасамёдга содиқ қолиши керак. Афсуски, бир қатор хатларда врачлар ва ҳамширалар орасида тамагирлар борлиги, улар палата тўшагида ётган беморга нисбатан уйдан келадиганларининг «муомаласи»га, очиқ-ороғи, қўлига қараб муносабатда бўлаётганлиги, баъзи ҳолларда эса операция учун «нарх» белгиланаётганлиги ҳақида таассуф билан ёзадилар.

Маълумки, жамиятимизни демократия ва ошкоралик талаблари асосида турғунлик даври иллатларидан поклаш учун жиддий кураш бормоқда. Ана шундай масъулиятли жараёнда ҳар бир тиббиёт муассасасининг коллективи, ундаги жамоат ташкилотлари мавжуд нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрмоқлари, ўз ишларини қайта қурмоқлари лозим. Тамагирлик бор жойда ШИФОКОРЛИК деган номга иснод келишини чуқур ҳис қилишимиз керак.

Ахир, шифокорлар учун дардманд, иложсиз кишига холис, доғсиз кўл, пок виждон билан хизмат қилиб, элда топган эътибордан ортиқ бахт борми!?

Фан ва маданият бўлими

АКТЁР БЎЛДИ...

Қўшработ атрофи тоғлар билан ўралган. Қора ва Оқ тоғлари узоқ-узоқларга чўзилган. Айниқса чўққилари кўкка туташ Бахил тоғининг чиройи ўзгача. Баҳор ойларида унинг ёнбағирлари бинафша, гуллола каби минг дардга даво ранг-баранг гиёҳлар билан қопланади. Тошлар орасидан сизиб чиқувчи булоқларнинг шифобахш сувлари одамларга дармон бахш этади.

Қора тоғ қўйнида бир сўлим қишлоқ бор. Уни Қоратош дейишади. Ўта бобо худди шу қишлоқда яшарди. Уни Жуманбулбулнинг шогирди дейишарди. Халқ йиғинлари, тўй-маъракаларда Ўта бобо қўлига тақсимча олиб, наво қиларди.

Бобонинг икки ўғли Нурмамат ва Нуриддин ҳам оталаридан қўшиқ тинглаб, достонлардан парчалар куйлаб улғайдилар. Аммо турмушдаги моддий етишмовчиликлар уларни дала ишларига боғлаб қўйди.

Нуриддин Иштихон районидаги «Меҳнат — роҳат» колхозида узоқ йиллар донг чиқариб ишлади. Пахтакорлар тушлик, пайтлари унга қўшиқ айттирардилар. «Каттақўрғонга борсам, театрга ишга кирсам», — уларнинг олқишу мақтовларидан кўнгли ўсиб ўйларди Нуриддин ўзича.

Ниҳоят, бир куни юрак ютиб театрга кириб борди. Директорни излаб топди.

— Мени ишга қабул қилсангиз, — деди. — Қанақа иш бўлса ҳам рози эдим.

— Майли, — мийиғида кулди директор. — Аммо театрда майда-чуйда ишларда умрни ўтказгандан, далада тоза ҳавода ишлаб юрган яхши эмасми?

Нуриддин бир нарса демади. Театрда ишлаш уни руҳлантириб юборганди. Елиб-югуриб хизмат қиларкан, хиргойисини ҳам қўймасди. Унинг сершира овозини эшитган театр хонандалари қўшиқ айттириб кўрдилар, сўнгра сафларига қўшиб олдилар. Шундай қилиб, у Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар театрининг хонандаси сифатида фаолият кўрсата бошлади. Икки йилдан сўнг эса Каттақўрғондаги ўзбек давлат драма театрига ишга қабул қилинди. Саҳнада Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги салбий образ Солиҳбой ролини ижро этди. Спектакль сўнгида томошабинлар уни олқишларга кўмишди. Шу-шу театр коллективи унга масъулиятли ролларни ишониб топширадиган бўлишди.

Эндиликда турмуш ўртоғи Ширин Мусаева билан ҳамкорликда спектакллардаги ижобий ҳам салбий образларни маҳорат билан ижро этиб келишмоқда. Яздон Худойқуловнинг «Гулнома» драмасида томошабинлар бу икки актёрни чолу кампирлар қиёфасида кўрадилар.

Нуриддин Ўтаев саҳнада Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» пьесасида хизматкор, А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» пьесасида Сотиболди, Уйғуннинг «Парвона» пьесасида Ўткурий, «Зебунисо»да Бузрукхўжа эшон, Раҳимжон Сатторовнинг «Тундаги фожиа» пьесасида маҳалла оқсоқоли каби элликдан ортиқ ролларда намоён бўлдики, уларнинг ҳар бири ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайди. «Оловли йўллар» кўп серияли телевизион бадиий фильмида уни 13-сериядаги Комил ролида кўрасиз.

Шундай, Нуриддин Ўтаев колхозчи эди, аммо актёр сифатида танилди. У санъат сирларини махсус олий таълим даргоҳида ўрганмади. Қўшработ тоғларининг, Қоратош қишлоғининг таровати, танти одамларининг табиати унга бу истеъдодни бахш этди.

Абдулла РЎЗИЕВ

Каттақўрғон

«ТЕГИРМОН НАВБАТИ БИЛАН»

Редакция почтасидан

...Арик тўла сув новга қуйилиб, шиддат билан пастга отилади. Бу шиддатли куч арча ёғочидан ясалган парракни чириллатиб айлантиради. Паррак эса, тегирмонтошига пайванд қилинган. Топишмоқда айтилганидай: «Томда қоплон гулдураб» юборади. Тегирмонтоши ўзига тегиб турган илмоқли таёқчани тебратиб, ҳаракатга келтиради. Илмоқча эса донга тўлиб турган ёғоч «ховучча»ни... Дўлдан «ховучча»га, «ховучча»дан икки тош орасига бир маромда дон қуйилади. Ғалла янчилади, хамфадан хушбўй ҳид аралаш гард кўтарилади. Тош айланаверади, ун чиқаверади... Унни лаппак билан сидириб, қопни тўлдираверасиз. Мана, сизга тегирмон қўшиғи.

Эҳ-ҳе, бу тошлар қанча айланмади, қанча сувлар оқмади? «Тегирмон навбати билан», деган мақоллар тўқилди.

Бироқ нима ҳам бўлдию, «Гулистон» журналининг 1988 йил 6-сонидаги «Тегирмон ортиқча юкми» сарлавҳали мақолада айтилганидек, одамлар тегирмонга кам қатнов бўлиб қолдилар. Тегирмонлар ҳафталаб, ойлаб юрмади. Сувсизликдан ёғоч, нов, парраклар бузилиб, қуруқшай бошлади. Шундай қаро кун ҳам келди; тегирмон тошлари қўпориб ташланди, парраклари ўтин қилиб ёқиб юборилди. Тегирмоннинг томлари нуради, бузилиб кетди.

Ҳаёт чолғулари аро тегирмон бурғусининг овози эшитилмай қолгач, бу йўқотишни кексалар кўпроқ сеза бошладилар. Қўйтошда бўлганимда, саврукли бир мўйсафид арз қилди:

— Мухбир ўғлим, биз тегирмондан ҳеч бир ёмонлик кўрмаганимизни бир ёзсанг бўлмайдими?! Тирикчилигимиз бир умр шу билан ўтди. Нега ҳамма тегирмонларимизни бузиб ташлашди. Ақалли биттасини ҳам қолдиришмади буларинг...

Таъналаш дашномларга тўла, айни замон бу ҳаққоний талаб кишини ўйлатиб қўяди. Отахоннинг сўзига қараганда, Саврук қишлоғининг ўзида бундан 10—15 йиллар муқаддам 8 та тегирмон мавжуд бўлган. Бутун авлоди тегирмончи ўтган Ўтал Шакар исмли уста экан. Қўлидан эртадан то кечгача чўкич, теша тушмас, у ясаган тегирмонлар уруш йилларида халқнинг кунига бакор келган. Ғалла ўрнига исмалоқнинг дони тортилган кунлар ҳам одамларнинг эсида. Очликдан гезарган лаблар тегирмоннинг гардини ялашган. Ўтал тегирмончи уларга тик боқолмаган, қўлидан келса, марҳаматини дариғ тутмаган.

Мавзудан узоқлашмайлик. Отахоннинг сўзи таъсир қилиб, бундан 5—6 йил муқаддам Ғалларорол райони раҳбарларидан бирининг қабулхонасига кириб, фикримни айтдим.

— Озиқ-овқат программаси амалга оширилаётган шу кунларда тегирмон ҳам иш берарди,— қувватлади раҳбар.— Яқинда район қишлоқ хўжалик ходимлари қурултойида шу фикрларни айтамиз. Иложи бўлса, ҳар бир қишлоқда биттадан тегирмон қурдиришга ҳаракат қиламиз.

Бекорга қувонган эканман, турғунлик йилларидаги ваъда пуч бўлиб чиқди.

Сир эмас, район хўжаликлари ишчиларга ҳақ сифатида ғалла ҳам беришаяпти, чиқинди ем сотишаяпти. Мана шу озуқани қайта ишлашда тегирмон ҳаво билан сувдай зарур. Бундан ташқари, аҳоли томорқаларига маккажўхори, оқ жўхори сингари экинлар экиб, донини олишаяпти. Уларга ҳам тегирмон керак.

— Бизнинг қишлоғимиздаги тегирмон тўхтаган эмас,— дейди кўзлари қувончдан чақнаб Ғафур Ғулом номидаги совхознинг бўлим бошқарувчиси Уммат Қаршиев.— Бу, нон исрофгарчилигининг олдини олади. Молига, итига нон бераётганлар йўқми? Матбуотда ўқиб турибсиз, бу нонкўрлик! Чиқинди емни тегирмонда тортиб олса, ҳаммасига озиқ бўлади. Қўлимиздаги тайёр бойликни совуришимиз яхши эмас!

Тегирмон — бойлик, «Тегирмони бор қишлоқда барака бор», дейди кексалар. Яқинда «Октябрь 60 йиллиги» совхозида бўлдим. Моргузар қишлоғи аҳолиси тегирмонни ишга тушириш учун ҳаракат қилишаяпти.

— Э, ўғлим, тегирмон ясайдиган усталар деярли топилмайди,— дейдилар афсус-надомат билан Хидир бобо ва Иброҳим уста.— Мана, биз тегирмонни ишга тушириш учун уриниб ётибмиз, бошқа қишлоқлар қандай қилади. Бунинг парраги арча дарахтидан ясалади, тошини Бухоронинг Кармана деган жойидан олиб келиш керак. Осон эмас, лекин саховат учун қилиш керак. Бизни ҳамон бир нарса қийнайди, қўлимиздан ишни оладиган шогирд қани?!

— Москвада украиналик ҳамкасбим: «Сизларда тегирмон борми?» деб сўраганда, тўғриси уялиб кетдим,— деди бир суҳбатда Карл Маркс номидаги совхоз бошчўпони, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегати Райим Зубайдуллаев. — Уларда тегирмонда ун тортиб олиш билан бирга квас ҳам тайёрланар экан. Йўловчилар учун энг яхши қўналға тегирмон экан. Бизда тегирмонларга эътибор йўқ, тегирмонда тортилган унининг патирини сариёққа булаб есангиз, қани! Утарни қўриқлайдиган кўппакларга арпа унидан кўмма, ҳолсиз совлиқларга атала зарур, яъни тегирмон керак!

Кўпинча чорвачилик фермаларига борганимизда, озуқа цехлари ишламай турганининг, моллар эса емсиз қолганининг гувоҳи бўламиз. Ана шундай пайтларда кечаю кундуз тўхтамайдиган, электр қуввати талаб қилмайдиган, кони фойда тегирмон қадри ўтади. Ахир, у ҳам бизнинг тарихий ёдгорликларимиз каби қадрли-ку! Уларни йўқотиш эмас, муҳофазага олишимиз керак! Биттагина тегирмон эмас, мойжувоз, обижувозларимиз ҳам унутилмасин. Бор нарсаларни асраш, уларни бугунги ва келажак авлодларга мерос қилиб қолдириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлсин!

Назаримда, замонавий тегирмон кооператив — ширкатлар ташкил этиш, тегирмон ҳузурида патирлар ёпиш цехи очиш, чойхона ва йўловчи-меҳмонлар учун қўналға қуриш мақсадга мувофиқ. Шундай қилинса, тезроқ оммавийлашади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси

Ғаллаорол

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

БИРИНЧИ ЁРДАМ

Куйиш ҳоллари олов билан, иссиқ нарсалар, қайнаётган суюқликлар ҳамда кимёвий суюқликлар билан нотўғри муносабатда бўлиш оқибатида содир бўлади. Агар биринчи ёрдам тўғри кўрсатилса, касаллик тез ўтиб кетади.

Агарда танага иссиқ сув, олов, қизиб турган ёғ, эритилган металл тасодифан тўкилиб кетса, термик куйиш рўй беради. Оғриқни камайтириш мақсадида куйган қўлни ёки оёқни тезда совуқ сувга оғриқ қолгунича тиқиб туриш керак. Агар куйиш ҳолати биринчи босқичда бўлса (бу ҳолатда тери фақат қизаради) куйган жойга атир ёки спирт суртиш кифоя қилади. Устини бинт билан боғламаса ҳам бўлади. Куйган жойни бир кунда бир неча марта «Левиан», «Винизоль», «Оксициклозоль», «Пантенол» номли махсус аэрозоллар билан даволаш мумкин. Бу аэрозоллар дорихоналарда рецептсиз берилади.

Агар куйиш ҳолати иккинчи босқичда (бу ҳолатда пуфакчалар бўлиб, уларнинг баъзилари ёрилади, натижада терининг устки қисми зарарланади) спирт билан артишнинг ҳожати йўқ, чунки бундай қилиш қаттиқ оғритади. Пуфакчаларни кесиш керак эмас: улар куйган жойга микроблар тушишдан сақлайди. Куйган жойни стерильний боғич (стерильний бинт ёки дазмолланган материал) билан боғлаш керак.

Кўп ҳолларда куйган жойни ёг билан, зеленка билан, қуюқ марганцовка суюқлиги билан артишади. Бундай қилиш ҳеч қандай енгиллик бермайди. Балки врачга куйиш ҳолатининг босқичини аниқлашда қийинлик туғдиради.

Енаётган киши устидаги кийим-кечаги билан ўзини ҳар ёққа уради, бунинг натижасида олов янада авж олади. Енаётган одамнинг устидаги кийимларини ечиб ташланг ёки бошидан бирор нарсада сув қуйинг, қишда қорга ишқалаш лозим.

Агар ён-веригизда сув бўлмаса, беморнинг устига одеял ёки қаттиқ материал ташланг. Едингизда тутингки, юқори ҳароратда ёнаётган одамни боши билан ўрамаслик керак.

Оловни ўчиргач, тезда кийимларини ечинг. Куйган жойларга 15—20 минут давомида сув қуйиб туринг, сўнг ўша жойга дазмолланган сочиқ, дастурхон, оқ сурп боғланг, 1—2 дона анальгин ёки амидопирин таблеткасидан ичиринг. «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилинг ёки касалхонага олиб боринг.

Л. П. ЛОГИНОВ,
врач

Кейинги йилларда марҳумлар ҳақида, уларнинг номларини абадийлаштириш, қабристонларни тартибга келтириш, аждодлар меросига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, қадимий расм-русмларга оқилона ёндашиш хусусида анчагина ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимизда бир нақл бор: токи марҳумлар ёдланмас экан, тирикларнинг қадри бўлмагай. Очиғини айтганда, бундан учтўрт йил аввал қабристонлар назардан четда эди. Бу ҳам етмагандай, қарийб минг йиллик тарихи бўлган халқимизнинг энг яхши расм-русмлари кейинги вақтларда баъзан билиб-билмай қораланди. Янгича одат деб турли маромига етмаган фикрлар ҳали ҳаёт синовларидан ўтмай турмушга татбиқ этилди. Аммо, улар турмушнинг қарама-қаршиликларига дош беролмади, яшай олмади.

Қадимдан фарзандларимиз тарбиясида марҳумлар ёди, уларнинг эл-юрт фаровонлиги, тинчлиги, бахт-саодати йўлида қилган эзгу ишлари ибратидан фойдаланиш муқаддас удум бўлган. Ана шу тариқа келажак авлодда халққа, она-Ватанга муҳаббат ҳислари тарбияланиб, садоқати шаклланган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1985 йил 25 июлда чиқарган «Хотира кунини белгилаш тўғрисида»ги фармонини халқимиз яхши кутиб олди. Маънавиятимиздаги баъзи камчиликларимиз тўлгандай бўлди. Сергак тортдик.

Биз партия билан халқ бирлиги эгизак ва абадий, деймиз. Чиндан ҳам шундай. Бироқ, шуни ошкора айтиш керакки, бундан бир неча йил аввал ўлим содир бўлган хонадонга коммунистларнинг таъзия изҳор этиб боришига бошқача қарашлар ҳам бўлди. Ва бу қисқа муддатда оммага ўз таъсирини ўтказиб кетди. Аслида бундай «қарашлар» нотўғри эди.

Беихтиёр хаёллар оғушига ғарқ бўласан. Ўзинг яхши билган, яқиндан таниган қариндош-уруғларни, марҳум ёру биродарларни кўз олдингга келтирасан. Улар ўзларининг одамийлиги, саховатпешалиги билан сенинг хотирангда қолибди, унутмабсан, хўш, сен ўзинг қандай одамсан? Эл-юртга нафинг тегдими? Сендан олдин ўтганларнинг ҳурматини жойига келтирдингми, уларнинг тугалланмай қолган ишларини ниҳоясига етказдингми?

Имонни ва виждонни ўртага қўйиб, ҳозиргина ўзинг ўртага ташлаган саволларга жавоб ахтарасан. Агарда бирор хайрли иш қилган, кимнингдир узоғини яқин, кимнингдир оғирини енгил этган, кимнингдир чироғини ёққан бўлсанг ёинки ота-онанг, яқинларингни хотирлаб турган бўлсанг, қабрларини тартибга келтириб, зиёрат қилган бўлсанг, дилинг ҳам равшан тортади. Маҳалла-кўй олдида юзинг шувут бўлмай, чеҳранг очиқ бўлади. Бу ҳақда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ва масалалар борки, буларни ечмай туриб, жамиятнинг етук граждани бўлиш қийин.

АЁЛЛАР НЕГА СЎНГГИ ВИДОЛАШУВГА БОРМАЙДИЛАР?

Она тонгга яқин ҳаётдан кўз юмди. Маҳалла-кўй тўпланди. Катта-кичик Лобар холанинг дафн маросимини ўтказишга шошилдилар. Марҳумани «жойига» қўйиш пайтида одамлар: «Ҳеч бўлмаса, ёлғиз қизи Азизахон келсин, у шўрлик онаизорининг дийдорини кўриб қолсин!» дейишларига қулоқ солмадилар. Марҳумани мақтал қилиш ярамайди, деб таомилга кўра ювиб-тараб қабристонга йўл олишди. «Онасининг қаттиқ бетоблигидан» хабар топган фарзанди зудлик билан Андижонга учиб келди. Учиб келдию, бироз кечикди.

— Онагинам, жоним онажоним, қизингизни кечиринг, наҳотки, кеч қолдим, — деб оламни бошига кўтарди... Азиза не аҳволда қабристонга етиб борди. Унинг йўлини тўсдилар. «Мумкин эмас, борма, қизим. Дафн пайтида аёлларнинг бориши қатъий таъқиқланган!» — деган гапларга ҳам парво қилмади.

— Онагинамнинг юзини кўрсатинглар, сўнгги марта дийдорига тўяй, — деб нола чекди у. Аммо, ҳеч ким парво қилмади.

Маҳалла оқсоқолларидан бири қизга яқин келиб: «Ўргилай қизим, кеч қолдинг, энди марҳуманинг юзини очиб бўлмайди. Сени кўп кутдик. Дафн пайтида аёлларнинг қабристонга келиши таъқиқланганини биласанми?» — деди.

Азиза қанча нолаю фарёд этмасин уни тобут ёнига ҳам яқинлаштирмадилар. Унинг фарёди бутун қабристонни тутди. Гўрмаҳрам марҳумани қабрга олиб кириб қўйди...

Ўксик Азиза қабристондан армон билан қайтиб келди. Шундай қилиб, қиз онаси билан видолаша олмади.

Бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўрилмаган экан. Хўш, бу бидъат қаердан чиқди? Дафн пайтида аёлларнинг қабристонга бориши нима учун мумкин эмас? Биз ана шу саволлар билан кўплаб қўлёзма манбалару адабиётларга мурожаат қилдик, мутахассислар билан учрашиб, суҳбатлашдик.

Маълум бўлишича, бу бидъат ҳеч бир китобда, ҳатто «Қуръон»да ҳам айтилган эмас. Буни фақат айрим хурофотчиларгина ўйлаб чиқаришган. Бундан мақсад аёлларни, биринчидан, камситиш бўлса, иккинчидан, уларни ичкарида, паранжида, чодрада сақлаш, ҳуқуқларини чегаралаш бўлгандир.

Кўр-кўрона бўлмағур удумларга қул бўлганлар Азизанинг сўнгги бор онаси билан видолашишига йўл бермадилар. Бу унга бир умр армон бўлиб қолганини ўйлаб ҳам кўришмади.

Устозимиз вафот этди. У киши ҳамиша қуйидаги тўртликни такрорлашни севарди:

— Кўзларинг нури қочиб,
Из қолдира олсанг, бас.
Кўпчилик кўзин очиб,
Кўр бўлсанг ҳам армонмас!

Марҳумнинг шогирдлари, уни билган ва таниган одамлар бир лаҳзада тўпландилар. Дафн маросимини қандай ўтказишни маслаҳатлашдик. Қишлоқ мўйсафидлари фикримизга қўшилдилар. Қабристонга микрофон ўрнатдик. Миллий мотам куйлари янгради. Бир неча киши сўзга чиқиб, устознинг ҳаммамиз қадрлаган сифатлари ҳақида, камтарлиги, одамийлиги, меҳнатсеварлиги, келажак авлодни тарбиялашдаги катта ишлари ҳақида гапирди. Бироқ устознинг эллик йиллик умр йўлдоши, қизлари, хотин-қиз шогирдлари қабристонга келмадилар, йўқ, келмадилар эмас, улар бу ерга келолмадилар. Афсуски, ўқиган, тушунган аёлларимиз шундай кезларда жасоратсиз «ожиза»га айланиб қолишади.

Хуллас, марҳумларни дафн этиш маросимида аёлларнинг ҳам қатнашуви ҳақида бир фикрга келишнинг вақти етиб қолди.

Бизнинг марҳумларга бўлган муносабатимиз тўйлардагидай қўй, буқа сўйиб, элга қозонлаб ош беришда эмас, уни ҳаётлигида қадрлаш, вақти келиб хотирасини бир лаҳза бўлса-да ёдлаш, қабрларини тартибга келтириш билан белгиланади.

ҚАБРЛАР НЕГА ХИЛМА-ХИЛ?

Маълумки, жойларда Улуғ Ватан урушида мардларча курашиб қурбон бўлганларнинг номларига хотира уйларидан муносиб ўрин ажратилган. Бироқ, шу қишлоқда яшовчи ўқувчилар у ёқда турсин ҳатто ўқитувчилар ҳам (айниқса тарих ва адабиёт ўқитувчилари) Улуғ Ватан урушида ўз қишлоқларидан неча киши қатнашган, қанчаси омон қайтганини, шаҳид бўлганлар қаерда жон беришгани ҳақидаги саволларга дуруствоқ жавоб беролмайдилар. Чунки улар юқоридан тасдиқлаб берилган мактаб программаларидан четга чиқмайдилар. Ижодкор эмаслар. Орадан ярим аср ўтмай, азиз одамларни эсдан чиқариш инсофдан эмас.

Бундан ташқари, ҳар бир қишлоқда босмачиларга қарши курашиб мардларча ҳалок бўлганлар, маърифат тарғиботчилари, коллективлаштириш даврида муштумзўрлар қўлида жон берганлар бўлган, Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда социалистик ғайрат ва ташаббус билан турмушимизни тиклаш ишида чиққанлар ҳозирда ҳам орамизда. Буларнинг ҳаммасини билмаймиз, билувчилар эса кун сайин камайиб бораётир.

Шуни айтиш керакки, кўпчилик қабристонларда марҳумлар қабрларини тиклаш ёки ёдгорлик лавҳалар ўрнатиш ҳануз изга тушган эмас. Умр бўйи ўз қобиғига ўралиб яшаган баъзилар эса ота-оналари қабрларига афсонавий ёдгорликлар, ҳатто бюстлар қўйишмоқда.

Қабристонлар қошида ташкил этилган устахоналарда ишловчиларга эса пул тўланса кифоя. Марҳумнинг жамият олдида кўрсатган хизматлари суриштирилмайди. Мармар тошларга қандай лавҳа ёзиб берилса, шундай битилаверади. Натижада тириклигида бир олам ишлар қилган, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган, партия ва халққа кўп фойда келтирганларнинг қабри пулдорларнинг қабри соясида қолиб кетаётир: худди ҳаётдаги каби камтар, камсуқум...

Бир мисол: В. И. Чапаев дивизиясида хизмат қилган андижонлик Абдураҳмон ота Боқиев, Хўжаобод районидаги Қулла қишлоғидан, маърифат қурбони Тожихон Шерматова, Қўрғонтепа районидаги Султонобод қишлоғидан Убайдулла Азизий... Бу рўйхатни яна исталганча давом эттириш мумкин. Лекин бу табаррук кишиларнинг номларини, улар жасорат кўрсатган ёки дафн этилган жойларни юртдошларимиз ҳам билишмайди.

Бугунги авлод мардлик ва жасорат кўрсатган кишиларнинг қабрларини излаб топишлари ва улар дафн этилган жойларни кўпчиликнинг, айниқса ёшларнинг зиёратгоҳларига айлантиришлари керак. Қайта қуришдек инқилобий жараён давом этаётган порлоқ бу кунларга асос солган боболаримиз ва момоларимиз ҳаёт йўлларини ўрганиш, уларнинг уй-музейларини ташкил этиш, қабрларини тартибга келтириш, ёдгорликлар ўрнатиш, улар яшаган қишлоқларга, кўчаларга номларини бериш энг аввало қишлоқ Советлари, кенг жамоатчиликнинг ишидир.

Андижон

МУҲОКАМА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА

Олимжон ХОЛДОР

Мангуликка дахлдор



ОХИРГИ ТАВБА

ҲАЖВИЯ

— Шу зорманда қачон йўқоларкин? Нархи ошса ҳам, камайиб кетса ҳам, бари бир, топиб ичасиз. Туппа-тузук одам кимларга ўхшаб қолдингиз?! Биноийдек ўқитувчилик қилардингиз, турмушимиз тотув эди. Шу касофатга йўлиқдингизу расво бўлдингиз. Ишдан ҳайдашди, неча марта ҳушёрхонага тушдингиз. Уч боланинг отаси деб ким айтади сизни?

Хотинининг аччиқ таъналарини эшитар экан, Ваққос кечаги воқеаларни эслашга уринарди, аммо лўқиллаб оғриётган боши мутлақо ишламасди.

— Қўшнимиз Хосият опа кўрибди: «Чилонзор»да метрога тушибсиз. Вагонга кира солиб йўловчилардан билет суриштира кетибсиз.

— Ҳадеб сайрайверма, ичсам ўз пулимга ичаман, — баланд келишга уринди. — Ўша ўқитувчи бўлган пайтимда: «Сут эмизувчилар ундоқ, умуртқалилар бундоқ», деб дарс ўтгандан кўра ҳозирги ишим минг марта яхши.

— Ким бўпсиз, ҳайвонот боғида фаррошсиз-да, — деди хотини бўш келмай.

— Фаррош эмас, «техник» дейилади. Илмий ходим деса ҳам бўлаверади. У ерга ҳамманиям олаверишмайди, ҳайвонлар билан ишлаш — нозик, хавфли иш.

— Бу аҳволда у ердан ҳам ҳайдаласиз.

— Чақагингни ўчир. Ундан кўра кийимимни тозалаб бер.

«Эҳ, қани энди одамзотнинг ибтидоий даври қайтиб келса! Ишхона, қўни-қўшни, кийим-кечак деган гаплар бўлмасди. Эркак киши ўз ишини билиб қиларди, аёл ўз ишини. Ўрмон тўла ёввойи ҳайвон, паррандаю даррандалар, хоҳлаганингни овлайсан, гўштини пиширив ейсан, терисини пўстин қиласан. Кейин ғор ёки капада масза қилиб ётасан. Хоҳласанг ёввойи узумлардан шароб қилиб ичасан». У хаёл сураётганди, бирдан:

— Гап шу, дадаси, — хотини шарт қўйди, — агар бугун ҳам ичиб келсангиз, ўша заҳоти ойимникига кетаман. Ёшингиз қирқда, айни кучга тўлган пайтингиз. Қаёққа қараб кетаяпсиз ўзи? Сизга гапираверив чарчадим-ку!

Ваққос бошини қашлаб, индамай уйдан чиқиб кетди. Кеча ҳайвонот боғига кирган бир киши ундан аквариумбоп балиқчалардан топиб беришни илтимос қилган эди.

Ваққос кечқурун аквариумларни артаётиб, ўша балиқчалардан иккитасини шишачага солиб, ички чўнтагига яширди. Ишдан сўнг балиқчаларни пуллаб, яна ўзининг эски улфатларига қўшилди. Бу гал ичкилик одатдагидан кўпайиб кетди шекилли: охирги қадаҳни қаерда ва ким билан ичгани эсида йўқ...

Бир пайт кўзини очса, аллақандай ғор ёнида тошни қучоқлаб ётган эмиш. Эгнида қандайдир ҳайвоннинг териси. Суяклари зирқираб, боши ёрилиб кетгудек лўқиларди. Шу пайт ғордан хотини чиқиб келди. У ҳам ҳайвон терисига ўралган.

— Сиз қачон эркакларга ўхшаб бола-чақангизга овқат олиб келасиз? Нима, бугун ҳам тошбақа тухумини еймизми? — шанғиллади хотини.

Эллик қадамча нарида чўғда пишган кийик гўштининг ҳиди димоқни қитиқларди. Кечадан бери тузукроқ тамадди қилмаганидан Ваққоснинг ичини мушук тталарди.

— Ўртанчангни чақир, овга борамиз, — деди унинг эркаклик ҳамияти қўзғаб. — Сен гулханни баланд қилиб тур.

Ота қўлбола найза олиб, ўғлига арқон ушлатди-да, овга жўнашди. Ўрмонга кираверишда уларнинг бахтига бир гала кийик учради. Ваққос найзани улардан бирига отганди, тегмади. Шундан сўнг кийиклар тум-тарақай бўлиб ўрмон ичкарисига қочди.

Йўлда ўғли мушукдек келадиган бир жониворни ушлаб олди. Шуни ҳисобга олмаганда, уларнинг ови юришмади, ғорга қуруқ қайтишди.

Хотини шундай бўлишини олдиндан сезган шекилли, бир нечта тошбақа тухумини қўрда пиширив ўтирган экан. Ўғли эса ҳалиги жониворни сўйишга тутинди. Хотини Ваққоснинг олдига индамасдан иккита тухум қўйиб кетди. Қўшни ғордан яна димоқни қитиқловчи гўштнинг ҳиди келди. Ваққос тухумларни қўлга олиб, эгнидаги ҳайвон терисини остига яширди-да, ғордан чиқди. У тирмашиб тоғ тепасига кўтарила бошлади. Бир ойча олдин у ғор тепасидаги чуқурчага ёввойи узумдан мусаллас тайёрлаб қўйган эди. Ваққос «қўлбола» мусалласдан ичар экан, тўнғиз боласи хаёлидан ўтди. Қорнига тушган «оби-замзам» ўз ишини кўрсатди, унинг иштаҳаси очилиб кетди. Иккита тошбақа тухуми девдек одамга нима ҳам бўларди.

«Минг лаънат бундай ҳаётга, — деди у хўрлиги келиб, — пичоққа илингудек бирорта ҳайвон овлашга ҳам уқуви қолмапти-я, қачондан бери уни хотини билан болалари боқиб келишаяпти. Бунақада хотини болаларини олиб, қўшни ғорга кетиб қоладику. Йўқ, у бундай ҳаётга ортиқ чидай олмайди, ҳозир ўзини шу тоғдан пастга ташлайди». Шу ўй билан у харсанг четига келди-да, ўзини пастга отди...

Ваққос оғриқдан инграб, кўзини очса, юқори қаватда яшовчи қўшниси Хосият опа тепасида турибди.

— Хотиним қани, болаларчи? — шошиб сўради у.

— Кетиб қолишди, мана, калитни менга ташлаб кетишди.

— Қўшни ғорга кетишдими? — ҳамон ўзига келолмасди у.

— Қанақа ғор? Эсингиз жойидами? Ойисиникига кетди, — ҳайрон бўлиб жавоб берди Хосият опа.

«Минг лаънат шу ичкиликка! Нима қилиб қўйди ўзи? Хотини — бир сўзли, энди қайтиб келмайди. Йўқ, уни олиб келиши керак, уларсиз ҳаёт — ҳаёт эмас. Фақат у энди ичкиликни бошқа оғзига олмаслиги керак, акс ҳолда...»

У бир қарорга келди шекилли, чаққонлик билан туриб, ваннага кириб кетди. Ювиниб, соқолини олди, кийимларини дазмоллаб кийди-да, қайнонасининг уйига жўнади...

Набижон
АБДУҚОДИРОВ

ГУРУҲБОЗ ХЎТИК

Масал

Барча ҳайвонларда бор бир истеъдод:
Кийик пойгачию, Маймунвой-дорбоз.
Қурбақа — сузувчи, юк ташувчи — От,
Булбул — ҳофиз, Қумри, Саъва чалар соз.
Буларни ўйларкан уҳ тортди Хўтик:
— Қўлимдан бирор иш келмас ҳеч
қандай!..—
Бош эгиб, ўй суриб, турар экан тик,
Депсиниб тепинди чигил ечгандай:
— Бас, топдим — омадсиз дўстларни йиғиб,
Келишиб олайлик, топиб бир муҳлат...
Айиқ, Бўри, Тулки, Каламуш келиб,
Тонггача Хўтик-ла қурдилар суҳбат.
Гапни қўйиб охир улар бир ерга,
Иш бошлар, Хўтиквой бўлар бунга бош.
Айёр Тулки зимдан ўғирларди гап,
Лақма Айиқ ўйламай отаверди тош.
Шу йўсин авж олди ифвою бўҳтон,
Кийик, От, Булбуллар бўлдилар гаранг.
Тирноқдан кир излаш экан кўп ёмон,—
Ҳақиқат очилди ков-ковдан аранг.
Хўтикнинг қулоғи кесилди охир,
Айиқ, Тулки, Бўрига берилди дашном.

* * *

Кимки, Хўтик каби изласами кир,
Шарманда бўлғуси, хулласи калом.

Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ



Ферма тоға, жонингизнинг ҳузурини кўзлаган экансиз-да.
Н. Иброҳимов чизган расм

БИР ИҒВОГАР

Таърифингни айлай баён,
Қилмишларинг элга аён,
Афтинг қурсин: мисли чаён,
Куйдим, иғвогар, дастингдан.

Тўғри йўлдан юролмайсан,
Чин инсонни кўролмайсан,
Иғво қилмай туролмайсан,
Куйдим, иғвогар, дастингдан.

Ҳар бир чўп ҳам сомон бўлмас,
Асли яхши ёмон бўлмас,
Сендайларга омон бўлмас,
Куйдим, иғвогар, дастингдан.

Ҳикмат бахши терма тўқир,
Иғвогарга лаънат ўқир,
Бетга айтдим — заҳри йўқдир,
Куйдим, иғвогар, дастингдан.

Ҳикмат бахши
МУСУРМОНОВ

Самарқанд область,
Советобод райони

Ибрат-ҳикоялар

«Санъат сирларини ўрганиб, камолот чўққисини эгаллашимда ва халқ орасида машҳур бўлишимда устозларимнинг ҳам камтарона ҳиссаси йўқ эмас, албатта».

(Чиранчиқ «санъаткор»нинг концерт пайтида деганлари)

«Магазинга искович итимни олиб борган эдим, олғир магазин мудири яшириб қўйган семиз товуқларни пештахтага чиқарди».

(Овчининг мақтаниши)

«Автобусда «Минг бир кеча»ни ўқиб кетаётган эдим, кимдир: «Отага жой беринг», деб туртди. «Китобдан бош кўтаролмаяпман, ўн кечаси қолди», деган эдим, қария: «Ўғлим, ухлаб қолманг, яна», деб автобусдан тушиб кетди».

(Китобсевар йигитнинг гапи)

«Сира тушунолмай қолдим: мактабда болаларга қанақа тарбия беришаяпти ўзи! Кенжа зумрашам: «Дада, қуённинг қулоғи нега узун»,— деб сўраган эди: «Дадаси гапига кирмагани учун қулоғини чўзган», дедим, «Унда, сиз ҳам дадангизнинг гапига қулоқ солмаган экансизда», деди».

(Отанинг шикояти)

«...Сой юзида ой кўрдим...»

(Ашуладан)



— Бобойнинг пенсаси тугади, энди кампирнинг пенсасини кутамиз.

Н. Иброҳимов чизган расм


МУҚОВАДА

Биринчи бет: АЛИШЕР НАВОИЙ.
Узбекистон ССР халқ рассоми В. Кайдалов чизган.
Тўртинчи бет: БЎСТОНЛИҚ МАНЗАРАЛАРИ.
Р. Нуримбоев ва Р. Яруллин фотолари

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим қисқа материаллар «Вокруг света», «Здоровье» журналларидан олинди.



КРОССВОРД

ЭНИГА: 1. Олий музика таълими ўқув юрти. 4. Темирчилик асбоби. 5. Сув ёки шамол кучи билан айланадиган содда қурилма. 10. Саломатлик муассасаси. 14. Ока дарёси бўйидаги область маркази. 15. Миллий таомлар тайёрловчи касб эгаси. 16. Шарқий Африкадаги давлат. 19. Узунлик ўлчови бирлиги. 20. Чотқол ва Қизилтўр тизмалари оралиғидаги довон. 21. Қитъа. 23. Сут маҳсулоти. 26. Шашмақомдаги музика асарининг бир қисми. 27. Ёқилғи, маъдан. 28. Фойдали митти қуш. 31. Енгил автомобиль маркаси. 32. Ўрта Осиёда яратилган қадимий китоб. 33. Бинокорликда қўлланиладиган қурилма. 34. Қишлоқ хўжалиги тармоғи.

БЎЙИГА: 2. «Ҳамза» драмаси қаҳрамони. 3. Совет биолог олими, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 4. Қотишма металл. 6. Туркман классик шоири, ҳажвгўй. 7. Усмон Носир поэмаси. 8. Музика асари жанри. 9. Иттифоқдош республика. 11. Рус совет шоири, «Василий Тёркин» поэмаси муаллифи. 12. Каштачилик анжомы. 13. Қишлоқ хўжалиги фани соҳаси. 17. Сув йўли, жилға. 18. Халқ достонларини дўмбира жўрлигида ижро этувчи ижодкор. 22. Кимёвий маҳсулотларни синтезлашда ишлатиладиган модда. 23. Совет ҳарбий арбоби, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 24. Бир неча хил модданинг суюқликдаги қоришмаси. 25. Шимолий Америкадаги давлат пойтахти. 29. Француз олими, ҳозирги замон микробиология фани асосчиси. 30. Ҳунарманд.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

1-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: 7. Сиэтл. 8. Лагос. 9. Сепоя. 10. Чиноз. 11. Зебра. 12. Ампер. 19. Шўроб. 20. Бордо. 21. Обнус. 22. Қоғоз. 23. Зиғир. 24. Радий. 31. Таноб. 32. Брест. 33. Темир. 34. Галла. 35. Андиз. 36. Зирак.

БЎЙИГА: 1. Шивит. 2. Ўтрор. 3. Гашек (Ярослав). 4. Доира. 5. Терма. 6. Сонет. 13. Таноб. 14. Ротор. 15. Косиб. 16. Адлия. 17. Абхаз. 18. Тунис. 25. Чаман. 26. Рояль. 27. Бруно. 28. Ясмин. 29. Зефир. 30. Сирач.

Бош редактор: МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, Э. МУҲАМЕДОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), К. ЯШИН

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор М. Набиева

Адресимиз: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 19.12.88 й. Босишга рухсат этилди 9.02.89 й. Р-07575. Қоғоз формати 70×108 1/8. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли нашуналар 16,8. Тиражи 143339. Буюртма —4913, А-122. Баҳоси —35 т.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ЯНГИ ҲАЖВИЙ ПЛАКАТЛАР

„ГУЛИСТОН“ ГАЛЕРЕЯСИ




А. УМАРОВ. ОҚЛАР БОШЛАЙДИ ВА... ЮТАДИМИ?

А. ЗИЁЕВ. БУЙРУҚ № ...



И. РЕЗНИКОВ, С. ВАСИЛЬЕВ. ҚАЙСИ ДАРОМАДГА ЯШАЯПСИЗ?



ҚИШ КЎРИНИШЛАРИ

А. Жумаев, Г. Еқубов, В. Мосин фотолари





